

ЎЗБЕҚИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
С ОРЖОНИКИДЗЕ НОМИДАГИ ХУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНЛИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОХУНЖОН САФАРОВ

БОЛА ЛАРНИ  
ЭРКАЛОВЧИ  
ЎЗБЕК ХАЛҚ  
ҚҮШИҚЛАРИ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕҚИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ  
1983

Монографияда ҳали кенғ жамоатчиликка маълум бўлмаган бой фактик материал асосида болаларни эркаловчи ўзбек ҳалқ поэзияси намуналарининг жанр табнати, генезиси эволюцияси тоявий-бадний таҳлил жараёнида ойдинлаштирилади, шу жанрларга хос социал-этнографик хусусиятлар умумлаштирилиб, ҳалқ педагогикасидаги аҳамияти кўрсатилиди.

Монография илмий ходимлар, аспирантлар ҳамда олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ва студентларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
филология фанлари кандидати *T. Мирзаев*

Тақризчилар:  
филология фанлари кандидатлари  
*T. Қораев, Б. Саримсоқов*

С 4603010200—2188  
M 355 (04)—83 96—83

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1983 й.

## МУҚАДДИМА

Болалар фольклорининг таркибий қисми бўлган болавона она ўртасидаги хилма-хил муносабатларни акс эттирган ҳалқ қўшиқларини ҳар томонлама ўрганиш жуда катта илмий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Умумсовет фольклоршунослиги бу соҳада муайян ютуқларни ҳам қўлга киритди. Жумладан, рус болалар фольклоршунослигида оналик поэзияси тарзида гурухланган ҳалқ қўшиқларини М. Н. Мельников эркалаш поэзияси<sup>1</sup> деб номлайди. Бундай номлашнинг афзаллиги шундаки, у оналик оғзаки поэзиясининг катталарга алоқадор жанрларини истисно этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фольклоршуносликда оналик поэзиясини болалар фольклори таркибига киритиш ёки киритмаслик ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Г. С. Виноградов бу гурухга мансуб асарлар ижодкори ва ижроиси оналар бўлганидан уларни болалар фольклорига номансуб ҳисоблайди<sup>2</sup>, И. О. Капица эса унга эътиroz билдириб, «лирик мазмундаги қўшиқ бўлгани учун аллалардан ўзгаси»ни<sup>3</sup> болалар фольклорига мансуб санайди. В. П. Аникин<sup>4</sup>, А. А. Қайев<sup>5</sup>, М. Н. Мельников<sup>6</sup>, шунингдек, молдаван болалар фольклори тадқиқотчisi Н. М. Бзешулар<sup>7</sup> оналик поэзиясининг алла, эркала ма, овутмаочоқ, қизиқмаочоқ каби намуналарини болалар фольклорига қўшади. Татар болалар фольклори тўпловчиси Н. Исэнбет ҳам мазкур

<sup>1</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири. Новосибирск. 1970, с. 24.

<sup>2</sup> Виноградов Г. С. Народная педагогика. Иркутск, 1926, с. 29.

<sup>3</sup> Капица И. О. Детский фольклор. Л., 1928, с. 31.

<sup>4</sup> Аникин В. П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. М., 1957, с. 88.

<sup>5</sup> Қайев А. А. К характеристике современного устно-поэтического репертуара детей.— Ученые записки Орехово-Зуевского госпединститута. Т. IX. М., 1958, с. 92.

<sup>6</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 25.

<sup>7</sup> Фольклорул копиилор (Детский фольклор). Кишинев, 1978, с. 179.

жанрларга болалар фольклори намуналари сифатида қарайди<sup>8</sup>. Бунда уларнинг барчасини — мазкур жанрлардаги асарларни катталар, асосан, оналар ижод ва ижро этсалар-да, у фақат болаларгагина қаратилганлигини асос қилиб кўрсатадилар. Чиндан ҳам катталарни аллалаш, овутши ёки эркалаш қанчалик эриш туюлишини инобатга олишнинг ўзиёқ бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлади. И. О. Капица «лирик мазмун»га эга бўлгани учун аллаларни катталар қўшиғи сифатида алоҳида гуруҳга; эркалама, овутмаочоқ ва қизиқмаочоларни алоҳида гуруҳга ажратади. Бизнингча, бу таснифдаги ноаниқлик аллаларнинг барчасига лирик қўшиқ сифатида қараб, уни катталар қўшиғига қўшишдир. Ҳолбуки, оналар қўшиғи тарзида алланинг фақат болаларгагина куйланиши мантиқига суюнилса, бунинг устига лирик характеристики ҳам шу мантиққа бўйсундирилганлиги эътиборга олинса, унинг болалар фольклорига мансублиги янада равшанлашади. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек аллалари болаларнинг бешик даври билан қатъий bogланса, эркалама, овутмаочоқ, қизиқмаочолар бу давр билан нисбий bogланган. Чунки уларни бола 10—11 яшар бўлгунча куйлаш мумкин. Шу мулоҳазалар асосида ўзбек болаларни эркаловчи қўшиқларни ижро этиш ўрни, даври ва характеристининг хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратамиз: 1. Бешик қўшиқлари. Бунга аллалар ва айтим-олқишлиар киради; 2. Суйиш қўшиқлари. Бунга эркаламалар, овутмаочолар, қизиқмаочолар мансубдир.

---

<sup>8</sup> Татар халкының балалар фольклоры. Казан, 1941, 39-бет.

## Аллалар

Аллалар бешик қүшиқларининг кенг тарқалган анъянавий жанри ҳисобланади. Жаҳонда бирор халқ, миллат ёки элат йўқки, уларнинг тилида алла куйланмаса... Русларда «байки» ёхуд «баюшки»<sup>1</sup> деб юритилувчи бундай қўшиқлар туркманларда «ҳувдилар»<sup>2</sup>, татарларда «алли-балли»<sup>3</sup>, қорақалпоқларда «ҳейя-ҳейя»<sup>4</sup>, туркларда «нинни»<sup>5</sup>, форсларда «лоло», инглизларда «scadlesong lullaby», немисларда «wiegelied», французларда «вегеузес»<sup>6</sup>, ўзбек ва тожикларда «алла» атамалари билан машҳурдир. Бинобарин, алла жаҳон оналарининг меҳрга йўғрилган бир қадар фараҳбахш, аммо ўрни билан эса бир қадар ғамгин энг муқаддас қўшиғидир.

Аллалар ижтимоий-эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси, болаларни ухлатиш; аслида «алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам аллалаш, овутиб, авайлаб ухлатишдан иборат. Бундай аллалаб овутиш ёки овутиб ухлатиш кўйлаш жараёнида амалга оширилишида намоён бўлади. Худди шу аснода унинг иккинчи тарбиявий-эстетик моҳияти намоён бўлади: бу алланинг эмоционал таъсирчанлигидан келиб чиқувчи хусусияти бўлиб, болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш, оҳанглар воситасида ҳаёт маъносини англашига йўл очиш, шу зайлда эстетик дидини ўстириш мақсадига қаратилганинигидир. Абу Али ибн Сино алланинг ана шу хусусиятини минг йил илгариёқ пайқаб, шундай деган эди: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири, болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қол-

<sup>1</sup> Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. Т. I, М., 1955, с. 57.

<sup>2</sup> Ҳапыз ага. Ашгабат, 1975, 21-бет.

<sup>3</sup> Татар халқынин балалар фольклоры, 41-бет.

<sup>4</sup> Қарақалпақ халық қосықлары. Нөкыс, 1965, 21-бет.

<sup>5</sup> Соңук. Edebiyyat Antolojisi. Ankara, 1957, 3-бет.

<sup>6</sup> Каница И. О. Детский фольклор, с. 34.

ған музика ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан музикага бўлган истеъоди ҳосил қилинади<sup>7</sup>. Улуғ ҳаким «болани секин-секин тебратиш»нинг бадантарбия билан боғлиқлигини маҳсус таъкидлаётган экан, умуман тебратишни, айтайлик, фақат бешикда<sup>8</sup> тебратишнигина эмас, балки беланчак — алвоңжда ёки ўтириб олиб иккала оёқни параллель чўзганча устига солинган ёстиқда болани тебратиб алла айтишни, тикка турган ҳолда бағирга босиб тебратишни ёинки елкасига бир маромда қоқиб туриб алла айтишни ҳам кўзда тутган. Аммо бу жараёнлар алласиз бажарилиши ҳам мумкин, шунчаки тебратиб туриб, бола ухлатилади. Шуниси ҳам борки, бу жараёнлар ҳар бир халқнинг этнографик хусусиятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Айтайлик, ўзбек ёки тожикларда алласинг куйланиш оҳангги тебратишниг мувозанати ва ритмига мос бўлиб, бунда ҳатто тебратилаётган нарса бешикми ёки беланчаклигигача, бош қашишми ёки елка қоқишигача — ҳаммасининг алла оҳангига мутаносиблигига қатъий риоя қилинади. Французларда алла шақилдоқ жўрлигига куйланиши ҳақида Л. Бек-де-Фукъере ёзган маълумотлар<sup>9</sup> ҳам бор. Ўзбекларда ҳам бешик ё беланчакка шақилдоқ боғлаш одати бўлса-да, тебраниш ритмига мос овоз билангина аллага жўр бўлинади, французларда алла куи шақилдоқ аккомпонентлигига ҳосил қилиниши билан ажралиб туради.

Абу Али ибн Синонинг аллага оид мулоҳазалари мазкур жанр генезисини белгилашда ҳам ғоят қимматлидир. Аллаларнинг Ибн Сино замонидаёқ Ўрта Осиёдагина эмас, балки у кезган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар орасида мұхим аҳамият касб этганлиги, ўз анъанавий хусусиятларига эта мустақил жанр сифатида кенг тарқалғанлигии туркий халқлар ўртасида унинг «балу-балу» номи билан юритилиши хусусидаги «Девону луготит турк»<sup>10</sup>да берилган

<sup>7</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Тошкент, 1959, 293-бет.

<sup>8</sup> Қаранг: Фозилов И. Бешик ва унинг зарари. Тошкент, 1962.

<sup>9</sup> Қаранг: Бек-де-Фукъере Л. Игры древних. Киев, 1890, с. 43.

<sup>10</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Уч томлик. III том. Тошкент, 1963, 251-бет.

маълумот ҳам тасдиқлайди. Алишер Навоий ҳам Фарҳоднинг бешикдаги аҳволини шундай тасвиirlайди:

Аруси чарх тун-кун доя кирдор,  
Бўлиб ҳар таври ҳолидин хабардор.  
Бешик даврида чинию хитойи  
Бўлуб юз иўш лаб достонсаройи.  
Кўзининг нози элдин элтиб уйку,  
Аига уйқу кестурмакка навогу<sup>11</sup>.

Кўриниб турганидек, шоир алла айтувчини *навогў* дея таърифлайди. Бу билан феодал жамияти тараққий этган шароитда алла айтиш тадрижини маълум даражада эътироф этади. Болалар фольклори тадқиқотчиси F. Жаҳонгиров «Алишер Навоий эса алла айтишни *навогў* деб атади»<sup>12</sup>, — дея талқин қилади. Ҳолбуки, *навогў*<sup>13</sup> алла тушунчасини эмас, балки алла айтувчи — аллачи маъносини англатади. Бу фактнинг қиммати шундаки, Фарҳод тарбияси билан шуғулланувчилар сафида маҳсус аллачи ёхуд алла айтувчи энага ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. Ана шу тасдиқ, ўз навбатида, алла ижрочилигининг маҳсус санъат — навогўлик даражасида тадрижий такомилга эришганлигини, шу соҳа билан шуғулланувчиларнинг навогў сифатида алоҳида эътибор қозонганликларини яққол кўрсатади. Рус болалар фольклоршунослигида<sup>14</sup> эътироф этилганидек, аллалар ҳали ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ куйлана бошланган. Шундай бўлгач, минг-минг йиллик тарихий тараққиётнинг қайсиdir босқичида, Навоий хабаридагидек, унинг ўз куйчилари, профессионал аллачилар — навогўлар етишиб чиққанига шубҳаланишнинг ҳожати йўқ, албатта. Тўғри, бизда илгариги даврларда аллалар ёзиб олинмаганидан конкрет фактлар асосида бу фикримизни тасдиқлаш имкониятига эга эмасмиз. Аммо жаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган уч буюк сиймонинг — Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийларнинг ҳар бири, гарчи уларни тарих тақозоси бир-бирларидан юз ва ҳатто беш юз ийллик муддат масофасида ажратиб турса-да, аллага мурожаат этишлари — алланинг узоқ замонлардан бери

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент, 1960, 174-бет.

<sup>12</sup> Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори. Тошкент, 1975, 14-бет.

<sup>13</sup> Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972, 445-бет.

<sup>14</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 29.

халқ турмушига, болалар тарбиясига кенг ва чуқур сингиганлигидан далолат беради.

Шунга қарамай, ўзбек оналарининг «сутда қорилган» ва меҳрға йўғирлган муқаддас аллаларини тўплаш ва ўрганиш асрлар оша ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Ҳатто рус фольклоршунослигида ҳам бу ишга фақат XIX асрнинг бошларида гина киришилди. И. П. Сахаров тўплашган фольклор материаллари асосида 1839 йилда чоп этилган «Рус халқ қўшиқлари»<sup>15</sup> тўпламига киритилган аллалар шу соҳадаги дастлабки изланишлар эди. Қейинчалик бу соҳада П. В. Шейн<sup>16</sup>, П. А. Бессонов<sup>17</sup>, Е. А. Покровский<sup>18</sup>, Н. Левицкий<sup>19</sup> ва бошқалар тўпловчилик ва ноширлик ишларини амалга оширилдилар. Йиғилган материалларни системага солиш, улар асосида алланинг жанр табиатини аниқлаш, тараққиёт хусусиятларини илмий-эстетик планда ўрганишга ҳам киришилди. Бу жиҳатдан А. Ветуховнинг «Халқ бешик қўшиқлари»<sup>20</sup> асари жиддий қадам бўлди.

Яна шуниси ҳам эътиборлики, рус фольклористлари ўз халқ аллаларини бошқа халқларнинг аллалари билан қиёсий ўргана бошладилар. Жумладан, А. Ветухов бир қадар реакцион миллатчилик позициясида турган бўлсада, рус, украин, белорус, поляк ва форс аллалари хусусиятларини умумлаштиришга интилди. В. Жуковский эса Эрондаги ўтроқ ва кўчманчи халқлар бешик қўшиқлари ҳақида маҳсус тадқиқот яратди<sup>21</sup>. Форс аллаларига оид бу кузатишларга салкам бир аср тўлаётганига қарамай, улар тоҷик ва ўзбек аллалари орасидаги талай муштаракликларнинг тарихий илдизларини аниқлаш учун ҳамон актуалдир. Аммо аллаларни тўплаш, нашр этиш ва илмий-эстетик жиҳатдан

<sup>15</sup> Сахаров И. П. Песни русского народа. Ч. IV. СПб., 1839.

<sup>16</sup> Шейн П. В. Сборник народных детских песен, игр и загадок. М., 1898.

<sup>17</sup> Бессонов П. А. Детские песни. М., 1868.

<sup>18</sup> Покровский Е. А. Детские игры преимущественно русские. М., 1887.

<sup>19</sup> Левицкий Н. Народные колыбельные песни. Харьковский сборник. В. II, 1888.

<sup>20</sup> Ветухов А. Народные колыбельные песни. М., 1892. Бу тадқиқот аслида «Этнографическое обозрение» журналининг 1892 йилги 12-сони 131—154; 13-сони 127—142; 14-сони 96—115-бетларни да бўслилган.

<sup>21</sup> Жуковский В. Колыбельные песни и причитания оседлого и кочевого населения Персии. Журнал Министерства Народного Просвещения за 1889 г., кн. 1-я.

ўрганиш соҳасида рус фольклористикиаси XIX аср охирида анча ўсган бўлса-да, бу жараён XX аср бошлирида ҳам стихияли характер касб этди. Шунга қарамай, айрим тадқиқотлар юзага келди. Бунда Г. Добряковнинг «Бешик қўшиқлари ҳақида»ги мақоласини<sup>22</sup> эътироф этиш мумкин.

Фақат Улуғ Октябрь ғалабаси бу соҳадаги изланишларнинг чинакам интенсив тус олишига йўл очди. Натижада 20—30-йилларда ёқ рус болалар фольклорини ўрганиш соҳасида жиддий ишлар амалга оширилди. Г. С. Виноградов<sup>23</sup>, И. О. Капица<sup>24</sup>, Т. Н. Ломаченкова-лар<sup>25</sup> бу ишни янги босқичга кўттардилар. Улуғ Ватан уруши шиддатли давом этиб, ғалаба уфқи кўрина бошлаган 1944 йилда Н. М. Элиаш «Рус бешик қўшиқлари»<sup>26</sup> номли кандидатлик диссертациясини ёқлади. Бунда у аллаларнинг келиб чиқиши ва совет давридаги тараққиёт хусусиятларини кўрсатишга интилди.

Урушдан кейинги йилларда эса аллалар ҳақидаги назарий қарашларни системалаштиришда В. П. Аникин<sup>27</sup> ва М. Н. Мельниковлар<sup>28</sup>нинг хизматлари катта бўлди.

Рус фольклорист-этнографлари СССРдаги бошқа халқлар, миллатлар ва этник группаларнинг фольклорини ўрганишга ҳам эътибор бера бошладилар. С. Андреев, Е. Пещеровалар 20-йилларда ўзбек ва тоҷик халқлари этнографияси ва фольклорларига оид кузатиш ишларини олиб бордилар. Бу сафга Фози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Ғулом Зафарий, Элбек каби ўзбек олимлари ҳам қўшилдилар.

Фози Олим Юнусов ўзбек алласига оид кузатишларини 1926 йилда эълон қилди<sup>29</sup>. Бу мақола ўзбек фольклористлари диққатини аллаларни ёзиб олиш ва ўрганишга қаратганлиги билан диққатга сазовордир.

<sup>22</sup> Д обряков Г. О колыбельных песнях.—«Вестник воспитания». М., 1914, с. 145—156.

<sup>23</sup> Виноградов Г. С. Детский фольклор и быт. Иркутск, 1925.

<sup>24</sup> Капица И. О. Детский фольклор. Л., 1928.

<sup>25</sup> Ломаченкова Т. Н. Девочки-няни.—«Детский быт и фольклор». Сб. I. Л., 1930, с. 28—84.

<sup>26</sup> Элиаш Н. М. Русские колыбельные песни (Опыт классификации фольклорного жанра). Канд. дисс. Сызрань, 1944.

<sup>27</sup> Аникин В. П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. М., 1957, с. 98—102.

<sup>28</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири.

<sup>29</sup> «Маориф ва ўқитгувчи», 1926, 4-сон.

Ана шу даъватга жавобан Ҳоди Зариф ва бошқалар ўзбек аллаларини ёзиб олиш ва нашр этишга киришдилар. 1939 йилдаёқ Ҳоди Зариф 95 сатрдан иборат алла текстини эълон қилишга муваффақ бўлди<sup>30</sup>.

Аммо ўзбек аллаларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда, хусусан, 60 ва 70-йилларда бир қадар жонланди. Бу соҳада, айниқса, ўзбек маросим қўшиқларининг тадқиқотчиси, таниқли фольклорист, Беруний мукофоти лауреати Музайяна Алавия<sup>31</sup> самарали ишларни амалга ошириди. У ўзбек аллаларининг ғоявий хусусиятларига бағишилаб илмий-ташвиқий мақолалар ёзди, 200 сатр атрофида оригинал алла текстларини эълон қилди.

Проф. Ҳ. Рассоқов эса Фарғона водийси аллаларини тўплаб, нашр этишга, қисман бўлса-да, эришди<sup>32</sup>. Ўзбек болалар фольклори тадқиқотчиси Ғани Жаҳонгиров эса ўзбек аллаларининг ёзиб олиниш ва ўрганплиш тарихига эътибор бериб, унинг жанр хусусиятлари ҳақида дастлабки мулоҳазаларни илгари сурди<sup>33</sup>. Тожик болалар оғзаки поэзияси ҳақида баҳс юритган таниқли фольклорист Б. Шермуҳаммадов эса тожик аллаларини ўзбек аллаларига чоғиштириб ўрганишга аҳамият берди<sup>34</sup>.

Хозирга қадар Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия ва Ҳошимжон Рассоқовлар томонидан чоп этилган аллаларнинг умумий миқдори 676 сатрни ташкил қиласди. Унинг 210 сатри такрорий нашр бўлиб, 460 сатри оригинал қисмдан иборат. Алла текстларини куйи билан нотага ёзиб олишга ҳам ҳеч ким эътибор бермаган. Ҳолбуки, рус фольклористикасида бу ишга XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ киришилганлиги ва унинг натижалари ҳақида Г. С. Виноградов хабар беради<sup>35</sup>. Тўғри, кўп томлик

<sup>30</sup> Ўзбек фольклори. 1-китоб. Тошкент. 1939. 293—294-бетлар.

<sup>31</sup> Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, 1959, 283—290-бетлар; Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, 1972, 199—202-бетлар; Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқларин. Тошкент, 1974, 131—140-бетлар.

<sup>32</sup> Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Тошкент, 1967, 139—146-бетлар.

<sup>33</sup> Жаҳонгиров Г. Ўзбек болалар фольклори. Тошкент, 1975, 14—20-бетлар.

<sup>34</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми халқини бачагонай тоҷик. Душанбе, 1973, саҳ. 79—86.

<sup>35</sup> Виноградов Г. С. Детский фольклор.— В кн.: Из истории русской фольклористики. Л., 1978, с. 184.

«Ўзбек халқ музикаси»нинг бастакор М. Юсупов тўплаган ва нотага кўчириб, нашр эттирган 9-томида биргина алла тексти бор<sup>36</sup>. Аммо Хоразм оналарининг алласи сифатида тақдим этилган бу қўшиқ тексти бошдан-охиригача ишқий-интим характерга эга. Унда ҳатто аллаларга хос темир қонунга айланган алла, ҳуй-ҳуй ёки ҳуйди нақорати ҳам йўқ. Худди шу фактлар F. Жаҳонгировнинг «Халқ орасида бешик қўшиқлари ўзининг сонжиҳатидан кўплиги билан кўзга ташланмайдн»<sup>37</sup>, — деган хulosи чиқаришига сабаб бўлганга ўхшайди. Кузатишлар эса, бешик қўшиқлари, жумладан, аллалар F. Жаҳонгиров айтганчалик кам эмаслигини кўрсатади. Кейинги ўн йил давомида Бухоро область территориясидан 2000 сатрдан зиёдроқ алла текстларини ёзиб олдик. Уларнинг 400 сатрга яқини тожик тилида, 300 сатрдан зиёдроги диний характердаги аллалардир. 1600 сатр алладан яна 270 мисрачаси такорорий варианtlар улушкига тўғри келса-да, композицион жиҳатдан анча такомиллашганлиги билан нашр этилган варианtlаридан фарқ қилиб туради. Бу фақат биргина Бухоро обlastидан ёзиб олингани, холос. У ҳам ҳали тўлиқ эмас. Ўзбекистоннинг бошқа обlastлари аҳолиси репертуарида фольклористлар илғамаган аллалар қанча экан?.. Ахир ҳар бир хонадонда она бор. Она бор жойда эса алла куйланган. Ўтмишда шундай эди. Ҳозир бир қадар сусайган бўлса-да, давом этяпти бу жараён. Ҳамма гап аллаларни ёзиб олиш, оммага етказиш ва уларни жиддий тадқиқ қилишдадир. Шу муносабат билан Расул Ҳамзатовнинг «Оналарни асранг» мақоласидаги тубандаги фикрини эслатиш ўринлидир: «Рост, оналарга қўшиқ ёзиш ва куйлаш ҳар бир шоирга ҳам насиб этганича йўқ. Лекин ўғлига мұхабbat ва умид қўшиғини куйламаган она оламда бўлмаса керак, албатта. Булар — она аллалари — санъатнинг бебаҳо ҳазинасига айланди. Аммо афсуслар бўлсинки, бу қўшиқлар турли нашрларда сочилиб ётиби ва ҳеч ким уларни бир жойга йигишини хаёлига ҳам келтирмаётир. Нега бизнинг болалар нашриётимиз барча халқлар аллаларини тўплаб, уларни алоҳида китоб шаклида нашр этиши мумкин эмас? Бундай китоб бизнинг поэзиямизда ажойиб ҳоди-

<sup>36</sup> Узбек халқ музикаси. Кўп томлик. 9-том. Тошкент, 1962, 201-бет.

<sup>37</sup> Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори, 16-бет.

са бўлиб қолмай, яна ҳам маърифий, ҳам тарбиявий қиммат касб этган бўларди. Бу ҳайратланарли китоб бўларди»<sup>38</sup>. Кўриниб турибдикি, Расул Ҳамзатов «барча ҳалқлар аллаларини тўплаб» нашр этишни кун тартибига қўймоқда. Бизда эса ҳали ўз аллаларимиз бундай нашрга тайёр эмас. Шу камчиликларни бир қадар бартараф этишни кўзлаб, турли сочиқ нашрлардан ва ўз йиққанларимиздан 1560 сатрча ўзбек алласини саралаб, шулар асосида жанр табиатини белгиловчи хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

\* \* \*

Аллалар, одатда, болаларнинг эмизикли давридан то уч ёшни тўлдиругунига қадар айтилади. Уларнинг болалининг ана шу ёши билан боғланиши қатъий бўлиб, бу хусусият фақат бешик қўшиқларигагина хосдир. Шу сабабли аллаларни она сути билан боғлашлари ҳам бежиз эмас. Ҳа, аллада она сутининг тиниқлиги, покизалиги бор. Унинг мўътабарлиги шундан. Бунга чақалоқнинг маъсумлиги, поклиги, бегуноҳлиги, безаволлиги, мусаффолиғи ва норасталиги қўшилиб, аллалар яна бир қадар муқаддаслаштирилган. Натижада алла ҳам бора-бора «халқ қўшиғи» сифатида илоҳийлаштирилган:

Алланинг оти ҳақдир,  
Ҳақдан дилаклар<sup>39</sup> кўплир,  
Ётирса<sup>40</sup> дилагимни, алла,  
Улсан армоним йўқдир.

Қоракўллик етмиш беш яшар Зуҳра бинби Қиличова ўз армонларини аллада ана шундай куйлайди. У бизга она-ю бувилари ҳам шундай аллани куйлашганини, бу аллани аслида бувижонидан ўргангандигини, бинобарин, бу ёдгор қўшиқ эканини айтди. Бу фактнинг икки қимматли томони бор:

Биринчидан, аллаларнинг узоқ яшовчанилиги масаласини равшанлаштиришга ёрдам беради. Чиндан ҳам инсоният маънавий кашфиётининг илк намуналаридан саналувчи аллалар беҳад қадимийдир. У оналарнинг минглаб авлодидан бир-бирига ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, армонини силсилавий боғлаб келаётган

<sup>38</sup> «Комсомольская правда», 26 августа 1979 г.

<sup>39</sup> Тилаклар.

<sup>40</sup> Етирса.

күпприк қўшиқдир. Аллаларнинг бу қадар узоқ яшовчанлиги сабаби, А. Ветухов таъкидлашича, уларда оналик қалбининг, аёллик маҳзунлигининг барқ уриб туриши дадир<sup>41</sup>. Худди шу хусусият аллаларнинг нафақат болаларга, балки ҳатто катталарга ҳам ёқимлилигини, қолаверса, ҳар бир хонадонда куйланишини ва хуш кўрилишини таъминлаган.

Иккинчиси, диний таассуб туфайли аллаларда томир отган ҳазинлик, ўта руҳий синиқлик тарихий илдизларнинг ислом таъқиби билан алоқадорлиги томони. Ўз-ўизидан равшанки, минг йиллар давомида мусулмон оламининг муқаддас шаҳарларидан бири бўлиб, «қуввати исломи дин» даражасида эътироф этилган кўхна Бухорда она алласининг илоҳийлаштирилиши, унда ўта ҳазин диний оҳангнинг намоён бўлиши табиий эди. Бу реакцион мотив Баҳоваддиндан нажот кутиш оҳангига Бухоро аллаларида, Шоҳимардондан мадад исташ оҳангига Фарғона аллаларида ва бошқа «муқаддас жой»лар номи билан боғлиқ ҳолда кўриниб турса-да, аслида улар халқнинг диний таассуб исканжасида кечганд үтмишини эслатади. Бундай реакцион мотивдаги аллаларнинг бугунга қадар айрим кекса онахонлар репертуарида сақланаётганлигига сабаб ҳам ўша диний таассубнинг аҳён-аҳён бўлса-да, эскилик сарқити сифатида яшаётганлиги инерцияси оқибатидир, холос. Аммо бу мотив аллақачон инқирозга юз ўғирган.

Қандай маънавий эҳтиёж туфайли аллага зарурият сезилди? Бу саволга А. Ветухов шундай жавоб беради: «Она ўзининг тұрма сезгирилиги билан бола учун фақат қўшиқ кераклигини... тинчлантирувчи, ёрқин ва монотон қўшиқ кераклигини англади. Шу зайлда алла шакли юзага келди. Ўша оналик сезгилари аллаларнинг қандай мазмунга эга бўлишини айтиб турдилар: унда оналик қалбida қандай кўтаринкилик бўлса — ҳаммаси бор»<sup>42</sup>. Бу фикрни М. Н. Мельников ҳам қувватлайди<sup>43</sup>. Унингча ҳам, аллаларни оналар дунёсисиз, сезгиларисиз, ташвишларисиз тасаввур этиб бўлмайди, бироқ буларнинг барчаси, А. Ветухов ифодалаганидек, тұрма сезгирилик шаклидаги инстинктив тарзда эмас, балки

<sup>41</sup> Ветухов А. Народные колыбельные песни, с. 132.

<sup>42</sup> Ўша асар, 131-бет.

<sup>43</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 28.

минг йиллар давомида оналарнинг неча-неча авлодлари ҳаёт тажрибалари сифатида, уларнинг қанчадан-қанча янгишувлари, ажралишлари, куйинишларидан туғилган аччиқ сабоқ сифатида юзага келган. Шу маънода аллалар «оналарнинг инстинктив фаолияти натижаси бўлмай, балки ижтимоий тажрибалар, ижтимоий онг маҳсули»<sup>44</sup> ҳисобланади. Улар, Максим Горький эътирофича, она-шоира билан ишчи-тарбиячининг бир сиймода бирлашган вақтида, асл, ўлмас поэзия сифатида ҳамма адабиётларнинг бошланғичи бўлиб вужудга келганлар<sup>45</sup>. Зотан, аллаларда оналик меҳру саховати, дарду изтироблари, орзу-армонлари, севгию ҳижронлари, қувончу ўқинчлари, айрилиқу алданишлари поғона-ма-поғона силсилавийликда ўсиб боради. Буни А. Ветухов рус аллалари мисолида оналик туйғуларининг уч босқичи<sup>46</sup> сифатида характерлаб, уларни бир-биридан шундай ажратиб кўрсатадики, бу ҳолни ўзбек аллаларида ҳам кўриш мумкин:

**Бирини босқич.** Бунда аллаларда болани ўраб олган муҳит ифодаси бўртиб туради, аниқрофи, бола билан боғлиқ предметлар: бешик, беланчак ва бошқалар таърифланади. Аммо бу поэтик таъриф она шахсий кечинмаларидан, оналик туйғуларидан холи бўлади. Шуниси ҳам борки, бу типдаги рус аллаларида болани уни ўраб олган муҳит билан таниширишга алоҳида эътибор берилган. Шу мақсадда турли-туман қушлар ва ҳайвонлар поэтик мақтовида уларнинг ҳам салбий, ҳам ижобий хусусиятларини кўрсатишган. Ўзбек аллаларида, асосан, бешик ёки беланчакнинг мақтови билан чекланилади, ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар поэтик таърифидан таркиб топган аллалар йўқ ҳисоби. Аммо ўзбек аллаларида, асосан, ҳайвонларнинг болалари ва қушлар номи билан алоқадор эркалаш оҳангига бор: болалар қўзичноққа, тойчоққа, тойлоқ ёки бўталоққа, суқсурга, лочинга қиёслаб эъзозланади. Бундай қиёслаш аслида ўша жониворларга бўлган самимий муносабатлар замирида табиийлик касб этган.

**Иккинчи босқич.** Бу хилдаги аллаларда бола тақдири асосий ўринда туради. Лекин энди она бола тақдирига

<sup>44</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>45</sup> Қаранг: Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори, 15—16-бетлар.

<sup>46</sup> Ветухов А. Народные колыбельные песни, с. 133.

бекарқ қарай олмайди. Бола тақдирига боғлиқ ўй-кечинмалар онанинг шахсий кечинмалари фонида чуқурлаша боради: фикр бола атрофида айланса-да, унга оналик туйғулари ҳам аралаша боради. Аммо бу чуқурлашув ҳали бир қадар саёзроқ, аралашув эса бир қадар дахлсизроқ кечади. Бунга она қалбининг уйгона бошлиши ва ундаги түлғониш даражаси сабабчи бўлади. Худди шу жараёнда алла оҳангига дидактик мотив синга боради. Ўзбек аллаларида бола тақдири билан боғлиқ дидактик мотив гоят сезиларли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Учинчи босқич.** Бундай аллалар аллагўйликнинг баланд босқичи маҳсуллари ҳисобланади. Чунки бу хилдаги аллаларда она қалбининг түлғанишлари беҳад чуқурлашиб, энди у ўз туйғулари гирдобига фарқ бўлиб қолади. Натижада энг азиз нарсаси — боласини ҳам унутиб қўяди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, боласи борлигини хаёлидан соқит қиласи, дардларини, ташвишларини юрагидан сизилиб чиққан майнин, лекин бир қадар ҳазинроқ; самимий, лекин бир қадар ҳорғинроқ монотон оҳангда куйлаб ёради, шу монотон оҳангдан таскин топгандай бўлади. Ўзбек аллачилигида бу хилдаги аллалар хийла кўп. Бунинг сабабини ўзбек оналари репертуарининг қашшоқлиги, бинобарин, оғзига қай бир қўшиқ тушса, унга алла нақоратини қўшиб куйлагани билан изоҳлаш тўғри эмас. Бу ўринда фольклорист М. Н. Мельниковнинг оналар репертуари бойигач, ундағи аллалар сони 3—7 тагача етгач, профессионал аллачиллик босқичи шаклланади ва худди шу даврда она ўз туйғулари асирасига айланади, деган хulosаси асослидир<sup>47</sup>. Ўзбек аллачилигида бу хилдаги аллаларнинг хийла кўплиги сабабини ҳам ана шу мантиқа суюниб изоҳламоқ даркор. Гарчи бугунги кунда бундай профессионал аллачиларни учратиш қийинроқ бўлса-да, ҳар ҳолда 2—3 тагача алла куйловчилар топилади. Эҳтимол, улуғ Навоий эътироф этган *навогўлар* ўша даврнинг профессионал аллачилари бўлганларидан бу хилдаги аллаларнинг кўпроқ яратилиши ва кенгроқ ёйилишига таъсир кўрсатгандирлар? Аммо ҳозирги оналар репертуарида аллалар миқдори, қай босқичга мансублигидан қатъи назар, кўп ҳолларда биттадан

<sup>47</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 37.

ошмайди. Биз учун информаторлик вазифасини ўтаган 45 онахондан қирққа яқинининг фақат биргина алла текстини куйладай олганлиги бу фактни тасдиқлайди.

Аллалар фақат куйланади. Уларни шунчаки айтиш мүмкин эмас<sup>48</sup>. Монотон оҳанг барча ўзбек аллалари учун муштарак хусусиятдир. Аммо бу монотон оҳанг онанинг ижро пайтидаги ҳолати ва кайфияти билан чуқур боғлиқ. Она кайфияти чоғ кезларда алланинг монотон оҳангига хуш ёқувчи майнин юмшоқлик майли сезилиб турса, хафа, изтироб чекаётганида маъюс тортувчи ҳазинликка мойил бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шу монотон оҳанг бола руҳига таъсир этади, қалбига ором бағишлайди, уни элитади. Биринчи ҳолатда боланинг серзавқ бўлиб ўсишига замин ҳозирланса, иккинчи ҳолатда боланинг руҳан маъюслашувига асос солинадики, бу кейинчалик бола улгайганди, унинг характеристида ўз асоратини, албатта, қолдиради.

Бола учун алланинг сўзи эмас, куйи ёқимли. Чунки у ҳали сўзни англамайди. Алладаги сўзлар она учун муҳим: улар — она қалбининг нидолари. Бир хил оҳангдаги куй бола маънавий эҳтиёжининг дастлабки асосий қондиргичи сифатида хизмат эта бошлайди. Г. Добряков айтганидек, «Бола биринчи ойдалигига ёқ мусиқий идрокини — ритм ва оҳангни идрок эта олишини намоён этади; лекин унга фақат мураккаб бўлмаган товушларнинг алмашиниши ритмикасигина ўнгайдир»\*. Бироқ шу монотон оҳанг турли хилдаги ҳаракатлар жўрлигидаги на аллаларнинг композицион яхлитлигини таъминлайди. Чунки аллалар ҳар қандай ҳолатда ҳам жисмоний ҳара-

<sup>48</sup> Шу муносабат билан қизиқ бир воқеани эслатишга тўғри келади. Информаторимиз Саида буви Абдуллаева (1901 йилда туғилган, ҳозир Бухоро шаҳрида яшайти)дан алла айтишни сўраганимизда, у невараси боғланган бешик ёнинг бориб, уни тебратасам, ёдимга келмайди. Фақат ашуладай куйтайман мен. Мен жуда бериллиб кетиб, кўзимдан ёш оққанини сезмай қоламан. Кўнглим бузилиб, алланечук бўлиб кетаман. Бу ҳолимдан раҳматлиқ чолим,вой-бўй, эзилиб кетдим-у, болаларни эритиб юборма тағин, дея кулардилар. Йингиштир аллангни, «Мурғак»ни айтсанг-чи, дер эдилар. Шу дашиомдан ўзимга келиб, «Мурғак»ни айта бошлардим. Шунда болаларим яшиаб ухлаб қоларди, — дея эслади. Сўнг алла айтишга киришди. Чиндан ҳам у алла айтмади, уни куйлади, шундай куйладики, унинг ҳазин селида эриб кетиш мумкин эди.

\* Добряков Г. О колыбельных песнях. — «Вестник воспитания». М., 1914, с. 145—146.

кат, ҳам психик фаолият билан узвий боғлиқдир. Жисмоний ҳаракат боланинг муттасил ўсишини, организмининг физиологик чиниқишини рағбатлантирувчи муҳим восита бўлса, аллаларнинг монотон оҳанг эса шу жисмоний ривожланишни маънавий ривожланишга улайдиган канал бўлиб, бола психик фаолиятини активлаштиришга хизмат қиласди.

Шуни айтиш керакки, ўзбек фольклоршунослигида аллаларнинг композицион бутунлигини сўз, оҳанг ва ҳаракат бирлигидан, шу компонентларнинг ўзаро мантиқий алоқадорлигидан кўриш ҳанузгача илмий таомилга кирганича йўқ. Жумладан, таниқли фольклоршунос М. Алавия «Алла асосан тўртликдан ташкил топган бўлса ҳам, баъзи аллаловчи тўлқинланиб кетса, давом эттириб, бошқа мисраларни ҳам қўшиб юборади ва бир-бирига яқин бир қанча тўртликларни айтиб, бу билан ўзининг тилак, армонини изҳор этади»<sup>49</sup>, — деган мулоҳаза билан унинг структурал хусусиятларини маълум маънода чеклаб қўйган. Ҳақиқатан, тўртлик шаклидаги банд ўзбек аллаларнинг етакчи структурал компонентидир, аммо бу барча ўзбек аллалари нуқул тўртлик шаклидаги бандлардан иборат ёки ёлғиз тўртликнинг ўзидангина ташкил топган дейиш тўғри эмас. Чунки ўзбек оналари репертуарида шунчаки, ёлғиз тўртликдангина иборат аллалар қаторида учлик, бешлик ёки ёлғиз олтилик шаклидаги аллалар ҳам, шунингдек, учлик, бешлик, олтилик, еттилик ва саккизлик шаклидаги бир неча банддан таркиб топган ягона ғоявий-эстетик мазмунга эга аллалар ҳам мавжуд. Бу хилдаги строфик хилма-хиллик онанинг аллани куйлаётган вазиятдаги кайфиятишинг натижаси бўлиб, бу кайфиятда ифодаланиши кутилган ниятнинг салмоғига, йўналишига боғлиқ. Ўзбек аллаларида шундай ички бир мантиқ борки, у қайсиdir бир ишорада ҳаракат, оҳанг ва мазмун бирлигини таъминлаб туради. Шу фикрнинг далили сифатида қуидаги аллани келтирамиз:

Алла-ё алла,  
Оппоқ қизим, алла.  
Қаймоқ қизим, алла.  
Гўзал қизим, алла,  
Асал қизим, алла.  
Оқча қизим алла,  
Зогча қизим, алла.

<sup>49</sup> Алавия М. Ўзбек ҳалқ маросим қўшиқлари. Тошкент, 1974, 132-бет.

Санам қизим, алла,  
Тамтам қизим, алла.  
Эрка қизим, алла,  
Серка қизим, алла.  
Чаман қизим, алла,  
Саман қизим, алла.  
Шакар қизим, алла,  
Дакар қизим, алла.  
Ботмон қизим, алла,  
Шодмон қизим, алла.  
Алла-ё алла,  
Ётсин қизим, алла,  
Ширин ухлаб, алла,  
Қотсин қизим, алла\*.

Кўриниб турибдики, бу алла эркалама характерига эга. Ўндаги строфик бўлак — иккилик шаклидадир. Барча қоғиядош сўзлар эпитет функциясини бажаргани ҳолда нуқул сатр бошида келган; қизим, алла мурожаатномаси эса монотон майнин оҳангни таъминловчи компонентли радиф бўлиб, бутун алла давомида оҳанг ва куйнинг яхлитлигини, ягона оқимда давом этишини таъминлаб турибди. Эпитет — қоғиядош сўзларда онанинг қизалогига бўлган чуқур меҳри хилма-хил қиёслаш ва ўхшатишларда товланиб туради. Шу қиёслаш ва ўхшатишларни юзага келтирган нарса ва ҳодисаларнинг аксарияти қай бир хусусияти билан ухлатилаётган қизалоқ характери хусусиятларини ёки қиёфасини очишга қаратилган. Қизининг эрка бўлиш истаги серканинг ҳолатини эсга олганда жонлилик касб этгани сингари оқча қизнинг «чугур-чугури» зогча «чугур-чугури» ни хотирга келтиради. Шу тарика, она қизалогининг нафақат ташқи сифатларини (оппоқлиги, гўзаллиги, чопқирлиги ва ҳоказо), балки мънавиятига хос юмшоқлик, вазминлик ва бошқа белгиларни ҳам поэтик таърифлаб туриб, шу ижобий фазилатларни ўз жигаргўшасида кўришни истайди, шу истагини меҳрга йўғрилган пардаларда майнин куйладиди. Оналар ўzlари хуш ёки нохушликларидан қатъи назар, фарзандларига ҳамиша меҳрибонлик қила оладилар. Шундан бўлса керакки, улар фарзандларини эркалата туриб, уйқу чақирганларида энг нафис рангларни танлашга, улар-

\* Ушбу китобда фойдаланилган фольклор материаллари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Х. Т. Зарифов номидаги ўзбек фольклори архивида (ЗУФА) 287, 288, 289, 948, 1138, 1522, 1630, 1636, 1638, 1665, 1668 рақамли инвентарлар остида сақланади.

ни назокат билан ғоят аниқ ишлатишга алоҳида эътибор беришади. Болаларининг характерини очишда доимо ти-ниқлик ва қувноқлик билан боғлиқ туйғуларни кўрса-тишга хизмат қилувчи эпитетларга мурожаат этишади: шу ниятда қўзичоқ, қўчкор, олқор, тойчиоқ, саман, тойлоқ, бўталоқ, кийик, серка, булбул, қизил гул образларида фарзандлари қиёфасига хос қай бир фазилатни кўргила-ри келса, шу образлар воситасида фарзандларини эъзоз-лашади:

Булбул қушнинг боласи,  
Алла, қўзим, алла.  
Дарахтда бўлар уяси,  
Алла, болам, алла.  
Дарахт бошин сел олса,  
Алла, қўзим, алла.  
Шайдолар бўлар онаси,  
Алла, болам, алла.

Она арзандасини булбул боласи қиёфасида кўриб, хаёлан унинг тақдирини ўйлаб қолади, ногаҳоний селдан хавотирланиб, ўз ҳолатини тасаввур қила бошлайди. Шу заҳоти боласини булбул қиёфасида кўра бошлайди. Бул-бул — хушхон митти қуш, овози билан ҳаммани мафтун этган, барчага завқ улашганидан эъзозда; у сайраган чаман мудом обод, уни чўчитмаслик лозим. Ўлимдан қўрқмайдиган киши йўқ, лекин «булбул сайраса, ўлим ҳам йўлидан қочади». Демак, мен булбул — фарзандим-да давом этаман. Ана шу оптимистик руҳ она қалбининг тасаллисига айланади ва она армонларининг нафис ифо-даси сифатида куй бўлиб таралади:

Булбул сайрап ёзина, алла-ё, алла.  
Култуқ қуш овозина, алла-ё, алла,  
Маним булбул шу ўғлим, алла-ё, алла,  
Қулоқ қўйсин овозима, алла-ё, алла.  
Булбул кичкина қушдир, алла-ё, алла,  
Сахар овози хушдир, алла-ё, алла.  
Берманг булбула озор, алла-ё, алла,  
Буғубуғ беозор қушдир, алла-ё, алла.  
Булбул сайрап чаманда, алла-ё, алла,  
Шу бағри кенг ватанда, алла-ё, алла.  
Уни асло чўчитманг, алла-ё, алла,  
Сайрасин шу чаманда, алла-ё, алла.  
Булбул учар қўлимдан, алла-ё, алла,  
Хар ким қўрқар ўлимдан, алла-ё, алла.  
Шу булбулим сайраса, алла-ё, алла,  
Ўлим қочар йўлимдан, алла-ё, алла

Булбулнинг сифатлари банддан-бандга чуқурлаша бориб, яхлит поэтик таърифга айланади. Булбул образи

бутун алла давомида стерженлик функциясини таъминланган. Натижада алла ғоявий-эстетик жиҳатдан композицион бир бутунликка эришгац. Таҳлил қилинган мисолларнинг ўзиёқ ўзбек аллаларининг «бир-бирига яқин бир қанча тўртликлардан» таркиб топган шакли билан бирга, яна ягона ғоявий-эстетик мантиққа суюнувчи яхлит композицияли бешик қўшиғи даражасида камол топган тури ҳам борлигини яққол кўрсатади. Алланинг бу турини воқеабандлик хусусияти музайян қилиб туради. Шунга кўра уни воқеабанд алла ҳам дейиш мумкин. Алланинг куй билан боғлиқлиги ушбу атаманинг мантиқан асосла нишини тасдиқлашга ёрдам беради. Ана шулардан келиб чиқиб, ўзбек аллаларини композицион жиҳатдан, асосан, икки турга бўлиш мумкин:

1. **Пароканда аллалар.** Бу типдаги аллалар ўзбек она-лари репертуарида кўпроқ учрайди. Уларнинг муҳим хусусияти — ягона сюжет асосида қурилмаганлигидир. Афтидан, М. Алавия «бир-бирига яқин бир қанча тўртлиқ» лар деганида улардаги шу хусусиятни — мавзу ва сюжет парокандалигини кўришга интилганга ўхшайди. Пароканда аллаларда ҳар бир банд ўзича мустақил, тугал бир мазмунга эга. Лекин бундай мустақиллик фақат ташқи белги сифатидадир, чунки мазмун мантиқи барни бир болага қаратилганлиги бандларни ягона бир илга тизади, буни вазн, қоғия, радиф ва ҳатто нақорат каби бадиий-тасвирий компонентлар кучайтиради. Аллада парокандалигининг юзага келишида, асосан, уни куйлаётган она кайфиятидаги бекарорлик, аниқроги, ўз саргузаштлари, ҳаётий ташвишлари — омадсизликлари, ўқинчлари, армонлари гирдобига чуқурроқ кира бориши асосий роль ўйнайди. Онанинг бу ҳолатини характерлаб А. Ветухов шундай деган эди: «.. ўз мулоҳазаларига кучли ғарқ бўлиб кетиши оқибатида она чақалогининг келажак тақдирини ва ҳаётининг барча даврларини ўйлай бошлайди. Фикри бола атрофида айланади-ю, бироқ қўшиққа озми-кўпми миқдорда оналиқ ҳислари ва истакларини сингди-раётганини ўзи сезмай қолади»<sup>50</sup>. Натижада онанинг ўй-мулоҳазалари икки йўналишга бўлинади: ҳам болани, ҳам ўзини ўйлай бошлайди. Шундай бир вазиятда она ўй-мулоҳазаларида паришонлик барқарорлаша боради. Бироқ онанинг ўзи ҳақидаги ўй-мулоҳазалари боласи

<sup>50</sup> Ветухов А. Народные колыбельные песни, с. 133.

атрофидаги ўй-мулоҳазалар заминида кечади. Бу эса, алладаги сиртқи парокандаликка мантиқий бир бутунликни таъминлаб туради:

Саҳарлар уйғонарман,  
Туриб санга сұянарман.  
Сүянганим сан ўзинг,  
Раҳм қыл манга, қўзим,  
Алло-о, ҳай-е.

Алло-алло, одингнан<sup>51</sup>,  
Авлонжийинг<sup>52</sup> бодинан<sup>53</sup>,  
Она жонинг ўргулсун,  
Кокилингни торинан<sup>54</sup>,  
Алло-о, ҳай-е...

Бу хилдаги аллаларни истаганча айтиш мумкин. Чунки бола ухлаш жараёнининг чўзилиши ва онанинг шу жараёнга етгулик куйлаш бардоши билан боғлиқ. Ана шулар натижасида пароканда аллаларда вариантилик ҳодисаси табиий равища кенг тарқалгандир. Биринчи марта Ҳоди Зариф томонидан эълон қилинган 12 олтилик шаклидаги банддан иборат «Айланайин ойдиним» сатри билан бошланувчи алла (жами 72 сатр) ҳам ана шундай пароканда алланинг классик намунаси ҳисобланади. М. Алавия, Ҳ. Рассоқовлар тўплаб, чоп этган, С. Рўзимбоев тўплаб, ҳали эълон қилмай бизга ҳадя этган аллаларнинг аксарияти парокандалик характеристига эга.

2. **Воқеабанд аллалар.** Бундай аллалар унча кўп эмас, уларга аллачиликнинг энг такомиллашган намунаси сифатида қараш лозим. Бундай аллалар ягона сюжетга бўйсунган, барча бандлардаги поэтик муддао бир силсила марказлашган, «ҳаётни воқеаларнинг бирор эпизоди натижасида вужудга келган кайфиятлар тасвирини беради»<sup>55</sup>. Бундай аллаларда ҳам «композиция ғоят пухта бўлади: экспозиция, тугун, кульминация, ечим сингари компонентлар бўлади»<sup>56</sup>. Юқорида айтилган «Булбул сайрап ёзина...» сатри билан бошланувчи аллада ана шундай экспозиция — булбулнинг ёзда сайраши ва унинг мафтункорлигининг ҳар қандай миннатдорликка сазовор-

<sup>51</sup> Отингдан.

<sup>52</sup> Беланчагинг.

<sup>53</sup> Бодидан, шамолидан.

<sup>54</sup> Торидан, тукидан.

<sup>55</sup> Каранг: Носиров О. Узбек адабиётида ғазал. Тошкент, 1972, 19-бет.

<sup>56</sup> Ўша асар, ўша бет.

лиги бўлса, тугун — ўша булбул қиёфасида кўринувчи ўғилнинг келажакда ким бўлишидир. Кульминация эса шу булбул — ўғил тақдирининг ўлимга рўпара келмаслиги ниятидан туғилган туйғулар қарама-қаршилигига кўринади. Ниҳоят, шу ўғил — булбулнинг хушхон сайраб қолиши ўлимни ҳам қочиртирадики, ана шу таскинда тугуннинг оптимистик ечими намоён бўлади.

Воқеабандлик хусусиятини юмористик характердаги аллаларда, шуннингдек, марсня-аллада ҳам кўриш мумкин. Бироқ ўзбек аллалари орасида воқеабанд аллаларнинг иккинчи бир хили ҳам учрайди. Бундай аллаларнинг композицияси диалог негизида қурилса-да, бу диалогда она нутқигина эшитилиб туради. Иккинчи томон эса сукут сақлаб, она аллада қўяётган талабларни ижро этмоққа киришиши лозим бўлади. Бундай вазиятда она алласини тинглаётган икки киши бўлади: бири, бола, алла уни ухлатиш учун; иккинчиси, алладаги топшириқ қаратилган кимса. Бу онанинг бошқа боласи, эри ёки бошқа кишиси бўлиши мумкин. Бундай аллаларда воқеабандлик алла айтәётган онанинг ҳозиржавоблиги, вазиятни тўғри англай олиши натижасида, асосан, она нинг нимадандир норозилиги, шикояти кучайиши замирида юзага келади. Шу сабабли бу хилдаги аллаларни традицион аллалар жумласига қўшиб бўлмайди. Чунки уларда ифодаланган муддао фақат ўша онанинг алла айтәётган вазиятдаги ҳолати ва кайфияти мантиқидаи келиб чиқади. Бинобарин, бундай ҳолат бошқа оналарда учрамаслиги мумкин. Аллалардаги бу хусусиятни И. О. Капица ҳам эътироф этади ва бундай ҳолатни ўзига хос импровизация жараёни сифатида характерлайди<sup>57</sup>. Бу импровизациянинг ўзига хослиги шундаки, у ҳар бир онанинг фақатгина ўз турмуш шароити тасаввуридан ва она қалбининг ўша вазиятдаги оний кечинмаларидан туғилади. Бинобарин, у ҳар бир онанинг ўз қалб мулкидир, унгагина хос кечинганидан қайта такрорланмасдир. Шу сабабли, бундай алла ўша вақтдагина куйланиши мумкин. «Бола бешиги ёнидаги импровизация,— деб ёзади И. О. Капица,— табиий ҳодисадир»<sup>58</sup>. Шу сабабли бундай импровизация юмуш билан банд онанинг ухлатеётган гўдаги билан сухбати шаклида ҳам бўлиши мумкин:

<sup>57</sup> Капица И. О. Детский фольклор, с. 35.

<sup>58</sup> Капица И. О. Детский фольклор, с. 35.

Паст-пастгина тепадан  
Тойдим-тушдим-о, алла.  
Құлымга қайчи олиб-о,  
Сенга құзичофим-о,  
Чопон бичдим-о, алла,  
Жоним болам-о, алла.  
Енглари тор келмасин, деб,  
Құлингга қараб-о, алла.  
Чопон бичтан құлімни-е,  
Менинг тайлогоғим-о, алла,  
Ойи бордир-о, алла,  
Жоним болам-о, алла.

Аллада тасвирланган вазият күримли: она чопон бичаёттир. Чопон боласига аталған. Бола бешікта, лекин ҳали ухлаганича йўқ. Онанинг ишлашига халақит беряпти. Она эса унга чопон бичаётганини, бинобарин, у ухлаши лозимлигини истаб, шу истагини алланинг монотон оҳангига солиб куйламоқда. Она бир вазиятда икки ишни — чопон бичишни ва боласини ухлатишни кўзлаяпти. Худди шу ният она қалбидан «ярим прозаик, ярим шеърий вазн» (В. Жуковский)даги қўшиққа айланиб, о унлисидаги чўзиқ мусиқий оҳанг ёрдамида табиий равишда монотон куйга омухталик касб этаётир.

Бошқа бир аллада онанинг юмуш билан бандлиги мотиви бир қадар чуқурлашган эса-да, аслида шу юқоридаги аллада тасвирланган вазиятнинг мантиқий давомини кўриш мумкин. Унда тасвирланишича, она юмушга шошилмоқда, аммо қани энди боласи ухласа?.. Шунда у тут дараҳти тепасида тут териб еяётган ўғли Маҳма Юсуфни бешик тебратишга чақира бошлайди. Аммо Маҳма Юсуф, онаси ҳар қанча чақирмасин, шошилаётганича йўқ. Она ана шундан норози. Бундай вазиятда гап уқмас Маҳма Юсуфини қарғашдан ҳам тоймайди. Аммо ухлаётган гўдакни чўчитмаслик учун бақириб әмас, балки алла оҳангидаги куйлаб қарғайди:

Маҳма Юсуф, жоним болам-о, алла,  
Келгин ёнимга-е, алла-е, алла.  
Тутга чиқиб тут еган болам-о, алла,  
Келгин ёнимга-е, алла-е, алла...  
Үнг кўзини қурт еган болам-о, алла,  
Келгин ёнимга-е, алла-е, алла.

Она ана шундай вазиятда ҳам ухлаётган гўдагини ўйлайди, уни чўчитмасликка, уйқусини қочирмасликка интилади. Гўдак ухлаши учун осойишта бўлиш оналар учун ўзига хос масъулиятдир. Бу масъулиятни англаш оналарда улар ҳали ёшликларидаёқ ўз оналарининг шу

зайлдаги әхтиёткорлик ўрнагидан сабоқ олишлари жа-раёнида шаклана бошлайды.

Аллаларнинг тўқилишига хос импровизация жараёни моҳиятини В. Жуковский шундай таърифлайди. Аллалар «аёлнинг жонга тегар ўйлари қуида бошлагандан энг оддий насрий овоз солишдан туғилади, кейин ярим прозаик, ярим шеърий оҳангдош иккиликка ўтади ва, ниҳоят, шу қадар китобий адабий нусхадаги шаклга яқинлашадики, улардан айримларини, ҳеч қанақа истисносиз, шартли мусиқий-шеърий ритмлар доирасига киргизавериш мумкин»<sup>59</sup>. Бу жиҳатдан, айниқса, аллачи — аёлнинг висол ваъдасининг кутилмагандаги барбод бўлишини ифодаловчи импровизация жараёнидаги аллалар алоҳида ажралиб туради. Импровизацион аллаларнинг бу тури жаҳоннинг бир қанча халқлари фольклорида учрайди. Б. Шермуҳаммадов бу хилдаги аллаларнинг тожик ва ўзбек оналари репертуарида ҳам мавжудлиги ни эътироф этса-да<sup>60</sup>, аммо уларнинг пайдо бўлишининг социал сабабларини кўрсатмайди. Ҳолбуки, ўтмишда Шарқ аёли энг бебаҳт, энг хўрланган ва таҳқирланган аёллар эди, ичкарининг чўрисига айланиб қолган эдилар. «Тарихда биринчи синфий зулм аёл жинсининг эркак томонидан асоратга олинishiдан бошланади»<sup>61</sup>, — деб ёзган эди Ф. Энгельс. Ҳақиқатан ҳам мусулмон шарқидаги барча аёллар сингари, ўзбек ва тожик аёллари ҳам шундай асоратга гирифторм эдилар. Агар кундошлик «бахтини қоп-қорайтган» ўзбек аёлининг мана бу шикоятига қулоқ солсангиз, ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз:

Алла, алла, аҳди бор, алла,  
Уйқуни ҳам вақти бор, алла.  
Алла айтган онангни, алла,  
Қоп-қорайган баҳти бор, алла,  
Кундошимнинг йўғида, алла,  
Қалай эрди ковушим, алла.  
Қундошлиги қурисни, алла,  
Балоларга қолди бошим, алла.  
Лола гуллар бор эди, алла.  
Сувларга солсан сўлимас, алла.

<sup>59</sup> Жуковский В. Колыбельные песни и причитания оседлого и кочевого населения Персии, с. 27.

<sup>60</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми халқни бачагонаи тоҷик, 85—166-бетлар.

<sup>61</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Тошкент, 1956, 73-бет.

Кундошликнинг дардидан, алла,  
Кўзларда ёшим қуrimас, алла.  
Юрагимнинг дардлари, алла,  
Қизил гулдай қатма-қат, алла.  
Юраккинамнинг ўтига, алла,  
Дўзах ўти мос фақат, алла.

Шуниси муҳимки, «кундошлик дардидан» юрагида аламлар қатланган ўзбек аёли дилидаги ўтни дўзах ўтига қиёслаганда ўз қадри учун ўзи куйинмоғи лозимлигини англади.

Аллалар «болаларга аталган қўшиққина эмас, балки яна оналарнинг ўз қўшиғи»<sup>62</sup> бўлганингидан уларда оналар ҳеч нарсани яширмайдилар, юракларида неки бўлса, ҳамма-ҳаммасини тўкиб-солиб, таскин топгандай бўладилар; ширингина гўдаги билан яккама-якка шу хилдаги суҳбат-куйлашда юрагини бўшатган она ўзини бир қадар енгил сезади. Шу зайлда аллаларда унинг ижодкори бўлган оналарнинг бутун қиёфаси, маънавий олами ёрқин гавдаланиб боради.

\* \* \*

Рус бешик қўшиқларининг тадқиқотчisi Н. М. Элиаш аллаларни мавзу моҳиятига кўра тўрт гуруҳга бўлади: 1) авайловчи аллалар; 2) майший аллалар; 3) тарихий аллалар; 4) совет темасидаги аллалар.

М. Н. Мельников бу таснифни асосан маъқулласа-да, ундаги тўртинчи гуруҳга эътироz билдиради. «Совет темасидаги аллаларни маҳсус гуруҳга ажратишга ҳали барвақтдай туюлди бизга, — деб ёзади у ва яна давом этади. — Н. М. Элиаш бу бўлимда келтирган барча аллалар қисман стилизациялаш натижалари бўлиб, уларни ҳалқ эмас, балки айрим кишилар тўқиганлар ва куйлаганлар, шу сабабли улар ҳатто журнallарда босилгандан кейин ҳам ҳеч қанақасига кенг тарқалиб кетмади»<sup>63</sup>. Бизнингча эса, М. Н. Мельниковнинг совет тематикасидаги аллаларни бу хилда, асосан, стилизациялаш оқибати сифатида характерлаши ва ҳалқ томонидан эмас, балки якка-ёлғиз кишилар томонидан тўқилиб, куйланганлиги учун кенг тарқалмаганликка чиқариши асоссиз даъводир. Чунки алла — ҳар бир она-

<sup>62</sup> Мельников М. И. Русский детский фольклор Сибири, с. 36.

<sup>63</sup> Мельников М. Н. Ўша асар, 38-бет.

нинг ўз қўшиғи, у онадан-онага, хонадан-хонага, қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳарга ўтиб, тарқалиши учун юз йиллар ҳам гоҳо камлик қиласди. Бунинг устига тарқалиш, кўпинча, фақат традицион аллаларга хос бўлиб, уларгина давр синовларига бардош бериб, оналарнинг неча-неча авлодлари меҳридан сайқалланиб тажассум топади ва ўлмас қўшиқ сифатида оғиздан-оғизга кўчиб юради. Имровизацион аллалар эса оналарнинг шахсий қўшиғи бўлганлигидан давр синовларига мўлжалланмаган, чунки у ўша лаҳзанинг поэтик-мусиқий инъикосидир. Бинобарин, Н. М. Элиаш совет тематикасидаги аллалар деганида, асосан, совет даври воқелигини ифодаловчи аллаларни кўзда тутади, аслида улар ҳам тематик моҳиятига кўра ё авайловчи, ё майший, ё тарихий характердадир. Шундай экан, уларни маҳсус группага ажратган ҳолда характерлаш но-жониздир<sup>64</sup>.

**Авайловчи аллалар** анча кенг тарқалган бўлиб, асосан, болаларни эркалаш, уларни ўраб олган муҳит билан танишириш, фақат ўзларигагина боғлиқ бўлган предметларни поэтик таърифлай туриб, бола тақдирини орзуласида кўриш мотивларига лиммо-лим. Бу жиҳатдан, айниқса, бола бешигининг поэтик таърифига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. Ахир бешик — гўдакнинг уйи-да, у шу бешикдагина ором олиши, шундай пайтларда эса, она ўз юмушларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбеклар қадим замонлардан бери бешикнинг қанақа материалдан ясалишига, пардозига алоҳида аҳамият берганлар; ўтмишда уни асосан, тут, ўрик ва ёнғоқ каби мевали дараҳтлардан ясаганлар. Бешикнинг мевали дараҳт танасидан ясалишида инсоннинг сермева — кўп фарзандли бўлишига оид истакни рамзан назарда тутганлар<sup>65</sup>. Ҳатто болани бешикка солиш алоҳида маросим

<sup>64</sup> Аллалар яратилиш даврига кўра тасниф қилинганида уларни даставвал икки даврга бўлиш мумкин бўларди: а) Октябрь инқилобигача яратилган аллалар; б) Совет даврида яратилган аллалар. Шу хилдаги таснифдагина Н. М. Элиаш кўрсатган тўртинчи гурӯҳ мантиқан ўринли бўларди.

<sup>65</sup> Ҳозирги бешиксозлар бунга қисман амал қилишади. Бунинг сабаби билан қизниқиб, бухоролик устазода бешиксоз А. Қодировга мурожаат этганимизда, у шундай деди:

— Бу энди ота-боболаримиздан қолган бур удумгъда. Ҳозир бешикни тол, арғувон ва қарағай дараҳтларидан ясаймиз. Мевали

сифатида нишонланган<sup>66</sup>. Шу сабабдан ҳам бешик она учун муқаддас нарсага айланган ва у бешикни таърифлаб туриб, жигаргўшасини оғушида авайластгандай туяди ўзини:

Үрик ёғоч бешигинг, алла,  
Үргилиб кетсин онанг, алла,  
Тут ётчдан бешигинг, алла,  
Термулиб ўтсин онанг, алла.

Она боласини тўтиқуш боласи сиймосида эркалаганда, бешик «қамиш қалъя»га айланади:

Тўтиқушнинг боласи,  
Қамишдандир қалъаси.  
Учиб кетса онаси,  
Жавлон урар боласи,  
Алла, жоним, алла.

Фарзандини булбул боласига қиёслаганда эса, бешикнинг «олтин қалъя» бўлишини ҳавас қилади она:

Булбул қушимнинг боласи,  
Олтиндандир қалъаси.  
Алла-ё, алла.

Бу парчалардан онада бойликдан кўра арзандаси-нинг фаровонлигини ўйлаш пстаги баландроқ эканлиги аиглашилиб турибди. Бешик поэтик таърифидаги бундай товланишлар анъанавий бўлиб, фақат ўзбекларгагина эмас, балки жаҳоннинг кўпгина халқларига хосдир. Рус аллаларида ҳам олтин бешик ҳаваси етакчи мотив даражасига кўтарилиган. Аммо ўзбек аллаларида олтин бешик ҳаваси рус аллаларидагидек силсилавий оҳангга эга бўлмаса-да, оналарнинг саҳоватпешаликларини ошкора тараннум эта олганлиги туфайли қадрлидир.

Авайловчи аллаларда онанинг фарзанди билан боғлиқ орзулари шу хилдаги ўзига хос эволюцион ўзгаришда намоён бўлади. Бу эволюцион ўзгариш жараёнини социал заминдан холи кўриш авайловчи аллалардаги ижтимоий оттенкани инкор этишга йўл очган бўларди.

---

дарахтларни кесиш увол. Лекин бари бир бешикнинг иккита дастчўбасини ва югисини мевали дараҳтдан ясаймиз. Тошкентлик ҳамкасларимиз юги ва гардишларни тутдан ясашади. Ҳа, одамларнинг серферзанд бўлганлари яхши. Шу фарзандлар арғувон ва қарагайдай хушқомат бўлганинга не етсин? Толдай серсоя бўлиб одамларга ором берса, ёмонми? Давримиз талабику бу.

<sup>66</sup> Бешиктўйи ҳақида айтим-олқишлилар таҳлили жараёнида маҳсус тўхтаймиз.

Чунки уларда ифодаланган ҳар қандай орзу социал воқеликнинг она қалбидаги субъектив акси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, социалистик тузумнинг гуманистик моҳиятини англай боргани сари оналарнинг фарзандлари тақдирига оид ўйларида ҳам давр шарофатини акс эттирувчи белгилар равшан кўрина боради. Ўтмишда феодал жамиятининг асирасига айланган nochor она:

Сани манга берандан  
Узун ёшинг тиладим,

— дея зорланишгагина маҳкум этилган бўлса, социалистик тузум унга ҳам, аввало, ўз қадрини танидди, унинг орзуларига қанот бағишлиди. Натижада у ифтихорга тўлиб-тошиб, оналигидан мамнун бўлиб, хуррамлигини майин оҳангга солиб куйлай бошлади:

Онаману онаман, алла,  
Болам учун ёнаман, алла.  
Болам тинчликда ўсса, алла,  
Орзуларга қонаман, алла.

«Орзуларига қониқа бошлаган» она боласи тақдирида Ватани ва халқи тақдирини кўришга чоғланди. Ўнинг учун бола тақдири шахсийлик аломатидан тўла-тўқис қутулиб, катта социал мазмун ва гуманистик моҳият касб этди. Боланинг ўзини ҳам она шу Ватан ва халқ олдида масъулиятда кўра бошлади. Не бахтки, худди шу масъуллик туйфуси бола тақдири мазмуни сифатида бугунги ўзбек оналарининг авайлашида тароватланиб туради:

Улгай, болам, гул Ватанда, алла.  
Ботир бўлиб ўсгил, қўзим, алла.  
Сени кўриб бу чаманда, алла,  
Яйрай-қувонай, юлдузим, алла.

**Маиший аллаларда** бола шунчаки восита вазифасини ўтайди, холос. Боласини ухлатишни кўзлаб бешигини тебратада бошлаган она ўзи куйлаётган алла оқимига ғарқ бўлиб, ўйлари чуқурлашгани сайин ўз кечинмалари гирдобига шўнгий бошлайди. Натижада «...ўз эркин фикрлари учқурлигига бора-бора она ўзининг мураббийлик мақсадларини ҳам ва ҳатто қалбининг азиз арзандаси — чақалогини ҳам унута бошлайди; ўз хотиралари оғушига кўмила бошлайди ва бизнинг олдимиизда

ўз дунёқарашини ва ўз руҳий оламини оча боради»<sup>67</sup>. Шу тариқа, онанинг ўз олами, ҳаётга муносабати, шикояти, ҳасрати, мамнунлиги, дарди ва қувончи майший аллаларнинг монотон оҳангида хилма-хил товланишларни таъминлади.

Маълумки, ўтмишдаги феодал жамияти ўзбек аёлларини ҳуқуқсиз қилиб қўйди. Улар ижтимоий-сиёсий мавқега эга эмасди. Дин ҳам, турмуш машақатлари ҳам уларни ичкари чўрисига айлантириб қўйган эди. Уларнинг асосий вазифаси рўзгор юмушларни бажариш ва бола тарбиясидан иборат эди. Ўзбек аёли ана шундай асоратда яшади, севмаганига мажбуран узатилди, кундош устига кундош бўлиб тушишга маҳкум этилди, эригагина эмас, қайнанаси ва қайнатасига ҳам чўрилик қилишга мажбур эди. Шундай зулм исканжасида эзилган аёл боласи билан ёлғиз қолган кезларида бутун дардини ўз алласида айтиб, тасалли топгандай бўларди. Буидан бошқа чораси йўқлигини анлаган она ўша лаҳзаларда жону жаҳони бўлган кичкитойини ҳам унутар, ўз аламларини айтиб ичдан йиғлар, шу зайлда турмушидан, замонасидан, ҳуқуқсизлигидан ўқиниб-ўқиниб шикоят қилар ва норознлигини алланинг мунгли оҳангида ҳазин куйлар эди:

Саҳар вақти бўлибди, алла-ё, алла,  
Ичин ғамга тўлибди, алла-ё, алла.  
Қадим гулдай сўлибди, алла-ё, алла,  
Болагинам, алла...

Мен кетарман элима, алла-ё, алла,  
Бойланг рўмол белима, алла-ё, алла.  
Рўмолни боғлай десам-о, алла.  
Урли пичноқ қўлимса-ё, алла-ё, алла,  
Болагинам, алла.

Она қўлига пичноқ урган эр — золим ота. Унинг ҳар қандай зулмига фақат шу фарзанди туфайли кўнишибга она мажбур. Чунки тенгсизликка асосланган жамиятнинг ўзи меҳнаткаш боласини ўгай қилиб қўйган. Онадаги шу социал тушунча уни фидойиликка ундайди:

Эрта туриб чўл бораман, алла,  
Нон учун ўтиң тераман, алла.  
Болам, отангни зулмига, алла,  
Фақат сени деб кўнаман, алла.

<sup>67</sup> Ветухов А. Народные колыбельные песни, с. 133.

Ҳаёт ўтмишда ўзбек аёлларини ҳар кўйга солди. Бирори очлик, юпунликдан зорланса, бошқаси инсоний туйғуларининг таҳқирланганидан, севмаганига мажбуран узатилиб, севгиси поймол этилганидан куйлади:

Зарга тўлди билагим,  
Зардобга тўлди юрагим.  
Даданг ўлсан, аянг кўйсин,  
Маърифатхон, алла.

Қиз билан йигит бир-бирини кўрмай, билмай, танимай турмуш қуриши кўп нохушликларга олиб келарди. Ўн гулидан бири ҳам очилмаган ёшгина қиз мункиллаб қолган чолга нечанчи хотин бўлиб тушганини сезмас, умр бўйи шундай тақдирига лаънат ўқиб, ўкинч билан ўтарди:

Муэни тешдим, сувни ичдим,  
Лой эканин билмадим, алла.  
Бошида чақмоқи телпак,  
Кал эканин билмадим, алла.

Кал эканин билганимда  
Ошна бўлмас эдим-о, алла.  
Дастя-даста тул юбогра,  
Кайрилиб боқмас эдим-о, алла<sup>68</sup>.

Она ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фарзанди учун фидойижонлигича қолаверди. Бу фидойилик фақат фарзандга қаратилган меҳру саховатдангина эмас, балки унинг вафодор отасига садоқатдан ҳам тажассум топганилиги туфайли она иродасини, аёл қалбининг бутун назокатини ёрқин намойиш этиши билан қадрлидир:

Бу дунёда сени севдим, алла,  
Бошқа тилак йўқ менда-ё, алла.  
Сендан ўзга ёр бўйнига, алла,  
Тушар билак йўқ менда-ё, алла.

Она фарзанди туфайли ишқига ўт ёқмоқчи. Чунки унинг эндиғи ҳаёт тарзи, ўтмишдагидан фарқли ўлароқ, севгисига ҳам, фарзандга қарашида ҳам янгича социал мазмун берган, унда дўстлик ва бирлик, гуманизм ва интернационализм, тенглик ва озодлик тажассум топган. Ана шундай турмушидан мамнун она Коммунистик пар-

<sup>68</sup> Узбек аллачилигига ҳажв сийрак учрайдиган ҳодиса бўлиб, бу ҳақда дастлаб профессор Ҳ. Рассоқов маълумот берганлигини қайд этиш ўринлидир. Қаранг, Рассоқов Ҳ. Узбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. Тошкент, 1965, 59—60-бетлар.

тиядан чексиз миннатдорчилигини ҳам яйраб-яйраб ўз алласида куйлайди:

Партия ҳурлик берди, алла,  
Дўстлик ҳам бирлик берди, алла.  
Ёшу қари — ҳаммага, алла,  
Бахти умрлик берди, алла.

Тарихий аллалар майший аллалар негизида бунёдга келган ва нисбатан кам ёзиб олинган. Уларда ўзбек аёлларининг инқилобдан илгариги турмуши, норозиликлари ифодаланган. Бу — мазкур қўшиқларнинг етакчи хусусияти бўлиб, уларнинг тарихий характеристерини ҳам белгилаган.

Революциядан илгариги феодал жамиятида оналик ҳуқуқларининг поймол этилиши аёлларни ўзлари яшаётган замон ва тузумнинг социал иллатларига назар солишга, қолаверса, шу иллатларни идрок этишга ва ҳатто аста-секинлик билан унга эътиroz билдиришга мажбур қилди. Оқибатда ўзбек оналарининг ижтимоий қиёфаси уларнинг ўзлари яратган ва куйлай бошлаган аллаларида ҳам яққол кўрина борди:

Афғонистон тоғлиги-ё, алла,  
Ялтиллайди балиғи-ё, алла.  
Кундан-кунга ортади-ё, алла,  
Амирликнинг солиги-ё, алла.

«Амирлик солигининг кундан-кунга ортиши»дан қилинган бу шикоят — аслида оналарнинг феодал жамиятдаги ижтимоий тенгсизликка қарши эътирози эди. Адолатсиз тузумга эътиrozлар туфайли оналар ўзларининг ижтимоий мавқеларини ҳам англай бошладилар. Бу ҳол улар қалбida гражданлик куртакларини нишурдира борди. Она энди ўз фарзандига қасоскорлик туйғусини сингдиришни кўзлаб қолди. Шу ниятда фарзандини «пошшолик» замонига қарши курашга отланган отасига муносиб ўғил бўлишга чорлади; «пошшо тахти қулайдиган кун»ни келтириш учун тезроқ улғайишини истаб боласини аллалади:

Кела қолсин алласи-ё, алла,  
Дадажонининг боласи-ё, алла.  
Дадажони қайга кетди-ё, алла,  
Онажонининг лоласи-ё, алла.  
  
Кечалар қўрқиб чиқаман-о, алла,  
Дадажонини ўйлаб-о алла,  
Ваҳимадан димиқаман-о, алла,  
Даҳшатдан қақшайди лаб-о, алла.

Қуриб катсун пошшолар-о, алла,  
Қаҳри қаттиқ ошнолар-о, алла.  
Үзинг тезроқ улғайиб-о, алла,  
Қирон келтир уларга-ә, алла.

Даданг қасос деб кетди-ә, алла,  
Даданг аламда кетди-ә алла.  
Ухлаб-ухлаб улғайгин-о, алла,  
Үч вақти келиб етди-ә, алла.

Пошшо тахти қулайдиган күн келар,  
Яйраб-үйнаб күладиган күн келар,  
Үйнимиз ҳам шунда қувончга тұлар,  
Алла, ўғлым, санинг ҳам баҳтинг күлар,  
Алла-ә алла!

Когон районининг Ҳасанхұја қишлоғида яшовчи олтмиш саккыз яшар Ҳақмуродова Тошибидан ёзиб олинган бу алла<sup>69</sup> Бухоро Ҳалқ революцияси араfasида яратилғанлиги аниқ. Үнда исёнкор халқнинг қасосга даъвати жүш уриб турибди. Яна шуниси ҳам борки, бундай аллалар кам бўлса-да, аксарияти импровизациян характеристи билан ажралиб туради.

Ўзбек аллалари халқ этнографиясини ўрганишда қимматлы материал ҳисобланади. Уларла болалик билан боғлиқ қатор расм-руслар ифода этилган. Бу жиҳатдан алланинг ёлғиз болагами ёки әгизакларгами айтилиши билан дифференциация қилиниши — фақат ўзбек алларигагина хос хусусиятдир. Ўзбек халқи әгизакларга ном қўйишдагина эмас, уларни аллалашда ҳам шундай дифференциацияга амал қиласи. М. Алавиянинг эълон қилган ҳозирча ягона алла тексти ана шундай аллардан<sup>70</sup>.

Қоракўл районидаги Киров номли колхозда яшовчи етмиш беш яшар Тожи момо Мирзаевдан ёзиб олинган алла марсия характеристига эга. Үнда фарзанддан жудолик алами ифодаланган. Информаторнинг тасдиқлашича, шу қишлоқда чақалоқ ўлса, унга алла айтисада садр тушиларкан. Бу анъанадан кузатиладиган мақсад — алла муқаддас қўшиқ саналиб, ҳаётдан қонмай ундан кўз юмиш армонли эканлигини таъкидлашдир. Эҳтимол, бу удум бошқа жойларда учрамас, лекин халқимизнинг аллага муқаддас қўшиқ сифатида қарашининг нақадар чуқур илдиз отганлигини кўрсатиша айрича аҳамиятга эга.

<sup>69</sup> Информаторимиз бу алланинг қачон, ким томонидан ва қанақа муносабатда яратилғанини айттолмади.

<sup>70</sup> Қаранг: А л ав и я М. Ўзбек халқ қўшиқлари, 283—284-бетлар.

Ниҳоят, ўзбек аллаларида яна бир хусусият бор, уларда радиф қонунийдир, алла сўзи ҳар сатрда ёки сатр оша, гоҳо эса компонентли шаклда алла-ё, алла тарзида тақрорланаверади. Аммо компонентли шакли гоҳо тўртликдан ё учликдан кейин нақорат вазифасини ўтаб, алланинг экспрессивлигини таъминлашда ҳам хизмат қилиши мумкин. Бугина эмас, алла сўзи (гечида биргина сатрда — ҳам бошида, ҳам сўнгида, гоҳо эса байтда — биринчи сатрниң бошида ва иккинчи сатрнинг сўнгида, яна бъязан бандда — биринчи сатрнинг бошида ва охирги сатрнинг сўнгида) асар композицион структурасида қолилловчи компонент функциясини ҳам бажаради.

Шуни ҳам айтиш керакки, аллани ҳозирги пайтда, асосан, ёши эллиқдан ошган онахонлар репертуаридаги на учратиш мумкин. Буни оналарнинг ишлаб чиқаришда эркаклар билан тенг бўлиб, болалар тарбиясининг тобора ижтимоий характер касб этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Советлар мамлакатида болалар кичик ёшидаёқ ясли ва боғчалар қучогида Ватан ва Коммунистик партия фамхўрлигига парвариш қилинади. Бу эса, ўз навбатида, миллион-миллион оналарнинг эркин ижодий меҳнат билан шуғулланиб эл эъзозига сазовор бўлишларига йўл очмоқда. Шунга қарамай, аллалар ҳамон яратилмоқда, куйланмоқда. Бу жараён фольклорда бир қадар сусайган бўлса-да, ўзбек совет шоирлари ижодида адабий ҳодисага айланиш жарабини кечмоқда, алла адабий жанрсифатида янги умрини бошлаб, баҳтиёр ўзбек оналарининг хуррамликларини тараннум этмоқда.

### Айтим-олқишлилар

Оналар ва энага (доя)лар репертуаридаги эркаловчи мотивдаги расм-русл қўшиқлари бўлиб, аксарияти асосан болаларнинг бешик даврига онд турли-туман маросимларда ижро этилади: чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда; илк бор чўмилтирилганда; бешикка биринчи марта боғланганда ва очилганда; биринчи марта ота-она ва қариндошларига таништирилганда; унинг шаънига исириқ тутатилганда; илк бор тиш ёрганда; биринчи марта мустақил ўтирганида; оёқ босганида; болани той-тойлаганда; янги кийим кийгизилганда; илк бор овқатлантирилганда; қизалоқ сочини биринчи бор ювибтараганда; тирноғини олганда; ўғил бола сочини тараш-

лаганда; хуллас, ана шундай маросимларнинг ҳар биримазмунига яраша олқышлар борки, уларнинг аксарияти халқ оғзаки поэзиясининг яхши намуналарири. Умуман айтганда, бола билан боғлиқ бундай маросимлар фақат ўзбеклардагина эмас, Ўрта Осиёда қадимдан бери яшаётган тожиклар, туркманлар, қирғизлар, шунингдек, кейинроқ шу халқларга аралаш ҳолда яшай бошлигандарблар, эронийлар ва яхудийлар каби этник группалар орасида ҳам кенг тарқалган ва ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятларга эга. В. Наливкин ва М. Наливкиналар<sup>71</sup>, Н. Худоёрхон<sup>72</sup>, А. Л. Троицкая<sup>73</sup>, А. А. Семёнов<sup>74</sup>, О. А. Сухарева<sup>75</sup>, Р. С. Гершенович<sup>76</sup>, И. И. Зарубин<sup>77</sup>, С. М. Абрамзон<sup>78</sup>, В. Г. Иомудская-Бурунова<sup>79</sup>, Ш. Б. Аннакличев<sup>80</sup>, Ф. Д. Люшкевич<sup>81</sup>, Т. С. Лозовская<sup>82</sup> ва бошқаларнинг ишларида шу маросимларнинг этнографик моҳияти тадқиқ қилинган. Бироқ бу тадқиқотларда

<sup>71</sup> Наливкин В. и Наливкина М. Очерт быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886.

<sup>72</sup> Худайрхан Н. Историю собычи и суеверия у сартов, связанные с рождением ребенка.— «Этнографическое обозрение», 1909, № 1, с. 35—39.

<sup>73</sup> Троицкая А. Л. Первые сорок дней ребенка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда.— В сб.: В честь акад. В. В. Бартольда. Ташкент, 1927, с. 349—361; Яна: Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков долины Зерафшана.— «Советская этнография», 1935, № 6.

<sup>74</sup> Семёнов А. А. Отношение к детям у горных таджиков.— «Этнографическое обозрение», 1909, № 3, с. 99—108.

<sup>75</sup> Сухарева О. А. Мать и ребенок у таджиков.— В сб.: Иран. Т. 3. Л., 1929, с. 107—154; Яна: Бухара XIX, начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966.

<sup>76</sup> Гершенович Р. С. О бытовой гигиене узбекского грудного ребенка.— В сб.: Этнография. Вып. I. Ташкент, 1928, с. 72—79.

<sup>77</sup> Зарубин И. И. Рождение шугнанского ребенка и его первые шаги.— В сб.: В честь акад. В. В. Бартольда, с. 361—373.

<sup>78</sup> Абрамзон С. М. Рождение и детство киргизского ребенка.— Сб.: Музея антропологии и этнографии Института этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая АН СССР. Т. XII. М.—Л., 1949, с. 78—138.

<sup>79</sup> Иомудская-Бурунова В. Г. Женщина старой Туркмении. Бытовой очерк. М.—Л., 1931.

<sup>80</sup> Аннаклычев Ш. Б. Рождение и воспитание детей у туркмен иомудов в прошлом. — Известия АН ТуркССР. 1958, № 1, с. 77—86.

<sup>81</sup> Люшкевич Ф. Д. Этнографическая группа ирони.— Сб.: Занятия и быт народов Средней Азии. Т. III. Л., 1971, с. 36—71.

<sup>82</sup> Лозовская Т. С. Мать и дитя у среднеазиатских евреев г. Самарканда.— «Советская Азия», 1930, № 3—4 (33—34), с. 197—212 и № 5—6 (35—36), с. 245—260.

болага дахлдор маросимларда айтилган айтим-олқишилар ва афсунларнинг поэтиказига назар солинмаганилигидан, у ёки бу айтим-олқишининг қўшиқлик характеристи, ижтимоий тараққиёт таъсирида ҳам шаклан, ҳам мазмунан трансформацияга учраши қонуниятлари, қўшиқ ва айтим-олқишининг маросим компоненти сифатида бир-бирига ўтиши, ўзаро муштарак ва фарқли белгиларига эътибор қилинмайди, аксинча, барча айтим-олқишиларда диний унсур ҳукмрон, деган кайфият билан чекланилиб, дуонинг олқиши оттенкасидаги фазилати инкор этилади. Ҳолбукни, «олтин олма, дуо ол» деган халқ мақолида олқишининг ана шу ижобий мазмуни бўртиб турибди.

Тўғри, ўтмишда у ёки бу маросим ҳар хил диний ниқобда бажарилар, шу сабабли унга боғлиқ ирим-чириимларнинг ҳар бирига хос ўз айтим-олқиши ёки афсуни бўларди. Бу айтим-олқиши ва афсунлар трафарет шакл ва унга мос мазмунда эди. Ҳамиша «Бисмиллоҳу раҳмони раҳим» оятидан иборат традициен зacin билан бошланниб, «Омин, оллоҳу акбар» традицион такбирини айта туриб, ҳовучланган иккала қўл кафтларини юзга суртиш билан тугалланарди. Уларда худога, турли пирларга сиғиниб, мадад сўраб илтижо қилинарди. Кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожиззиклари бундай сиғинишни анъанага айлантира борди, ислом идеологияси эса уни рағбатлантириб, тобора кучайтиришга муваффақ бўлди. Шунга қарамай, даврлар ўтиши билан ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг кишилар турмушига, онгига кўрсатган таъсири нафақат у ёки бу маросим, балки унга дахлдор айтим-олқишиларда ҳам диний мотивни сўндира бориб, дунёвийлик аломатларини кучайтира бошлади. Натижада у ёкки бу айтим-олқиши аввалига шунчаки традицион диний зачини ва тугалламасини сақлаб келган бўлса, бора-бора, хусусан, социалистик ижтимоий муносабатлар тақозасига кўра совет даврида ўша анъанавий диний зачини ва тугалламасидан тамомила қутулиб, болаларни эркалаш майлларига омухта олқишлиловчи қўшиқларга айланба бошлади.

Чақалоқнинг дастлабки қирқ куни — чилла даврига дахлдор бир қатор ирим-чириимлар йўқолиб бормоқда. Масалан, чақалоқ туғилган ҳовлига то чилла даври туга-гунгача бошқа шундай чиллали ҳовлидан (янги туғилган, янги келин тушган, хатна-суннат тўйи қилинган, ўлик чиққан, ҳатто бирор ҳайвон түкқан бўлса ҳам) келиш таъқиқланган эди. Аёлларга замонавий консультация

хизматининг оммавийлиги, унинг юксак даражадаги та-раққийси ва турмушга чуқур сингиганлиги бу иримгагина эмас, ҳатто эскича доялик хизматига ҳам эҳтиёж қолдирмади. Натижада чилла давридаги ирим-чиirimлар ташкилотчиси ва ижроиси бўлган доя (энага) лар камайиб бормоқда, борлари эса ўтмишдаги доя (энага) лар сингари профессионаллашмай, ирим-чиirimни шунчаки бажаришади, холос. Шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган аёллар консультацияси, замонавий туғруқхоналар доялик хизматини турмушдан бутунлай сиқиб чиқармоқда.

Бундай ҳолни чақалоқнинг беш ва тўққиз кунга тўлиши муносабати билан нишоилаиадиган маросимларнинг йўқолаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтмишда бу кунлар чақалоқ ҳаётининг энг хавфли саналари саналиб, гўё уларни турли инсу жинслар ва бошқа зарар етказуввичи парилар тегишидан омон сақлашни кўзлаб маҳсус маросим сифатида иншонланган. Маросимлар эса ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ аҳлиниң ўз турмуш анъана-лари доирасида бажарилган, шу сабабли улар билан боғлиқ ирим-чиirimлар турлича. Бу ҳақда юқорида айтилган Н. Ҳудоёрхон, А. Л. Троицкая, А. А. Семёнов, О. А. Сухарева ва бошқалар батафсилоқ тўхталганлар.

Ҳозирги турмушимиз шароитида бундай маросимларга амал қилувчилар йўқ. Бунинг икки сабаби бор: биринчи, мазкур маросимларни бажариш пайти чақалоқнинг туғруқхонадалиги вақтинга тўғри келади. Ҳолбуки, чақалоққа дахлдор ҳар бир маросим унинг ўз иштирокидаги на моҳият касб этади. Бинобарин, ўзи туғруқхонада бўлган бола учун уйда унинг беш кечасини ўтказиш бемаъни нарса. Иккинчи, ҳозирги ота-оналар атеистик дунёқараш руҳида тарбияланганларни сабабли ҳар қандай диний үйдирмаларга ишонмайдилар. Улар ҳозирги замон медицинаси қудратининг бекиёслигини яхши биладилар. Шу туфайли бугунги кунда чақалоқнинг беш кечаси ва тўққиз кунга тўлишига дахлдор маросимларга эҳтиёж йўқолиб кетмоқда. Бироқ уларга оид олқишлиар мазмунан ва шаклан трансформацияга учраб, онахонларнинг эркаловчи қўшифи шаклида аҳён-аҳёнда эшитилиб туради.

Бу кеча беш кечаси,  
Бу — отасини(нг) бачаси.  
Онасини(нг) кўзмунчоги,  
Акасини(нг) овунчоги.

Шуниси мұхимки, бу хилдаги айтим-олқишиларнинг айримларида маросимга дахлдор иримлар ҳам тұла акс этиб турибди:

Бешдан ўтди — тошдан ўтди  
Чолдевор қовлидан ўтди.  
Чоли бор қовлидан ўтди.  
Отасининг құш пичоги,  
Онасининг ошпичоги,  
Бувисининг күзмұнчоги,  
Опасининг овунчоги.

Үтмишда боласи турмайдиган оналар чақалоғи даст-лабки беш күнликдан ўтса, уни чол яшайдиган эски чор-девордан олиб ўтиш расм бўлган. Бунда чақалоқнинг ўша чол ва чордевордай узоқ умр кўриши истаги кўзда тутилган. Махсус таом сифатида ҳалвойтар пиширилган. Беш ва тўқиз кечаларида доя пиёзга қозонкуя суртиб, у билан чақалоқнинг пешонасига, икки юзи ва манглайига, онаспининг кўкраги ва пешонасига эмлаган. Пиёзниңг ач-чиқлиги ва қозонкуя инс-жинсларни қувувчи кучга эга, деб ишониш шундай иримга сиғинишга олиб келган<sup>83</sup>.

Тўқиз кечасини шарафловчи олқишилари ҳам мавжуд:

Тўқиздан ўтди бу бача,  
Эндики ўлмас бу бача.  
Богла(р)ни гўраси бача,  
Болала(р)ни жўраси бача.  
Шу уйни тўраси бача  
Шамсуз қамару ситора<sup>84</sup>  
Ҳамроҳи бача.

Чақалоққа кўйлак кийдириш чилла давридаги муқад-дас маросимлардан ҳисобланади. Чақалоқ уч кунга тўл-ганда биринчи марта кўйлак кийгизиларди. Одатда, бу кўйлакча эски мато парчасида иборат бўлиб, ит кўйлак-ча деб юритилади. Уни қайчида кесиб бичиш тақиқланган бўлиб, асосан, қўлда йиртиб бичиш анъанавий эди. Бу бола умри кесилмасин, деган ниятда қилинар эди. Унинг кийдирилиши ҳам қатор иримлар билан қатъий боғлангандир. О. А. Сухарева Самарқандда амалга оширилган шундай бир маросим тафсилотини қуйидагича, баён этади: «Ит кўйлакчани тайёрлаб бўлгач, энага чақалоқни қўлига олди-да, аввал кўйлакчани қўй bogланган

<sup>83</sup> Карамг: Сухарева О. А. Мать и ребенок у таджиков, с. 138—139.

<sup>84</sup> Шамс — қуёш, қамар — ой, ситора — юлдуз.

михга кийгиза туриб шундай деди: Бисмиллоҳи раҳмони раҳим. Гүсфандакак барин фақиракак шави, қобил шави, дам шави.

Кўйлакча иккинчи марта ўғирча — ҳовонча дастасита ёки шу вазифани бажарувчи қайроқ тошга кийгизилди. Бунда шундай деди: Бисмиллоҳи раҳмони раҳим. Санѓдакак шави, саҳтакак шави.

Ниҳоят, шундан кейингина — учинчи марта кўйлакча чақалоққа кийгизилиб, шундай сўзлар айтилди: Илоҳи парвардигор. Қалон шави, умри ин як сол, умри ту сад сол; илоҳи қобил шави, мўмин шави... бо ризқу рўзат шави.

Агар она туғмайдиган ёки чақалоги турмайдиган бўлса, ит кўйлакча аввалига кучукчага кийгизилган, бунда шундай дейилган: Кучукбачадак бисёр шаветон. Эртасига ит кўйлакча чинакам янгисига алмаштирилган, бундай алмаштириш маросимсиз кечаверган<sup>85</sup>. Ҳозирги шароитда бу маросим ҳам, унга алоқадор ирим-чиримлар ҳам деярли қўлланмайди. Чунки чақалоқлар туғруқхонадан уйга янги кийимда олиб келинади ва уни кийдириш маҳсус маросим сифатида нишонланмайди.

Шунга қарамай, болаларнинг янги кийим кийишига оид айтим-олқиши социалистик ижтимоий муносабатлар таъсирида трансформацияга учраб ҳамон яшаб келяпти: шаклан шеърий андазага кириб, мазмунан узоқ умр кўриш истагидан иборат мотивга ҳаётга аралашув ниятини ҳам омухталаштириб мўлжалар<sup>86</sup> тўлдириш — ўн уч ёшга ўтиш, туғилган кунни нишонлаш жараёнида болаларга янги кийим кийдиришда айтилади:

Сан бир йиллик,  
Ман минг йиллик.  
Кия-кия тўэдираильик,  
Дугоналаримдан ўэдираильик.

<sup>85</sup> Сухарева О. А. Мать и ребенок у таджиков, с. 135—136. Чақалоққа кийдирилладиган биринчи кўйлакнинг ит кўйлак дейилиши ит тотемига сигиниш оқибати бўлиб, туғмайдиган она кўрган биринчи фарзандга ёки чақалоги турмайдиган она фарзандига кийдиришдан илгари кучукчага кийдириш одати шундан келиб чиқсан ва анъанага айланган (Оятлар таржимаси: Қўйдай юбош бўл, қобилгина бўл, тинчлан; Тошдай бўл, қаттиқина бўл; Катта бўл, бунинг умри бир йил, сеники юз йил, илоҳи қобил бўл, мўмин бўл... ризқу рўзинг билан бўл. Кучук бачадай кўпайгин).

<sup>86</sup> Муҷал. Бухорода «мўлжалдароён» номи билан маҳсус маросим сифатида нишонланган. Ўн уч ёшга ўтган болага бошдан-оёғигача янги оқ кийим кийдирилган.

Бу хилдаги айтим-олқишиларнинг ижросидаги ўзига хослик шундаки, уларни аввал кийимни ўн уч ёши ёки туғилган куни нишонланыётган болага кийдирувчининг ўзи айтиб, сўнгра, ўша боладан тақрорлаш талаб этилади. Маросим сабабчиси уни шу талабга мувофиқ қандай айтилган бўлса, шу оҳангда тақрор ижро этади. Бунда айтим-олқишининг қайси шахс тилидан айтилаётганинг аҳамияти қолмайди:

Еқаси мойли бўлсин,  
Этаги лойли бўлсин.  
Майли, бир йилда тўзсин,  
Ўзи-чи, минг йил кулсин.

Айтим-олқиши учинчи шахс тилидан айтиляпти. Маросим сабабчиси ҳам уни шу ҳолда тақрорлайди. Бунда энг муҳими — эзгу ният: майли, этаги лой, лекин ўзи мойли бўлсин, демак, фаровонлик нишонасига айлансан; майли, кийими бир йилда тўзиб кетсин, аммо эгаси узоқ яшасин, умрбоқийликка етсин. Шу камтарона холис ният маросимнинг учинчи шахсада кўринувчи сабабкорига қаратилган.

Чақалоқ 10—12 кунга тўлгач, уни биринчи марта чўмилтириш маросими ўtkазилган. Бу маросимда болани шунчаки озода тутишнигина кўзланмаган. Балки чақалоқнинг бутун умри давомида дард-алам кўрмай, роҳат-фароғатда яشاши орзу қилинган. Буни шу маросим ижроси жараёнида айтилган айтим-олқишида кўриш мумкин:

Сув — логар, бача — фарбех<sup>67</sup>,  
Боланинг танига малҳам бўлсин сув,  
Боланинг танидан нопокликни юв.  
Ҳамма вақт роҳатда бўлсин шу болам,  
Кўрмасин сираям ҳеч дарду алам.

Чўмилтириш айтим-олқишлири гоҳо социал характер-далиги билан ҳам ажralиб туради:

Сув — пок, сен — нопок;  
Пок сув санга бўлсин.  
Сани нопоклигинг  
Амиру хонларга бўлсин.

Лекин бари бир уларда чақалоқнинг семириб, соғлом ўсиши орзуси етакчи мотивдир. Бу орзуда боланинг кун сайин улгайишига дахлдор шиддат ҳам тажассум топган:

<sup>67</sup> Сув — ориқ, бола — семиз. Бу традицион таъбирда сувнинг ҳар хил ҳолатга кириши, чунонча, қўйилаётганда юпқа тортиши; чақалоқнинг эса семириб улгайиши орзу қилинган.

Якшанба — бир ман<sup>88</sup> гүшт,  
Душанба — икки ман гүшт,  
Сешанба — уч ман гүшт,  
Чоршанба — тўрт ман гүшт,  
Пайшанба — беш ман гүшт,  
Сув — лоғар, бача — фарбеҳ.

Чақалоқни чўмилтириш кўп ҳолларда бешик тўйига муқаддима бўлиб, аслида бола ана шундан кейин бешикка солинган. Болани бешикка боғлаш маросим сифатида тантанали нишонланади. Унинг ўзига хос анъаналари бўлиб, ҳамон давом этиб келмоқда.

Бухоро шаҳрида *гавора бандон* (бешикка боғлаш) деб юритилувчи бу маросим икки хонадоннинг — ҳам чақалоқнинг отаси, ҳам онаси хонадоннинг қўш тўйи сифатида нишонланади. Чашалоқнинг она томонидан бобоси унга бошдан-оёғигача уст-бош (сарпо), янги бешик совға қиласди. Ҳар икки томоннинг келишган куни (бу, албатта, душанба ёки жума кунлари) да совға жўнатиш маросими уюштирилади. Бунинг ҳам қатъий тартиби бор: энг олдинга ёғоч оёққа миниб, қўлда қайроқ билан рақсга тушганлар ва карнайчи-ю сурнайчилар. Улар кетидан бошларида совға-салом солиниб дастурхонга ўралган лаъли (патнос) кўтарган аёллар ва орқада янги бешикни елкасига олган бешикбардор узун сафда тизилишиб, карнай-сурнай наволари остида боришади. Буларни *боркашлар* дейилади.

Боркашлар бешик тўйи ўтказиладиган ҳовлига етиб келганда уй эгалари уларни юзларига ун суртиш билан кутиб олади. Бу билан чақалоқнинг *сафедбаҳт* — баҳти оппоқ бўлишига рамзий ишора қилинади.

Боркашлар шарафига таомлар сузилиб, зиёфат уюштирилади. Рақсга тушилади, қўшиқлар куйланади. Ниҳоят, болани бешикка боғлаш гали келади. Вакила ёки кайвочи кўзмунҷоқлар, қўнғироқлар, сиёдонали туморча тикилган бешикпўш ёптирилган янги бешикни уйнинг ўртасига келтиради. Бешикпўшларни очиб, тувак ва тагпўшларни солади, белбоғичини тугади. Бош томонда тагпўш тагига бир бош пиёз ва кичкина қайроқ тош қўяди. Шундан сўнг бешик юғиси устида — икки қуббаси ёнида ва ўртада, жами уч жойда паға ҳолидаги пахтадан узиб қўйиб, уларни ёқади ва тезлик билан шу пахта куйинди-ларини йиғишириб олади.

<sup>88</sup> Ман — оғирлик ўлчов бирлиги, 131 кг.

Қўр-қўр деб аталувчи шу ирим тугагач, чақалоқни қўлига олиб, даст кўтаради-да, шундай дейди:

Шугина жоним, бир жоним,  
Бўйнимдаги маржоним.  
Худо берди севсин деб  
Олтин бешикка кирсин деб.

Сўнгра чақалоқни бешикка сола туриб, дастлаб, атай-лаб тескари қўйиб, шундай дейди: — Бундай боғлай-мизми? Бешик атрофидагилар бир овозда жўр бўлишиб: — Йўқ, йўқ, — дейишади.

Энди чақалоқ ўнг томонга чалқанчасига қўйилади-да, яна шундай дейилади: — Бундай боғлаймизми?

Яна барчанинг: Йўқ, йўқ, деган эътирози эшитилади. Вакила бу сафар чақалоқни чап томонлама чалқанчасига қўйиб, ўша сўзларини такрорлади. Яна эътиroz эшилади. Ниҳоят, у чақалоқни тўғри ҳолатда бешикка қўяди ва шундай дейди: — Бундай боғлаймизми?

Ўтирганлар: — Ҳа, ҳа, — дейишади.

Кейин вакила шундай дейди:

— Қоч, қоч, бабаси,  
Келди эгаси.  
Ота-онанг галиришса,  
Қичқиришса, яна қўрқма.  
Опаларинг, акаларинг  
Бақиришса, яна қўрқма.  
Олапар ит акилласа,  
Қўрқиб қолма.  
Моши мушук хурулласа,  
Қўрқиб қолма.  
Ялтоқ ҳангшер<sup>89</sup> ҳаигилласа,  
Тагин қўрқма.  
Бирор баланд овоз солса  
Чақириб қолса,  
Тагин қўрқма.

Вакила шу айтим-олқишини айта туриб, боғлаш жараёнини бажараётган пайтда бошқа бир аёл ёнғоқ чақа бошлайди. Чақалоқни боғлаш тугаши билан чақилган ёнғоқ мағизлари бешик устидан сепилади. Бунинг икки рамзий маъноси бўлиб, тақи́ллаш овозидан бола чўчимаслиги ва ёнғоқ мағзини сепишдан эса боланинг сермағиз—кела-жакда бола-чақали бўлиши орзу қилинган.

Болани бешикка боғлаб бўлиш билан исириқ<sup>90</sup> туатилиб, бешик устидан уч марта айлантирилади. Шу вақтда исириқ тутатувчи қўйидаги олқишни айтади:

Исириқ, исириқ,  
Чатнасин исириқ,  
Патласин исириқ.  
Бачага кўз тегмасин,  
Ким бачага кўз қилса,  
Кўзлари оқиб тушсин.

Шу зайлда бешик тўйи маросими ниҳоясига етади. Бироқ бола ҳар сафар бешикка янгидан солингандан ҳар бир она бешикка боғлаш олдидан айтим-олқиш сўзларни қайта-қайта айтади. Бу ўзига хос анъанага айланган:

Кет, кет, бабаси,  
Келди эгаси.  
Ухлаб дам олсин,  
Қувнаб уйғонсин.

Айрим айтим-олқишларда бешик тилло қалъага қиёсланса, бошқасида шунчаки, тахтадан эканлиги таъкидланади. Иккала ҳолда ҳам бешик боланинг ухлаш жойи тарзида эъзозланади: тилло қалъага гулдай бола муносиб кўрилиб, бешик тебранишидан чиқадиган тақ-туқнинг душманларни (инс-жинсларни) қўрқитиши, шунингдек, ўзи тахтадан бўлса-да, юмшоқ (орқаси пахта) лиги билан ичиди ётганинг баҳрини очиши онада қаноат ҳосил қилдиради:

Кет кет, бабаси,  
Келди эгаси.  
Тилло қалъаси  
Гулдай боласи:  
Тақи-тақи гавора<sup>91</sup>,  
Душманлари овора.

Ёки:

Бешиги тахта,  
Орқаси пахта.  
Эгаси келди,  
Кучуги қоч.  
Ичиди ётгани  
Баҳрини оч.

<sup>90</sup> Қаранг: Троицкая А. Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кўчурук) среди оседлого населения Ташкентского уезда. Бюллетень САГУ. Вып. 10. Ташкент, 1925; Я на: Первые сорок дней ребенка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда; Сухарева О. А. Мать и ребенок у таджиков, с. 107—154.

<sup>91</sup> Бешик.

Юқорида кўрилган айтим-олқишиларнинг барчасида баба, бобов, кучук ва душман образлари мавжуд бўлиб, улар маҳсус поэтик юқ ташийди. Гарчи бу образлар ҳаётний реал бўлсалар-да, аслда ўз замирида кўринмас ёмон руҳлар — инсу жинслар, деву париларни англатиб туради. Магик тасаввурга кўра, улар бўш бешикда ётаришилар, бинобарин, бешикка болани boglaётганда, албатта: «қоч, қоч бабаси», — дея уларни қувиш шарт эмиш. Чунки улар кўринмас баба қиёфасида бешикда бола тўшагида ётаверармиш\*. Ҳолбуки, шундай айтим-олқишилар ҳам борки, уларда қўрқитувчи восита реал эмас, балки аллақандай мавҳумликдан иборат бўлган «бало» дир:

Алодур, балодур,  
Бало-қазо, нарроқ тур.  
Эгаси келди,  
Сан қоч.

Афтидан бундай айтим-олқишилар ғоят қадими бўлиб, бало-қазо тарзида умумлаштирилган қирғинбарот жанглари, сув тошқинлари, ёнғинлар, ер қимирлаш каби оғатлардан болаларни омон сақлаш илинжида илоҳий кучларга спғиниш оқибатида пайдо бўлганга ўхшайди.

Лекин вақт ўтиш билан бало образи мавҳумлиги туфайли болаларни қўрқитишига сжизлик қила бошлади. Ана шундай бир пайтда Ўрта Осиёни Чингиз босқинчила-ри қонга белади. Мўғул-татарлар тажовузкорлиги олдига тушадиган даҳшат топилмади. Айниқса, Боту ва Жўжиларнинг номи даҳшат рамзига айланди. Бу ҳолни болапарвар оналар ҳаммадан илгари пайқашди, натижада болаларни чўчишишга ожизлик қилаётган мавҳум бало образини реал Бўжи образига алмаштириди:

Қоч, қоч, қоч бўжилари,  
Келди бешикни(нг) эгаси.  
Боламни(нг) ўзи келди;  
Алла қиласи  
Мазза қиласи.

Шу тариқа «Бўжи келди» таъбири болаларни қўрқитувчи оттенка касб этиб, аллалар ва олқишиларда ҳам

\* Ўзбекларда бешикни маҳсус бешикпўш билан ёпиб қўйиш одати ана шундан келиб чиқсан. Самарқанд шаҳри атрофидаги Сочоқиболо қишлоғида бешикпўш қирқ қулоқдан тикилиб, фақат она эмизадиган томониданги очиладиган жойи борки, бу ўша илоҳий кучларнинг бешикка киролмаслигига қарши чора излаш оқибати ҳисобланади. Қирқ қулоқ ҳам ўша илоҳий кучларни қайтарувчи, уларга тўсиқ бўлувчи восита вазифасини ўтарди.

ишлатила бошланди. Бу фикрни рус аллаларида Бука ва форс ҳамда турк аллаларида Бўжи образларининг болаларни қўрқитувчи куч сифатида кенг ўрин олганлиги ҳақида А. Ветухов ва В. Жуковский берган маълумотлар ҳам яққол тасдиқлади\*. Бинобарин, ўзбек оналари ҳам мазкур образдан фойдалана бошлаганлар.

Аммо болалар тасаввурининг конкретлиигини ҳис эта бориш тарих қатларида кўмилиб, аста-секин мавхумлик касб эта бошлаган Бўжи образини ҳам бир кадар конкретлаштиришни тақозо этиб қолди. Бўжининг ҳам қўрқитувчи кучи ожизлана бошлади. Ана шунда оналар «баба» образига мурожаат қилишди. Чунки кучук кўримлииги билан бола диққатини тортса, ногаҳоний вовуллаши билан уни чўчтиши табиий эди. Бунинг устига, «бўжи» ва «баба» сўзлари фонетик жиҳатдан бир-бирига яқин овоз гармониясига эга бўлиб, болаларнинг ўз лексиконидан танланган эди. Натижада болаларни бешикка боғлаш айтим-олқишиларида чўчитувчи ва қўрқитувчи восита сифатида баба образи кенг ўрин ишғол қила борди.

Ўзбек оналари болаларини бешикка солганда ҳам, бешикдан ечиб олишда ҳам доимо олқишдан толмаганлар. Бешик боғичларини ечиш биланоқ қўлчаларини қимиirlатиб онага талпинган болажонларига термулиб меҳрлари ортган. Шу меҳр она тилида шеър бўлиб оққан:

Тақар-туқур гавораси,  
Дарди дили овораси.

Ёки:

Қуввати гавора,  
Душманлари овора.

Яна:

Тақ-туқи гавора бўлсин,  
Душмани овора бўлсин.  
Уйқуси бешикда қолсин,  
Душмани эшикда қолсин.

Шу олқишилар тугагунгача бешикнинг барча боғичлари ечиб бўлинган. Она болани бағрига босиб, ҳар галя:

\* *Каранг*: Ветухов А. Народные колыбельные песни. М., 1892, с. 138—140; Жуковский В. Колыбельные песни и притчания оседлого и кочевого населения Персии. 1889, № 1.

— Ўс,— дәя ўнг қўли билан у ётган ўринни сийпаб-лаб, бола орқабелини уқалаган. Аввал бир қўлтиғидан, кейин иккинчисидан кўтариб қўйган. Бу ҳаракат уч марта такрорланган ва боланинг увишган танасидаги қонни ҳаракатга солувчи жисмоний ҳаракат бажарилган. Сўнгра бола кийинтирилган. Кўринадики, оналар меҳрибоиликда қай даражада саховатли бўлсалар, шунчалик серташвиш ҳам.

Ўрта Осиё халқларида, жумладан, ўзбек ва тожикларда чақалоқ қирқ кунга тўлмагунча, аниқроғи, чилла муддати тугамагунча уни қариндош-урӯғларига кўрса-тиш таъқиқланганлиги юқорида эслатилди. Ўтмишга алоқадор ана шу анъана секин-аста сўнаётир. Эндиликда чақалоқ ва онаси туғруқхонадан келтирилган заҳоти уларни қариндош-урӯғлари муборакбод этадилар ва чилладорлик андишасини йифиштириб қўядилар.

Шунга қарамай, бола ва онанинг чилладорлигига алоқадор магик эътиқод айрим жойларда ҳамон оз бўлса-да, давом этмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳрининг эски қисмида яшовчи аҳоли орасида чақалоқни кўрса-тишга, асосан, «чиллагурезон» — чилла қувишдан кейин руҳсат этиш анъанаси бор. Бу маҳсус маросим ҳарак-терига эга.

«Чиллагурезон» — чилла қувиш деб аталувчи бу ма-росим учун нўхат қовурилиб, новвотга аралаштириб янчилади. Шу аралашма бола қўлига солинади. Она учун эса сўнгги марта атала тайёрланади. Бупгача она-бала ҳаммомда чилла қувиш иримини бажаришиб, юви-нишган бўлади.

Чилла қувишда она юваниш супасида шипга қараб чўзилади. Иримни амалга ошираётган аёл чақалоқни она қорни тепасига даст кўтаргани ҳолда унинг устидан қирқача санаб, сув томчилатади: Сув маҳсус обгар-донда олинган бўлиб, у «тоси чил калит» — қирқ калит-ли тос дейилади\*. Сув ҳар томчилатилганда:

\* Бухорода шу «тоси чил калит» — қирқ калитли тос ёки обгардон мис ёки бронздан ясалган. Унинг ичкарисида қуббасимон кичкина гардишли тосча бор бўлиб, шу тосча гардишида қирқта кичик калитча осиғлиkdir. Бу калитлар чилтандарни ифода этади. Тосининг ичкарисида турли ояллар эзилган. Сиртида эса чилтандар ҳаракатини акс эттирган ҳар хил белгилар, чизиқлар мавжуд. Шу важдан бу тос қутлуғ саналиб, чилла фақат унда сув қўйилгандағина қувилган ҳисобланган. Оши бибисешсанба ва бошқа диний меросимларда, шунингдек, айрим тўй-маъракаларда шу тосда гулоб тутилиб, савобга эришилган.

Бачасини чилласи очасига\*\* кетсин,— деб тақрор-лайди. Она ҳам ўша қирқ қалитли обгардонда бошидан қирқ марта сув қуяди. Шу хилда ювинилгандан сўнг она-бола чиллаларидан қутулган ҳисобланганлар.

Ниҳоят, чилла қувиш чақалоқни қариндош-уругларига таништириш билан ниҳоясига етади. Буни ҳам она-болани ҳаммомда чўмилтириб келган доя (энага) ёки вакила амалга оширган. У чақалоқ ва онасини зиёфат дастурхони атрофида йигилишиб ўтирган қариндош-уруғлар ҳузурига бошлаб киргач, дастлаб, йўргакдаги чақалоқнинг юзини очади. Сўнг уни даст кўтарган ҳолда таъзим бажо эттириб:

— Ашшалом,— дейди болага хос чучук тил билан. Ўтирганлар алик олишади. Кейин таништирувчи юзи очиқ чақалоқни ўтирганларнинг ҳар бирига яқинроқ келтириб кўрсатар экан:

Хой-ҳояси борди<sup>92</sup> шунинг,  
Зап дояси борди шунинг,  
Мард отаси борди шунинг,  
Бек буваси борди шунинг,  
Жон бувиси борди шунинг,  
Зўр акаси борди шунинг,  
Жўр опаси борди шунинг,  
Узоқ-узоқ жоӣларда  
Бахшидаси<sup>93</sup> борди шунинг —

дея даврани айлантириб чиқади. Бу жараёнда чақалоқ кимга яқин келтирилса, у, албатта, кўрмана узатган. Чақалоқни шу тахлитда таништириш Қоракўл ва Олот районларининг айрим қишлоқларида ҳам алоҳида тантана тарзида ўтказилади. Шундай тантанага тааллуқли айтим-олқишини Эшакчи қишлоғида яшовчи олтмиш саккиз яшар Ражаб момо Бешимовадан ёзиб олдик:

Қаролидандир бешиги,  
Қайрилиб олсин онаси.  
Тилла қамишдан бешиги,  
Товланиб олсин отаси.  
Олма дарахтдан бешиги.  
Айтаниб олсин бувиси.  
Шафтолидандир бешиги,  
Шапиллаб ўпсин буваси.  
Зардолидандир<sup>94</sup> бешиги,

---

\*\* Она.

<sup>92</sup> Бордир.

<sup>93</sup> Бешиккертти қилиб қўйиш одатига ишора.

<sup>94</sup> Ўрик.

Зейралиб<sup>95</sup> олсин опаси.  
Жиңда дараҳтдан бешиги,  
Құтара қолсин акаси.

Айтим-олқишишдаги ҳар бир байт аниқ бир предметга әзға ва алоҳида бир товушнинг аллитерацияси асосида поэтик сайдал топган. Байтда күзланған кишининг қарындошлиқ муносабатини тавсифлаш жараёнда унинг характеристига хос айрим белгиларнинг намоён бўлишига эришилган. Аллитерация бувасининг шапиллаб ўпишига қанчалик табийлик бағишиласа, опасининг жавдирашини ҳам шунчалик табийлаштирган. Чунки шу чақалоқ-қача опанинг ўзи алоҳида эъзозда эди. Энди-чи, эътибор чақалоқда. Шу важдан опа бир қадар жавдирайди. Бу ҳол қўшиқдаги эркалаш оҳангига қувноқ енгил юморни омухталаштириб, самимиятни оширган.

Айтим-олқишиларнинг талай қисми чақалоқнинг жисмоний ривожланишига хос ижобий ўзгаришлардан завқланиш негизида юзага келган. Айтайлик, оналар болаларига мустақил ўтиришни машқ қилдирганларидан ўша фарзандининг илк бор ўтиришидан хурсанд бўлиб, шу сатрларни айтиб эркалашлари табий:

Ўтирсин-о, ўтирсин,  
Бошини гулдан тўлдирсин.  
Шугинани кўрган қизлар  
Ўзини осиб ўлдирсин.

Боланинг биринчи марта оёққа тик туриши ҳам «истод-е, истод» дея мададлантирилса, илк бор қадам босганида бу эъзозловчи оҳанг эҳтиёткорлик мотивига уланади:

Адоқ-адоқ юрисин,  
Тикон шунга кирмасин.  
Кўзи қаттиқ бандалар  
Кўзи шунга тегмасин.

Эҳтиёт чораси сифатида дарҳол ис чиқарилади. Ҳатто айрим жойларда бола оёғи тушовланиб, бошида нон ушатилиб, тенгқурларига тақсимлаб берилади. Тушовланған бола уч ёки етти қадам босгандан кейин тушов қирқиб ташланиб, боланинг ўзига тубандаги истак билдирилган:

Югурса, онаси кўрса,  
Югурса отаси кўрса,

<sup>95</sup> Зейралмоқ — жавдирамоқ.

Югуриб бозорга борса,  
Гўшту биринж кетирса.  
Онаси пазанда бўлса,  
Бачаси хўранда бўлса.

Яна:

Чопиб-чопиб юрганида,  
Чақир ҳам шунга кирмасин.  
Югуриб-югуриб юрганида  
Тикон ҳам шунга кирмасин.  
Ийик билан мийикка  
Тогда юрган кийикка.

Шуниси ҳам борки, бола энди қадам босган чоғида тез-тез йиқилиб, қоқилади. Шундан эҳтиёт қилиш ниятида унга маҳсус гавғалтак (юришга ўргатадиган уч фиддиракли аравача) ясад беришади, гоҳида эса иккала қўлидан тутиб, той-той қилишади. Болани той-тойлаш ҳам оналарга алоҳида қувонч бағишлайди:

Той-той, болам, той, болам,  
Ширин эркатой, болам.  
Юмшоқ саримой, болам.  
Ўзиминг<sup>96</sup> шу ой, болам.

Бола саккиз ва ўн бир ойликлигида илк бор тиш ёра бошлайди. Оналар бундан беҳад завқланишади. Бухоро шаҳрида бола тишларининг тезроқ ва тугал чиқа қолишини истаб, аммалари кўйлаганинг этаги билан унинг милкини эмлаб туриб шундай дейишади:

Икки тишингдан айланай  
Қилган ишингдан айланай.  
Мадрасани(нг) қуббасидай  
Лўнда бошингдан айланай.

Қўшиқнинг бошқа бир варианти ҳазил характерига эга:

Икки тишингга дур бўлай,  
Этган ишингга қул бўлай.  
Халойиқнинг кўзи бўлиб,  
Киссабуринг<sup>97</sup> ўзим бўлай.

Овқатлантириш вақтида боланинг инжиқликларини оналар эркалаб енгишган:

Десам-чи, ҳа, десам-чи,  
Чорвоқча гул эксам-чи.  
Седонали нонини  
Қаймоқ билан есам-чи.

<sup>96</sup> Узимнинг.

<sup>97</sup> Чўнтакни кесуэчи ўғри.

Қизалоқ сочини илк бор ювиб-тараш ҳам оналар учун алоҳида байрам саналган. Зотан, қизининг сочи ўсиб тутамга келиши — бўйи ва кўркининг тўлиша бо-риши нишонаси ҳисобланган. Қизнинг ойдай тўлишини, сочларининг қуёш нурларида й сержилва ва тутамдор бўлишини истаган она соч тараб туриб, ўз ниятини шундай изҳор этган:

Ойда қулоч,  
Кунда тутам.  
Сенга куёв,  
Менга палов.

Юқорида келтирилган этнографик поэтик парчаларниг (айтим-олқишиларнинг) барчасида бола истиқболи-га дахлдор эзгулик туйғуси етакчи мотив даражасига кўтарилиган. Аммо бу эзгулик оналарнинг фарзандлар тақдирига оид ташвишларидан холи эмас; улар ўзаро уйғунлашган ҳолда бутун ички коллизиялари билан на-моён бўлсалар-да, ҳар қалай илоҳий кучлар сеҳру жо-дусидан узоқлаша бориб, эркаловчи реал айтим-олқишилар силсиласини юзага келтирган.

Айтим-олқишилар халқнинг маний турмуши билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг ҳаёт тарзи тараққиёти таъсирида трансформацияга учраб туради. Бундай трансформация уларнинг поэтик жиҳатдан бар-камоллашиб боришидагина эмас, балки ғоявий мунда-рижасининг ҳам тобора такомиллашиб, гуманистик мо-ҳияти чуқурлашаётганида ҳам кўриниб турибди. Шу хусусиятлар олқишиларнинг замона руҳига суфорилган ҳолда яшовчанлик касб этишини таъминлаёттир.

## II б о б. СУИШ ҚУШИҚЛАРИ Эркаламалар

Эркаламалар болалар фольклорининг мустақил оригинал жанри сифатида ғоят кенг тарқалган ва қадимийдир. Гарчи бу жандаги асарларнинг ижодкорлари катталар бўлсалар-да, аммо уларда болалик оламининг завқу шавқи, назокати ва латофати тараннум этилган. Шунга қарамай, ўзбек фольклоршунослигида бу жанр табиати ҳанузгача ўрганилмаган. Ўзбек болалар фольклорининг тадқиқотчиси F. Жаҳонгиров эркаламаларга овутмаочоқ сифатида қарайди<sup>1</sup>. Рус болалар фольклоршунослигида эркаламалар пестушка номи билан юритилиб, овутмаочоқ (потешка)лардан фарқ қилинади<sup>2</sup>. Бундай дифференциациялашув тожик ва татар болалар фольклоршунослигида ҳам мавжуд.

Тожикларда эркаламалар — *сурудҳои дӯстдорӣ*, овутмаочоқлар — *сурудҳои навозиш* деб фарқ қилувчи номлар билан юритилсалар-да, нима учундир тожик болалари оғзаки поэзиясининг тадқиқотчиси Б. Шермуҳаммадов ҳам уларнинг ҳар бири болалар фольклорининг мустақил жанри сифатида яшаётганлигига урғу бермайди<sup>3</sup>. Уларнинг жанр спецификасидаги фарқли ва муштарак хусусиятларини очмай туриб, ҳар иккаласини аралаштириб юборади.

Эркаламани фақат овутмаочоқлар билангина эмас, балки бешик қўшиқларига мансуб этнографик поэтик парчалар — айтим-олқишилар билан қўшиб юбориш ҳоллари ҳам мавжуд<sup>4</sup>. Ҳолбуки, эркалама суйиш қўшиқлари намунаси ҳисобланади.

Эҳтимол, бундай қўшиб юборишларга ўзбек болалар фольклоршунослигида терминларнинг илмий асосда

<sup>1</sup> Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори. Тошкент, 20—28-бетлар.

<sup>2</sup> Аникин В. П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. М., 1957, с. 88.

<sup>3</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми ҳалқии бачагонаи тоҷик. Душанбе, 1973, саҳ. 27—30.

<sup>4</sup> Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори, 20—28-бетлар.

ҳал қилинмаганлиги сабабдир. Лекин эркалама, овутмачоқ ва айтим-олқишиларни бир нарса деб қараашга ҳеч қандай асос йўқ. Шуниси мұхимки, туркий халқларга мансуб татар болалари фольклори намуналарини тўплаб нашр этган И. Исэнбет эркалама (мовиктиргич) ва овутмачоқ (кузаткич)ларни бир-биридан ажратган ҳолда берган<sup>5</sup>. Бинобарин, ўзбек болалар фольклори материалларига ҳам диққат билан назар солинса, овутмачоқлар болалар ғашлиги ошганда ёки улар бақириб йиғлаганда, бетоқатлик қилганда айтилса, этнографик поэтик парчалар ҳамда образли иборалар бешик ёки гўдаклик даври билан боғлиқ ҳар хил удумлар, расмrusm ва ирим-чирилларни бажариш жараёнидаги ижроси туфайли эркаламалардан фарқ қиласди. Бундан ташқари, уларни эркаламалардан фарқ қилувчи белгиси сифатида вақт ва вазиятнинг белгиловчиллик ролини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки овутмачоқ ҳам зарурият тақозосига кўра ижро этилади. Бунда ижрочи кайфиятининг қай ҳолатда эканлиги аҳамиятсиздир.

Бироқ эркаламаларда ижрочи кайфияти мұхимдир. Чунки, хафа бўлганда, эҳтирослар жўшқинлиги йўқ пайтда болани эркалаш майли ҳам бўлмайди. Бунга эҳтиёж ҳам қолмайди. Болани эркалаш учун кайфият беҳад чоғ бўлиши керак.

Бундай ҳолат ҳамиша бўлавермаслиги табиий. Шундай экан, эркаламаларда, овутмачоқ ва айтим-олқишилардан фарқли ўлароқ, вақт тасодифий эҳтиёжга айланади, аниқроғи, нисбий моҳиятга эга зарурият шаклида зуҳур этади. Лекин эркаламалар катталарнинг кичкин-тойларга беҳад кўтаринки кайфиятда муносабатда бўлишлари натижасида туғилган поэтик парчалардир. Худди шу экстаз ҳолат уларнинг жанр табиатини белгиловчи етакчи хусусияти ҳисобланади.

Айтайлик, ишдан ҳориб келган отанинг олдига бийрон тили билан ҳижжалаб «да-да!» деб гўдаги пешвоз чиқади. Бу кутилмаган мурожаат ота қалбини тўлқинлантириб юборади, ниҳоят, оталик ғурури қўзғаб, меҳрини тўкиб, боласини шундай эркалай бошлайди.

— Чони дада,  
Тарбузи — гелони дада,  
Химчаи ларзони дада,

<sup>5</sup> Қаранг: Татар халқының балалар фольклори, 41-бет.

Танўри тафсони дада  
Фатири часпони дада,  
Наҳўти бирёни дада.

Бундай ҳолни меҳринг портлаши деб таъбирлаш мумкин. Меҳрга йўғрилган кичкинтой сиймоси конкрет нарсаларга қиёслаш жараёнда нурланиб турибди; чоғиширилаётган нарсаларнинг ҳар бирида кичкинтойнинг ўзига хос турли хатти-ҳаракатларига нозик ишоралар мавжуд: кичкинтойнинг тарвузга ўхшаб юмалаб юриши, новда (хивич) сингари нозик-ниҳоллиги, тандир ҳароратидан кам бўлмаган фараҳбахш илиқлиги билан қалбларни иситиши, патирдай азиэлиги, ҳозирча нўхатдай бийронлигидан эъзозланишга сазоворлиги ана шу ишораларнинг поэтик мазмунидир. К. Чуковский ана шу тахлитда пайдо бўлган эркаламаларга «эркалаш хуружи зўрайиши»нинг натижаси деб қарайди. Шу билан бирга гоҳо бу ҳол экстаз тусини олиши, яъни меҳр хуружи беҳад жўшиб кетиши, ўзини йўқотиш даражасида завқланиш жазавага минишга қадар бориб етажагини каравотчасида ётган тўрт ойлик чақалофига термулиш билан ногаҳоний меҳри жўшган бир онанинг қўйидаги сўзлари мисолида кўрсатади:

«*Бууцики, мууцики, дууцики,  
Рууцики, цууцики, бүм.  
Күченъеки вы, таракууценъеки,  
Пүцелъеки вы, марабукъ*»<sup>6</sup>.

Гап шундаки, она чақалофини таталаб-таталаб ўпа бошлаганида кўзларига чалинган нарса *буци* — мэржон эди. Она қалбидаги меҳр хуружи уни *бууцики, мууцики, дууцики* тарзида ритмга солиб, гарчи шеърий машғулотдан йироқ бўлса-да, назм битишга чоғлайди. Шу сўзлар тизими ритмида арзандасини ардоқлаш, эркалаш оҳангини сезганлигидан уларнинг маъно англатмаслиги, мантиқизилиги хаёлига ҳам келмаган. Унинг учун муҳими товушларнинг ардоқловчи оҳангি эди. К. Чуковский бундай ҳолни «товушларнинг экзотик рақси» деб таърифлайди.

Товушларнинг экзотик рақсига асосланган композицияга эга талай эркаламалар ўзбек оналари ижросида ҳам учрайди. Уларнинг аксарияти «О... шугина» ёки тўппа-тўғри «Шугина» сўзлари билан бошланиб, кўпин-

<sup>6</sup> К. Чуковский. От двух до пяти. Киев, 1958, с. 264.

ча 4 ёки 6 сатрли ва айрим ҳолларда 10 ва ундан ортиқ-роқ сатргача бўлиши мумкин. Бундай чекланишнинг асосий сабаби — меҳр хуружининг чўзилувчанлик дара-жасига, аниқроги, узоқ муддат чўзила олмаслигидан иборат психологик ҳолат билан боғлиқ. Чунки ҳар қандай меҳр хуружи ҳам бир неча дақиқагина давом этиши, сўнгра пасайиб қолиши табиийдир. Бинобарин, ҳар бир эркалама меҳр хуружининг қанчалик куч ва чўзилувчанликда намоён бўлиши оқибати ҳисобланади.

Ўзбек эркаламалари халқнинг ўз фарзандларига бўлган беқиёс меҳр товланишларини акс эттирган. Уларда халқимизнинг болапарвар сиймоси нурланиб туради. Ўзбек эркаламаларининг характерли фазилатларидан бири нозик поэтик якунланмага эгалигидадир:

О... шугина, шугинагина,  
Мунчагина, тунчагина,  
Кунчагина, шунчагина,  
Яшнаб турган ғунчагина.

Ёки:

Шугинагина ким экан ўзи?  
Шугинагина кучукчами?  
Шугинагина пучукчами?  
Шугинагина мушукчами?  
Шугина ширин пучукчами?  
Ёки чиркин шумшукчами?

Иккала эркаламада ҳам товушлар аллитерацияси ва шу ҳодисага асосланган тўқ қофиялар эркалаш оҳангини таъминлаб туриди. Юқорида К. Чуковский келтирган мисолида кўринганидек, мантиқсизлик йўқ. Уларда ҳар бир сўзда ритмга омухталашган маъно ярқираб туриди. Унинг ўз вазифаси бор. Бу эркаланаётган болалар хатти-ҳаракатини шоирона баҳолаш вазифасидир. Кейинги эркалама енгил ҳазил, қувноқ юмор характерида.

Шуниси характерлики, эркаламаларда-гина қўшим-часида кичрайтиришдан кўра эркалаш оттенкаси бўртиброқ товланади. Дастребки эркаламанинг Яшнаб турган ғунчагина поэтик якунламасида, гарчи ғунча образида кичкントай сиймоси рамзан гўзал гавдалантирилса-да, -гина эркалаш оҳангига омухталаштирилганлигидан шунчаки кичкина болани эмас, балки меҳрга, ардоқ-қа йўғрилган азиз кичкントайнинг тароватли қиёфасини кўрамиз. Бундай хусусият шугина сўзи билан бошланувчи бошқа эркаламалар учун ҳам муштаракдир:

— Шугинагина кимни(нг) қизи?  
— Юрий Гагаринни(нг) қизи?  
Құлларида олтін соат.  
Чақыр, чуқур, чиқ.

Эркаламада замон рухи уфуриб турибди. Бу улар-нинг ижтимоий оқанғ билан сүфорилишига замин ҳозир-лаган. Бухоро шаҳар ва қишлоқларидә кенг тарқалган юқоридаги эркалама шу күннинг — илмий-техника ин-қилюбини амалга ошираётгандар замонаси романтика-сига лиммо-лим. Бу ундағы поэтик образлар ва мушо-ҳадаларнинг замонавий мантиққа мутаносиблигіда кү-риниб турибди.

Эркаламада довруғи жаҳонаро достон бўлган бирин-чи совет космонавти Ю. А. Гагарин билан ифтихор қи-лиш туйғусини кичкинтой юртдошларининг мурғак қалбларига сингдириш, шу асосда улarda ифтихор туй-ғусини тарбиялаш кўзланади. Бу катталар тилидан болажонлар завқу шавқига омухталаштирилган поэтик талқин тарзида амалга оширилган. Мана бу эркалама-лардаги поэтик образлар ва мушоҳадалар ўтмиш замо-нига хос:

Шугина жоним ҳув деди,  
Жом косада сув деди,  
Жом коса жоним деди,  
Бур қошн қоним деди.  
Қўтонда<sup>7</sup> қўйим деди,  
Тирамода<sup>8</sup> тўйим деди.

Фиштилик 67 яшар Гавҳарбибидан ёзиб олинган эркаламада революциядан илгариги турмуш тарзига хос орзулар аксини топган. Оналар ўтмишдаги ижти-моий тузумнинг ана шу адолатсизлигига қарши ҳазин оқангларда куйланган орзулари билан фарзандларини эркалаб, улар онгига ўз ҳақ-қуқуқини таниш тушунча-ларини сингдириш орқали эътиroz билдира олганлар. Шу сабабли бундай эркаламаларнинг оқанги бир қадар ҳазинроқ. Бу ҳазинлик гоҳо оиласында иқтисодий танг-лик, ночорликни ифода этувчи мотив даражасига бориб етади:

Кишталакнда дегай десам,  
Кошки қўлим бўш бў(л)са.

<sup>7</sup> Қўра — қўйлар подаси сақланади.

<sup>8</sup> Тирамо — асли тоғикча тирамоҳ бўлиб, ўзбекча, куз маъно-сида.

Тушбералар<sup>9</sup> букай десам,  
Кошки уйда гүш(т) бў(л)са.  
Билагим чизгаб егай десам,  
Кошки бунга тиш бў(л)са.

Қўриниб турибдики, эркалатаётган киши — тиҳсиз қария; у мудом меҳнатда, «қўли банд»лигидан ҳатто боласини эркалашга ҳам фурсат тополмайди. Тинмай ишлайди-ю, лекин уйида чучвара қилгудек гўшт йўқ. Қария ана шундан норози. Шу сабабли унинг эркалаш оҳангি ҳазинроқ бўлса-да, умидсизликдан холидир.

Халқ ўз фарзандлари сиймосида ҳамиша орзу-умидлари тантанасини кўриб келди. Ота-оналар ўзлари эришолмаган ниятларига фарзандларининг етишувларини истайди. Бу истак ўтмишда куйланган талай эркаламаларда лейтмотив даражасига кўтарилган.

Шуниси характерлики, бу лейтмотив марказида тўйга дахлдор орзулар туради. Бунинг сабаби, биринчидан, тўйга етишдан мурод — фарзанднинг ўсиб-улғайиши ниятини кўзлаш бўлса, иккинчидан, фаровон турмушга эришиш истагидир. Чунки тўй моддий фаровонлик натижаси ҳисобланади. Шу боисдан ўзбек эркаламаларининг талай намуналарида тўйга етиш орзусининг тараниуми кенг ўрин тутади:

Шугина жоним Ҳадия,  
Сув келтирсин кадида.  
Қадининг борги узилса,  
Келин бўлиб сузилса,  
Ўша куни ўзим бўлсан,  
Сузилганини кўрсан,

Ёки:

Дилфузахон дейла<sup>10</sup> уни,  
Қандга қўшиб ейла<sup>11</sup> уни.  
Бухородан совчи кеса.  
Қимматбаҳо дейла уни.

Ўзбек эркаламаларининг бошқа бир гуруҳида болажонлар портретини чизишга алоҳида эътибор берилган. Бунда гоҳо тўла портрет чизиш майли етакчи бўлса, гоҳида бола организмидаги алоҳида бирор ёки бир неча аъзони поэтик мадҳ этиш билан чекланилади; иккала ҳолатда ҳам боланинг инсонлик шарафи улуғланади:

<sup>9</sup> Чучвара.

<sup>10</sup> Дейдилар.

<sup>11</sup> Ейдилар.

Гулжон — ўзи чақон,  
Қоқи гулини таққан.  
Бир кулиши бор учун  
Ойижонига ёқкан.

Әки:

Қоп-қорағай күзингга  
Қоровулбек тасаддуқ.  
Бурнингни<sup>12</sup> пардасига  
Парвоначи<sup>13</sup>, тасаддуқ.  
Юзулгни<sup>14</sup> туллугига<sup>15</sup>  
Избосганлар<sup>16</sup> тасаддуқ.

Она қалбидә меҳру саховат шу қадар тошқинланғанки, унинг қаршиисида салтанат ҳомийларининг саховати ҳам бир пул. У жигарғүшасининг қоп-қора күзларига телмуриб, унга бехосдан қоровулбениң қурбон қилгиси келиб қолади. Бунга күzlар тароватини ифодаловчи «қоп-қора» әпитети билан қоровулбек сүзидаги қ товуши аллитерацияси сабабчи. Иккинчи байтда аллитерация և товушига күчади. Фарзандининг бурун пардалари олдида ҳатто вазирга муовинлик қилувчи парвоначини ҳам назарга илмайди. Шунчалик саховати күзғолган она фарзандига юрт ҳадя этгиси келади. Бола юзининг чүзинчөкливигига Избосганлар сүзининг чүзиқ оханғы қай жиҳатдандир мосдай туюлади онага. Шу параллеллик мантиқига мувофиқ ҳолда Избосганиң ўша чүзинчөк юзлар учун тортиқ қилиб, меҳрини изҳор этади.

Эркаlamада шу тахлитда, аввало, ўз аъзолари таништирила борилади. Бунда әхтироснинг жүшқинлиги күтилмаган қиёсларни, ўхшатиш ва сифатлашларни тақозо этишини унутмаслик лозим. Айтайлик, болакайнинг сариёғ, қаймоқ әки ҳандалак сингари предметларга қиёсланиши ҳам табиий равищда унинг ҳолати ва хатти-харакатини поэтик изохлайдиган воситага айланади:

Садқа сариғ ёққа,  
Бир коса қаймоққа.  
Жон садқа, дил садқа,  
Ұзгипам шунга садқа.  
Садогалар сайрасин.  
Бийисн<sup>15</sup> шундан айлансин.

<sup>12</sup> Вазир муовини — фармон ижро қилувчи киши.

<sup>13</sup> Тул ёки туллуг — чүзиқ ёки чүзинчөк.

<sup>14</sup> Избосган — жой номи.

<sup>15</sup> Бүвиси.

## Ёки:

Айланайин оқчамдан,  
Лаблари қаймоқчамдан,  
Искасам — зомичадек<sup>16</sup>,  
Чүмилса — гул-ғунчадек.

Келтирилган мисоллар эркаламаларга алоқадор иккисүсият устида баҳс юритиш имконини беради. Биринчи, эркаламаларнинг ижодкори масаласи бўлиб, чиндан ҳам уни аниқлаш муҳим илмий қимматга эга. Бу эркаламаларнинг оналиқ фольклорига тааллуқдорлигиги тасдиқлашда аҳамиятлидир. Гап шундаки, эркаламалар ижодкорлигига оналар етакчилиги сезилиб турса-да, бу сафда буви-ю боболар, опа-ю акалар, оталар, холалар, аммалар, хуллас, қариндош-уругларнинг ҳам ўзларига яраша ўрни бор. Буни юқоридаги эркаламалар ҳам тасдиқлаб турибди. Бинобарин, мана бу эркаламаларда ҳам болаларни эъзозлаётганлар ижодкор қиёфасида бўй-бастини кўз-кўзлаб турибди:

Гулижон ўзи-ўзи,  
Дўпписи йўрмадўзи.  
Йўрмадўзи ярашган,  
Ота-онасидан адашган,  
Бувисига қарашган.

## Ёки:

Ҳай-ё ҳуйлар бў(л)син-е,  
Шугина тўйлар бў(л)син-е.  
Шугинани(нг) тўйларига  
Жумла-жаҳон ўйнасин-е.  
Амбалари<sup>17</sup> танга сепиб,  
Хой боракалло, десин-е.

Симтепада бир қуш бор,  
Қанотида кумуш бор.  
Ўйнаб турган укамнинг  
Кулишида бир иш бор.

## Ниҳоят:

Сув келади ғози билан.  
Тилда қувноқ сози билан.  
Үглим овга кетади,  
Асил овчи този билан.

Биринчи эркалама ижодкори — буви, иккинчисиники — амма, учинчисиники — опа, тўртинчисиники — ота.

<sup>16</sup> Ҳандалак.

<sup>17</sup> Амма — отанинг опаси ёки синглиси.

Биринчисида бувининг ўз неварасини жон-жонидан сўйгани ифодаланса, иккинчи эркаламада ўзбек тўйларида бола бошидан танга сепиш удумига ишора қилинганки, бу унга этнографик рух баҳш этиб, тарихий-миллий колоритни кучайтирган. Амма жияннинг тўйида хизмат қилмоқчи, унинг бошидан танга сепиш орзузи билан улғайишини истаяпти. Бундай истаклар миллий-маишӣ хусусиятлар фонида жило топғанлиги сабабли эркаламаларнинг этнографик қиммати ҳам бўртиб намоён бўлган. Бу эркаламаларнинг ўзига хос иккинчи хусусияти ҳисобланади<sup>18</sup>. Эркаламалардаги этнографик қимматни болалар турмушига дахлдор расм-руслар, ирим-чирилларнинг поэтик фонлиги таъминлаган. Инчунин, юқорида келтирилган сўнгги эркалама ижодкори шунчаки ота эмас, балки овчи ота. Шу касбини ўғлини суйганчалик севади, шу боис келажакда унинг овчи бўлишини истайди.

Фарзандлари турмайдиган оналар болаларини эркалаганларида унга қўйилган кокиллар мадҳига алоҳида эътибор берганлар. Бундай ота-оналар болаларининг ўлмай улғайишини истаб, унга кокил қўйиш анъанасиди<sup>19</sup> фарзандлари умрбоқийлигини кўрганлар, шу сабабли болага қўйилган кокиллар унинг ўзи сингари эъзозланади:

Акбаржоним шу жойи,  
Бозорда холли тойи.  
Кокиллари тиллойи,  
Ѓзим айланай, илойи.

Бола янги кийимда гул-гул яшнайди. Бу ҳол ота-она қалбини тўлқинлантиради, фурурини оширади. Шу сабабли бўлса керакки, талай эркаламаларда катталар болажонлари устидаги кийимларнинг хил-хил товлашиларида ўшалар истиқболига дахлдор орзу-умидларини жилолантирганлар:

Бай-бай экан кўйлакчаси,  
Кўйлакчаси-мўйлакчаси,  
Чиқа қолсин мўйлабчаси.

<sup>18</sup> Бу хусусда айтим-олқишлиар ҳақидаги баҳсда батафсил тўхталигандан эдик.

<sup>19</sup> Ўтмишда фарзанди турмайдиган ота-оналар болаларининг ўлмаслигини истаб, унга кокил қўйганлар. Кокил ўғил бола балогатга етгунча олинмаган, фақат унинг шаънига қурбонлик қилингандан сўнг қирқиб юборилган.

Ёки:

Мани(нг) қизим оппоққина,  
Бошида зар қалпоққина,  
Қимла(р) шуни күролмаса,  
Күзига шўр тупроққина.

Мўйловнинг чиқиши — балофатга етиш белгиси. Со-  
қол қўйиш эса — кексалик эътирофи. Ўзбек халқида  
соқол ва мўйловга шундай қараларди. Бугунги шароит-  
да бу қараш қисман ўзгарди. Юқоридаги эркаламада  
эса мўйлов чиқишини исташ замирида боланинг камо-  
лоти кўзланмоқда, янги кўйлакда боланинг таровати  
унинг шундай камолотидан дарак бергандай туулгани-  
дан она шу орзусини эркалаш оҳангига солган. Шунинг-  
дек, бошида зар қалпоғи билан кўркига-кўрк қўшилган  
қизалогига кўз тегмаслигини ёки атлас кўйлакда ял-ял  
ёнган қизалогини яйраб, бағрига босиб, ўпгиси келади  
онанинг. Шуниси муҳимки, бу истакларнинг барчаси  
қизалоқни эркаловчи оҳангда ифодаланади.

Гоҳо шу кийим кичкинтоига ўз яқин кишиларини,  
урӯғ-аймоғини таништириш воситасига айланади:

Бабалаки бўпписи бор,  
Бошчасида дўпписи бор.  
Кайвони бибиси бор,  
Саркарда бобоси бор.

Ёки:

Умматвой утталага  
От боғласин буттала(р)га.  
Шойи кўйлак енгларида,  
Жўрлари ёнларида.  
Уттала, ҳой уттала.

Баъзи эркаламаларда бу жараён янада чуқурлашган.  
Болани эркалаш унинг ётар жойи — бешик абзаллари-  
ни поэтик мадҳ этиш фонида ота-онасини таништириш-  
ни кўзлаган ҳолда кечади:

Шим-шим этар  
Шумаги бор шу жониминг.  
Лочин бадал  
Думоги бор шу жониминг.  
Гўзал жувон  
Онаси бор шу жониминг.  
Мирзо йигит  
Отаси бор шу жониминг.

Бошқа бир қатор эркаламалар савол-жавоб тарзида-  
ги композицияга әга; биринчи сатри саволдан иборат

бошланма, қолган сатрлари эса унга жавоб-ҳосилалар саналади. Қизиғи шундаки, савол ҳам, жавоб ҳам ўша ижодкорнинг ўзигагина тааллуқли. Фақат унинг ўзи томонидангина ижро этилади:

— Наргизахон ким боласи?  
— Тоққа товушқон<sup>20</sup> боласи.  
Яхши қовун ҳұмбаласи<sup>21</sup>,  
Яхши узум шингаласи.

Шуни таъкидлаш зарурки, әркаламалар, асосан, етти ёшгача бўлган болаларга нисбатан қўлланса-да, аслида болаларни әркалаш жараёни 11—13 ёшга тўлгунларигача ва ҳатто ундан кейин ҳам давом этади. Бироқ бу даврдаги әркалаш поэтик формада кечмай, мақташ ва миннатдорчилик изҳоридан иборат образли иборалар воситасида амалга ошади.

Поэтик әркаламаларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар ижроси ҳамиша ҳаракат фонида, ҳаракатга узвий боғлиқ ҳолда кечади. «О... шугина» ёки «Шугина» сўзлари билан бошланувчи әркаламалар З ёшгача бўлган кичкинтойларга айтилса, бошқа бир каттагина гуруҳи етти ёшгача бўлган болалар белчасидан қучиб, гоҳида бирор аъзосини уқалаб, гоҳи бағирга босиб, гоҳ талпинишларидан илҳомланиб ва яна шуларга ўхшаш турли-туман муносабатлар жараёнида ўша ҳаракатга мое тушадиган оҳангда ижро этилади. Бундай вазиятда әркаламаларнинг кимга — қизалоққами ёки ўғил болагами қаратилганлиги ижро-ижодкорнинг диққат марказида туради. Айтайлик:

Игнанинг учгинаси,  
Пистанинг пучгинаси.  
Бунча ширин бўларму,  
Қизларни кичкинаси

әркаламасини ўғил болалар шаънига айтиб бўлмайди.

Шер бўлади ўғлимиз,  
Эр бўлади ўғлимиз.  
Қўн бўлади ўғлимиз,  
Хўп бўлади ўғлимиз.  
Деҳқон бўлсин ўғлимиз,  
Полвон бўлсин ўғлимиз

әркаламасини қизлар шаънига қўллаш ноўрни. Чунки биринчи әркаламада хотин-қизларга муносиб касбу кор

<sup>20</sup> Қўён.

<sup>21</sup> Ҳандалак.

фонида қизалоқ эъзозланса, иккинчисида эркакларга хос хусусиятлар поэтик таърифлана туриб, ўғил бола эркаланган. Таълай эркаламалар мазмунида бундай дифференциация бўртиб турса-да, аммо шундай дифференциациялашдан холи, умуман болани эркалаш руҳида айтилганлари ҳам анчагина:

Садаға сатигинг бўлай,  
Ошингга қатигинг бўлай.  
Үйнингга меҳмон келгандা  
Каштали қошиғинг бўлай.

Аммо эркаламаларниң «Ҳа, лўтти, лўтти», «Ҳа, дўрса, дўрса, дўрса», «Ҳа, кишта, кишта, кишта» ёки «Ҳа, лўтти» ва «Ҳа, дўрси» каби традицион сатрлар ва тақлидий сўзлар билан бошланувчи яна бир силсиласи борки, улар фақат икки-уч ёшдаги болаларга мўлжалланган. Бунинг сабаби шу ёшдаги болалар вазнининг енгиллиги бўлиб, уларни ҳаволата-ҳаволата кўтаришга қулайлигидир. Бундай қулайлик кичкинтойни бир қўл кафтига ўтқизиб, иккинчи қўл билан унинг белчасидан маҳкам тутган ҳолда ҳаволатиш ҳаракати равишига мутаносиб оҳангда эркаламани куйлаш имконини беради. Бу туркумга мансуб эркаламаларда ҳам кичкинтойлар келажагига дахлдор орзулар етакчи мотивидир. Орзуларки, гоҳо турмушнинг оддий юмуши-ю, аммо фақат ижтимоий тенгиззлик замонасининг мантиқига мос:

Ҳа, дўрса, дўрса, дўрса,  
Отаси бозорга борса,  
Гўшти биринч кетирса,  
Онаси пазанда бўлса,  
Бачаси хўранда бўлса.

Орзуларки, фақат фаровонлик замонасининг нурига йўғрилганлигидан баъзан ҳатто озгинагина тантиқликини ҳам кўтара олади. Бундай пайтда енгил юмор шу орзулар тароватланган оҳангга ўзгача фараҳ ва парвозбахш этади:

Ҳа, дўрса, дўрса, дўрса,  
Қамиш боги узилса.  
Домод<sup>22</sup> бўлса — сузилса,  
Рост кафтингга самбўса<sup>23</sup>,  
Қайнанаси чалласа,  
Ноз қилса-ю, бормаса.

<sup>22</sup> Күёв.

<sup>23</sup> Сомса.

Болани ҳаволатувчи эркаламаларнинг аксарияти 5—6 мисрадан ташкил топган. Шунга қарамай, анча такомиллашган йигирма ва ундан ортиқ мисрага қадар чўзилган намуналари ҳам топилади. Бундай намуналар алоҳида бандларга бўлиниб, ягона ғоявий мазмун асосида композицион бутунликка эга бўлади. Жумладан, додбоғлик 78 яшар Ҳидоят буви Раҳимовадан ёзиб олинган эркалама 17 сатрдан иборат. Бу эркалама мухаммас шаклида бўлиб, уч бешлик банддан ташкил топган. Ҳар бир банд дастлаб *aa* тарзидаги нақорат, сўнгра *bbb* шаклидаги ўзаро оҳангдош сатрлардан тузилган. Мухаммас-эркалама охирида нақорат байт яна мустақил ҳолда тақрорланади. Нақорат байтнинг бошида ва охирида бундай тақрорланиши мухаммас-эркалама композициясида қолипловчилик вазифасини ўтаган. Мана, унинг тўла тексти:

Ҳа дўрси, дўрси, дўрси,  
Чиқа қол, мана курси  
Ғулим эрур жамолинг,  
Жамолингда камолинг,  
Кам бўлмасин висолинг!

Ҳа дўрси, дўрси, дўрси,  
Чиқа қол, мана курси!  
Ҳидинг гўёки баҳор,  
Юзларинг худди анвор,  
Мушкин сочлар сенда бор.

Ҳа дўрси, дўрси, дўрси,  
Чиқа қол, мана курси!  
Юзларинг бўлсин порлоқ,  
Фам сендан бўлсин иироқ,  
Душманинг ўлсин шу чоқ.

Ҳа дўрси, дўрси, дўрси,  
Чиқа қол, мана курси!

Маълумки, мухаммаслардаги оҳангдошлик қатъий тартибга эга: биринчи банд *aaaaa* шаклида, қолганлари *bbbb* ёки *bbba* ва ҳоказо шаклида давом этиб, ана шу *a* ёки *aa* сатрлари ҳамиша биринчи банд билан боғланадиган оҳангдошликни таъминлайди. Шу билан бирга, баъзан янгиланиб турса, баъзан нақорат тарзида айнан тақрорланиб туриб, бутун мухаммаснинг композицион яхлитлигини таъминлаб туради. Юқоридаги эркалама оҳангдошлиги эса, мухаммас структурасига хос оҳангдошликка тескарилиги билан фарқ қилувчи оригиналликка эга.

Эркаламада барча бандлар учун *ааббб*, *ааввв*, *ааггг* шакли асос бўлган. Банднинг бу хилдаги структурасида нақоратнинг олдин тақрорланиши ижрочи қалбидаги меҳр хуружига инерцион куч вазифасини ўтайди. Нақорат ҳар ғал тақрорланганда, эркалаш майли янгидан қўзғалиб, янги куч олгандай шиддат касб эта боради. Натижада эркалаш хуружи бир қадар чўзилади. Бундай вазиятда нисбатан узоқроқ чўзиладиган эркалама ижросига маънавий эҳтиёж туфилади. Мазкур эркалама ана шундай эҳтиёжнинг самарасидир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, кўпгина эркаламалар «Ҳа дўрса, дўрса, дўрса» (Ҳа дўрси, дўрси, дўрси), «Ҳа лўтти, лўтти, лўтти», «Ҳа кишта, кишта, кишта», «Дикки, дикки, диккоси», «Киштала, киштал, киштала» каби традицион бошланмага эга. Бу сатрлар тақлидий сўзлардан таркиб топсалар-да, аслида эркалама ритмiga асос бўлиб, шу сатрлардаги ўйноқи оҳанг бутун эркалама оҳангига айланниб қолган, шу таҳлитда эркалама композицияси яхлитлигини таъминловчи компонент функциясини бажарган.

К. Чуковский таъкидлашича, рус эркаламалари баъзан фақат ритм учун хизмат қилувчи мантиқсиз сўзлар тизимидан иборат сатрлардан тузиладики, бу нормал ҳол ҳисобланади. Бунга мисол сифатида юқорида кўриб ўтилган *Буцики, муцики, дуцики* сатри билан бошланувчи эркаламани кўрсатиш мумкин. Бироқ ўзбек эркаламаларида бошланма сатргина тақлидий сўзлар ҳосиласи бўлса-да, қолганлари мантиқли (мазмунли) сўзлардан тузилган ҳолда аниқ мулоҳазаларни, хилмалих туйғуларни равшан ифодалайди.

Шу мулоҳазаларниг барчаси эркаламаларни болалар фольклорининг ажralmas таркибий қисми саналувчи оналик фольклорининг оригинал поэтик жанри ҳисоблашга тўла асос бўла олади. Зотан, ўзбек болалар фольклоридаги бошқа бирор жанр оналарнинг, қолаверса, барча катталарнинг мурғак жигаргўшалари билан фахрланиш туйғуларини, болаларининг келажагига дахлдор кўтаринки орзу-умидларини, қалб қувончларини экстаз жараённада бу қадар аниқ, сертароват тасвирлаш имкониятига эга эмас. Бу фақат эркаламагагина хос бўлиб, унинг мустақил поэтик жанр сифатидаги спецификасини белгилашда ҳал қилувчи хусусиятдир.

## Овутмачоқлар

Овутмачоқлар ҳам асосан уч ёшгача бүлган болаларни эркаловчи поэзиянинг кенг тарқалган мустақил жанри ҳисобланади. Овутмачоқнинг жанр табиатидаги етакчи функциясини унинг номи тұлиқ ифодалаб турибди. Унинг вазифаси болани овутыб эркалашдан иборат бўлиб, бундай әхтиёж бола ғашланганда, безовталиги кучайганда, йиглаганда маънавий-амалий заруриятга айланади. Эркаламада кайфият кўтаринкилиги, экстаз зарурият бўлса, овутмачоқда бунга әхтиёж йўқ. Бола инжиқлиги бошлангандаёқ, кайфиятнинг қанақа бўлишидан қатъи назар, уни бартараф этиш ҳаракати заруриятга айланадики, бу овутмачоқларда бўртган ҳолда тажассумланган ва унинг жанр моҳиятини белгиловчи етакчи хусусиятга айланган:

Вўй-вўй, шугиани ким урди?  
Вўй-вўй, шугиана ким лаб бурди?  
Йиглама, оппоққинам,  
Бошимдаги қалиоққинам.

Ёки:

Вой-вой жоним, шу жоним,  
Бўйнимдаги маржоним.  
Нима бўлди ўзингга,  
Еш олибсан қўзингга?  
Садқаи ёшинг кетсии.  
Огир-огир дамларда  
Доим бардошинг етсии.

Кўринадики, чақалоқнинг йиғиси онада уни тинчлантириш ассоциациясини уйғотган, аниқроғи, уни заруриятга айлантирган. Она шу заруриятга кўра сўзга мурожаат қилаётир. У шунчаки сўзбозлик қилмаётир, аксинча, сўзни ташкил этган товушлар гармониясида тинчлантирувчи интонацияга урғу бериб, ором берувчи, овутувчи оттенкани англатишга эришаётпир. Бунда болани бағирга босиб ёки бешикда, беланчакда тебратиб, унга қараб лабларни чўччайтириб, унинг лабчаларини қитиқлаб, овутувчи оттенканинг омухталаштирилишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Натижада сўздаги оҳанг, оттенка ва ҳаракат мувофиқлиги поэтик овутмачоқларнинг асосига айланган. Уларнинг бу хусусиятини ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзларнинг жуфтлашган такорири бўрттириб туради:

Хў-ба, хў-ба, нега йиглайсан?  
Хў-ба, хў-ба, нега биглайсан?  
Хў-ба, хў-ба, биг-биглама.  
Хў-ба, хў-ба, сан йиглама.  
Пиглаб багримни тиглама.  
Хў-ба, хў-ба, жо...он, жо...он,  
Садқа сенға шу ширин жон.

Ёки:

Обов-обов, қизгинагинам.  
Мендан қолар изгинагинам.  
Обов-обов, шугина обов,  
Жоним обов, қизгинам обов...

Хў-ба, хў-ба ва обов-обов сўзлари жуфт ҳолда майин чўзинчоқ интонацияга эга. Товушлар аллитерацияси асосида оҳангдошлик касб этган қофиялар анафоралардаги майин чўзинчоқликни тўлдириб, изчил тароватини таъминлаб турибди. Натижада боладаги ҳар қандай инжиқликни элита оладиган жозибали овутувчи оҳанг пайдо бўлади. Овутмачоқларнинг бевосита боланинг ўзига поэтик мурожаат тарзида қурилганлиги элитиш, юмшатиш жараёнини янада активлаштирган ва самимийлаштирган.

Бола товушлар оҳангидаги сеҳрли жозибадан роҳатланиб, тинчлана боштайди. Бу бола фаолиятида онгни уйфотиш ва ҳаракатга солиш йўлидаги илк ассоциация бўлиб, ўз навбатида, унда нутқнинг ҳосил бўлиши ва шакллана боришига йўл очади. Шу тариқа аллалардаги монотонлик, эркаламалардаги патетик кўтаринкилик ёнида овутмачоқлардаги бамайлихотирликка мойил хилма-хил товуш товланишлари ўзаро уйғунлашиб, болада ўз она тилининг бутун назокатларини илғаш, бора-бора эса нутқнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Болалар оналарнинг илтижоли интонацияларини идрок қила борганлари сайнин овутиш оҳангига ҳам турлана боради. Натижада овутиш мотиви гоҳо эътироҳ оҳангига ўтади:

Бачам, бачам, жоним бачам,  
Пигламагин, жоним бачам.  
Тўйга онанг қўймадими?  
Аталасидан бермадими?  
Корингинанг тўймадими?  
Хо бале, бале, хо бале!

Гоҳо қувноқ ҳазилкашликка айланади:

Шу ўғлимга не бўлиби,  
Кўзлари ёшга тўлибди?

Вой, күзларинг қизармасин,  
Дудоқларинг бўзармасин.  
Йиғлама, бас, дардинг олай,  
Киссанганга кишиш солай.

Гоҳида воқеабандлик асосидаги юморга ўтади:

Йиғлама-ей, йиғлама,  
Илик чақиб бераман.  
Қурвақанинг обғига  
Мунчоқ тақиб бераман.

Гоҳо жиддийлашиб, инсоний қадр-қимматни англаш даъватига айланади:

Қўй, йиғлама, жон ўғлим,  
Оппогим, багри тӯғлим.  
Ўғил бола йиғламас,  
Жигар-бағрин тиғламас.  
Ўғил бола йиғласа,  
Увол бўлади, ўғлим.  
Жигар-бағрин тигласа,  
Душман кулади, ўғлим.

Шунчалик илтифотлар ҳам таъсир қилмай, бола ғашлиги кучаявериб, она хуноби ошган кезларда фарёд даражасига кўтарилади:

Йиғлама, ўғлим, ўғлим,  
Жонимдан тўйдим.  
Йиғлама, ўғлим, ўғлим,  
Конимдан тўйдим.  
Йиғлама, ўғлим, ўғлим...  
Вой-дод!..  
Нега келмайди ўлим!..

Она шу кўйга тушганида ҳам боласини овутолмагани учун ўзидан норози бўлади, ўзини койииди, ўзига ҳатто ўлим тилайди, аммо боласини қарғамайди. Фарзандга бу хилдаги фидойижонлик, бафрикенглик овутмаочоқ ижодкорининг юксак болапарварлик туйғусига лиммолим оташин қалбини, чинакам инсоний сиймосини бутун жозибаси билан кўрсатиб турибди. Узбек поэтик овутмаочоқларида унинг ижодкори образи шу тахлитда етакчи ўрин эгаллай борган.

Ўзбек поэтик овутмаочоқлари ижодкори образидаги асосий хусусият — мислсиз гуманистлиги бўлиб, бу ҳар қандай вазиятда ҳам унинг бола йиғисида *офтоб* ва ҳаёт кўришга интилганлигида янада тиниқроқ жилоланади:

Йиғлоқ қизгинам урсин,  
Биғлоқ қизгинам урсин.

Иигласа — йиғлагудай,  
Биғласа — биғлагудай.  
Иигисида офтоб бор,  
Биг-биғида ҳаёт бор.

Чиндан ҳам биг-биғлаш бола учун ўз она тилидаги нутқ товушларини идрок этиш йўлидаги биринчи қутлуғ қадам сифатида ҳаётий мазмунга эга. Бундай ҳаётийлик замирида ҳалқ педагогикасининг асрий тажрибалари тажассумланган бўлиб, бу овутмачоқларнинг ўзбек фольклорида ўз мақсадига ва хусусиятларига эга мустақил поэтик жанр шаклида яшовчанлигини таъминлаган.

Шуниси ҳам борки, овутмачоқларнинг шеърий шаклдаги бундай кўриниши ўйин характерида бўлган «Борди-борди» ва «Ҳавзак-ҳавзак» типидаги турларидан фарқ қиласди. «Борди-борди», «Ҳавзак-ҳавзак»лар ҳам гарчи сўз ва ҳаракат уйғунлигидан таркиб топган бўлсалар-да, улардаги ҳаракат драматизмдан холи, ўйин характерига эгадир. Бинобарин, улар ҳаракатли ўйин-овутмачоқлар силсиласини ташкил этади ва асосан катталарнинг гўдаклар билан муносабати доирасида кенг қўлланади. «Борди-борди» — қитиқлаб овутиш, кулдиришга қаратилган ўйин-овутмачоқ ҳисобланади. Кенг тарқалган бу ўйин-овутмачоқда кўрсаткич ва ўрта бармоқлар актив қатнашади. Шу бармоқлар бола кўксида одимлатилиб:

- Борди-борди...<sup>24</sup>
- Қайга боради?
- Салимжоннинг<sup>25</sup> уйига.
- Унда нима қиласди?
- Жижжисини<sup>26</sup> эмади, —

тарзида савол-жавоб қиласди. Энг сўнгги одим бола кўксини қитиқлаш ёки бурнини авайлаб қисиши билан якунланиб, сўнгги жавоб сатри унга омухта қувноқ интонацияда айтилади. «Борди-борди»ларда шунчаки иккитагина бармоқ қатнашса, «Ҳавзак-ҳавзак»ларда барча бармоқлар қатнашиб, ўйин диапазони анча кенгаяди.

«Ҳавзак-ҳавзак» ўйин-овутмачоқлари катталарнинг мурғак онгларни ҳаракатлантириш йўлидаги уринишларининг қувноқ ҳосиласи сифатида ҳалқ педагогикасида муҳим мавқега эга. О. И. Капица русларда «Сорока-во-

<sup>24</sup> Бу сатр *Бўрди-бўрди* тарзида ҳам учрайди.

<sup>25</sup> Исталган номга алмаштириш мумкин.

<sup>26</sup> Кўкрак.

рона» ёки «Сорока воровка» ҳамда «Ладушка» номлари билан машхур бу ўйин-овутмачоқнинг Европада ҳам Осиёда ҳам, ҳатто Афринкада ҳам бола қўли ва бармоқларини ҳаракатлантириш негизида қурилганлигини кўрсатиб, кенг тарқалганлигини қайд этади<sup>27</sup>.

Бу ўйин-овутмачоқлар Ўрта Осиё ҳалқлари ўртасида ҳам узоқ замонлардан бери маълум. Бу ҳақда А. Диваев<sup>28</sup>, М. С. Андреев<sup>29</sup> берган маълумотлар диққатга сазовор. А. Диваев «Ҳавзак-ҳавзак»нинг қозоқча бир намунаси ҳақида фикр юритиш билан чекланса, М. С. Андреев унинг қирғиз, қозоқ, ўзбек, тоҷик, бошқирд, афғон, форсларда, шунингдек, рушан, дунган, Бухоро яхудийларида ва Пешовар патанларида мавжуд ўн уч намунасини русча «Сорока-ворона» вариантига солиширган ҳолда нашр эттириди. Бироқ нима учундир у «Ҳавзак-ҳавзак»нинг шу ҳалқларда номланишига оид фарқларга эътибор қилмаган. Ҳолбуки, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ленинобод вилоятларида ва Фарғона водийсида «Ҳавзак-ҳавзак» номи билан машхур бу ўйин-овутмачоқ Кўлобда «Додари додарон», Дарвозда «Лўлак-лўлак»<sup>30</sup>, қирғизларда «Куур-куур куурмак»<sup>31</sup>, татарларда «Бармақ ўйнату»<sup>32</sup>, туркманларда «Бармоқлар» ёки «Эллср»<sup>33</sup> деб юритилади.

Шуниси характерлики, бу ўйин-овутмачоқ ўзбеклар билан тоҷиклар орасида аксарият ягона «Ҳавзак-ҳавзак» номи билан юритилади. Бунииг сабаби асли арабча «Ҳавзак» сўзининг ҳар икки ҳалқ тилида ҳам бир хил қўлланганлигидир. Зотан, «Ҳавзак» сўзининг ўзаги арабча ҳавз, яъни «бирор нарсанинг ичи, зимии, ички доираси»<sup>34</sup> маъносини англатувчи бу сўз ҳамда-ак кичрайтирувчи тоҷикча суффикс ёрдамида ясалган бўлиб,

<sup>27</sup> Капица О. И. Детский фольклор, с. 57—61.

<sup>28</sup> Диваев А. Как киргизы развлекают детей. «Этнографическое обозрение», 1908, № 1—2. с. 150—151.

<sup>29</sup> Андреев М. С. Вещие сны, несколько примет и детская игра «Сорока-ворона» среди некоторых народов, главным образом Средней Азии.— Известия Глав. Сред. Азиатского музея. Вып. II. Ташкент, 1923, с. 28—34.

<sup>30</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми ҳалқин бачагонаи тоҷик, саҳ. 3.

<sup>31</sup> Андреев М. С. Вещие сны, несколько примет и детская игра «Сорока-ворона»..., с. 28.

<sup>32</sup> Татар ҳалқынын балалар фольклоры, 47-бет.

<sup>33</sup> Хапыз ага. Ашгабат, 1975, 20-бет.

<sup>34</sup> Навоий асарлари лугати. Тошкент, 1972, 757-бет.

такроран-жуфт қўлланиши замирида кичкитойлар қўл-  
часи кафтиниг зимни, ички доирасига ишора қилувчи  
нозик отенка мавжуд. Бу оттенка овутиш, эркалаш оҳан-  
гига мойил.

«Ҳавзак-ҳавзак» ўйинида асосий восита боланинг  
қўлчаси ва бармоқчалари ҳисобланади. Болани овутмоқ-  
чи, эркаламоқчи ёки ўйнатмоқчи бўлган киши унинг чап  
ёки ўнг қўлчасини ўзининг бирор кафтига қўяди-да,  
сўнгра, кўрсаткич бармоғи билан кичкитой кафтини  
қитиқлаб, гир айлантира турниб:

Ҳавзак-ҳавзак,  
Атрофи савзак,—

сатрларини айта бошлайди. Бу икки сатр ҳар вақт тради-  
цион бошланма вазифасини ўтайди. Унинг талаффузи  
ҳам бамайлихотир чўзиқлик оҳангига эга бўлиши лозим.  
Шундан кейин кичкитойнинг бош бармоқчасидан то-  
жимжилогигача — барчасини гўё бир-бир санагандай,  
тартиб билан бирин-кетин эгиб турилиб, тубандаги сатр-  
лар айтила борилади:

Бу ҳўқиз сўйди,  
Бу терисни шилди.  
Бу пишириб созлади,  
Бу еди-ю, нозлади,  
Бу калчага ош етмади.

Сўнгги сатр традицион якунланма бўлиб, унинг «Бу  
калча олиб қочди» ёки «Бу калча қаерда эдики, ош тег-  
мади» каби ранг-баранг вариантлари ҳам мавжуд. Бу  
сатрларда таїёрга айёлардан кулиш пичинги борлигиги-  
дан талаффузи ёнгил юмористик оҳанг касб этиб, илга-  
риги сатрлардан фарқи бир қадар шиддатлироқ ва ба-  
ландроқдир. Лекин сўнгги сатр талаффузи ҳамиша жим-  
жилоқ бармоқ саноғига тўғри келиши керак. Бироқ бар-  
моқни эгмасдан самимият билан астагина силтаб қўйиш  
жоиз. Кичкитой бундай ҳаракатдан кайфи чоғ бўлиб,  
қиқирилаб кулади ёки йиғлаётган бўлса, овуниб илжаяди.

Юқоридаги мулоҳазалардан «Ҳавзак-ҳавзак» ком-  
позициясида бармоқлар саноғи муҳим компонент эканлиги  
кўриниб турибди. Бу эса унинг санама характеристидаги  
ўйин-овутмачоқлигини қатъий тасдиқлайди. Унинг ҳамма  
вариантларида, ҳатто қайси тилда бўлишидан қатъи  
назар, ана шу хусусият муштарақдир. Жумладан, тради-  
цион бошланмасиз бўлган мана бу энг қисқа вариантга  
назар солайлик:

Бош бармоқ.  
Бодом бармоқ.  
Үрта терак.  
Хожи калак,  
Гул бибишак.

Бухоро облатининг Қоракўл районида кенг тарқалган бу ўйин-овутмачоқда кичкитойнинг бармоқчалари шунчаки поэтик таърифланаётгани йўқ. Бу таърифда ҳар бир бармоққа поэтик характеристика берилаётгани равшан кўриниб турибди: ўрта бармоқ бошқаларидан узун, шу сабабли теракдай. Жимжилок бармоқ энг кичиги, шу сабабли гул бибишак. Бундай кичрайтиришдан мақсад эркалаш ҳамдир. Бинобарин, худди шу тахлитда эркалаб ёки овутиб туриб, кичкитойларга ҳажм (катта ва кичик), белги (ўхшашлиқ ва ноўхшашлиқ) ҳақида илк сабоқ бериш ва шу асосда уларнинг ҳаётни англай бориши жараёнларини активлаштириш мумкинки, бу мазкур ўйин-овутмачоқнинг асл мақсадидир.

Ўзбек ва тожик халқларининг қадим замонлардан буён бирга яшаб, жуда кўп муштарак хусусиятлар касб этганликлари «Ҳавзак-ҳавзак» ниңг ҳар иккала тилдаги варианatlарida ҳам мазмун ўхшашигига ўз аксини қолдирган. Лекин Навоий районининг Арабсарой қишлоғидан ёзиб олинган «Ҳавзак-ҳавзак» ўзбекча варианти билан қардош Тожикистоннинг Дарвоз мавзеида учрайдиган «Лўлак-лўлак» варианти мазмунан бир-бирига мос бўлса-да, уларга бири иккинчисининг таржимаси тарзида қараш ножонидир. Чунки уларнинг ҳар бири мустақил ижод намуналариdir. Мазкур варианtlарни бир-бирига чоғиштирганда манзара янада равшанлашади.

### Арабсаройда:

Бу дедики: — Борамиз.  
Бу дедики: — Қаёққа?  
Бу дедики: — Ўғриликка.  
Бу дедики: — Худодан қўрқмайсанми?  
Бу дедики: — Оламиз-у қочамиз.

### Дарвозда:

Ин гуфт, ки: Мерем.  
Ин гуфт, ки: — Кучоба?  
Ин гуфт, ки: — Дузиба.  
Ин гуфт, ки: — А худон олам наметарой-ми?  
Ин гуфт, ки: — Мегирemu мегурезем?<sup>35</sup>

<sup>35</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми халқии бачагонаи точик, саҳ. 32.

Дарвозликларга хос талаффуз ва «а худои олам» иборасига сиғдирилган кенглик ҳамда ягоналик тушунчалари мазкур вариантнинг мустақил ижод намунаси сифатидаги ҳуқуқини маълум даражада тасдиқлайди. Тўғри, ҳар икката вариант ҳам ўтмишда яратилган ва ночорлик исканжасида эзилганларнинг ҳолатини ифодалайди. Шу билан бирга, уларда ҳалқ дунёқарашидаги художўйликка эътиroz оҳанги уфуриб туради. Аммо уларнинг биринчисида бу эътиroz оҳанги шунчаки пиchinг бўлса, иккинчисида бутун оламнинг яратувчисига нисбатан аччиқ кесатиқдир. Иккала ҳолдаям ўғриликка мажбур этган ўша «яратувчи» нинг ўзи эмасми? Шуниси муҳимки, кичкитойлар қалбига ана шу хилда ўтмишдаги адолатсиз замон ва унинг шафқатсиз бунёдкорига нисбатан норозилик оҳанглари сингдира борилган. Бу эса «Ҳавзак-ҳавзак» ўйин-овутмачофининг ижтимоий мөҳиятини кўрсатади. Қизифи шундаки, юқоридаги иккала вариант ҳам традицион бошланмасиз бўлган ҳолда Бухоро шаҳар ва қишлоқларида тарқалган мана бу варианти тўрт сатрлик анъанавий зачинга эга:

Ҳавзак-ҳавзак,  
Атрофи савзак.  
Орулар ке(л)син сув ичгани,  
Оҳулар ке(л)син сув ичгани.  
Бугинаси (*боши бармоқ тутилиб*) хўқиз сўйсин.  
Бугинаси (*кўрсатгич бармоқ тутилиб*) терисини  
шилсин.

Бугинаси (*ўрта бармоқ тутилиб*) пишириб берсин.  
Бўғинаси (*номсиз бармоқ тутилиб*) кулиб есин.  
Бу калча (*жимжилоқ бармоқ тутилиб*) қаёқда  
эдики, шўрбо етмади!

Бу вариантнинг традицион тугалламаси *Бу калча-ғалча, ҳайло катта кўча* ва бошқа хилдаги кўринишларда ҳам учрайдики, унда ишда йўгу ошда ҳозир бўлувчилардан енгилгина кулинади. Шу сабабли калча-ғалча деб калака қилинади, унга шўрва етмайди ёки катта кўча йўли кўрсатиб қўйилади. Традицион зачинда ҳам кичкитойни табиатга хос кўринишлар билан таништириш ва шу фонда меҳнат жараёнларига (мол сўйиш, унинг терисини шилиш, овқат пишириш ва ҳоказо) олиб кириш кўзланган. Зотан, инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этувчи меҳнат беҳад хилма-хил кўринишларга эга. Уларнинг барчасида инсон қўли муҳим роль ўйнайди. Бино-барин, бармоқлар воситасида меҳнат турларини санаб

ўтиш, улар ҳақида элементар маълумот бериш ғоят мароқли:

Бош бармоқ ош келтирап,  
Бодом бармоқ бол келтирап.  
Үрта терак ўтин терар.  
Ҳожи хўжам сут пиширап.  
Гул бибишак гул терар.  
Чулулу, мулулу, шулулу.

Ҳар бир сатр алоҳида бир товушнинг аллитерацияси асосида жарангдорлик ҳосил қилган. Ниҳоят, бу аллитерацион жарангдорлик тугаллама сатрда яна кучайтирилган бўлиб, унинг тез ва юмшоқ талафузи бола кўксини қитиқлаш ҳаракатига мувофиқ бўлиши лозим. Шу тариқа мурғак қалбларга ош ва бол келтириш, ўтин териш, сут пишириш ва гул териш каби мөҳнат жараёнлари завқи сингдирила борилади.

Фольклоршунос Б. Шермуҳаммадов Самарқанд шаҳрининг Оқсой кўчасида истиқомат қилувчилардан «Ҳавзак-ҳавзак» нинг шундай бир вариантини ёзиб олганки, унинг ижроси икки босқични ташкил этади. Қизифи шундаки, унинг биринчи қисми ижроси традицион бошланмадан кейин жимжилоқ бармоқни эгишдан бошланиб, иккинчи қисми ижроси жараённи шу ҳаракатни тескарисига — бош бармоқдан жимжилоққача қайта тиклаб бориш тусини олади:

Ҳавзак-ҳавзак,  
Гирди вайба савзак.

- Ин — леле (*ангушити хурд*) [Бу бармоқ (*жимжилоқ*)].  
Ин — долари леле (*нарангушт*) [Бу — акаси (*эркак бармоқ*)].  
Ин — ҳавзи боломноча (*ангушити миёна*) [Бу — ҳовуз соябони (*ўрга бармоқ*)].  
Ин — ҳофизи қуръонхон (*ангушити ишорасти*) [Бу — қуръонхон ҳофиз (*кўрасаткин бармоқ*)].  
Ин — турки шавушкаш (*сарангушт*) [Бу — бурга ўлдирувчи турк (*боши бармоқ*)].  
Ин турки шавушкаш гуфтай: — Намеरем? [Бу — бурга ўлдирувчи турк айтибдики: — Бормаймизми?].  
Ин ҳофизи қуръонхон гуфтай: — Кучо мерем? [Бу қуръонхон ҳофиз айтибдики: — Қаёққа борамиз?].  
Ин ҳавзан боломноча гуфтай: — Дузӣ мерем [Бу ҳовуз соябони айтибдики: — Ўгриликка борамиз?].  
Ин додари леле гуфтай: — Ай худо наметарей? [Бу жимжилоқнинг акаси айтибдики: — Худодан қўрқмайсанми?].  
Ин гуфтай: — Калити подшоҳ мегирemu мегурезем [Бу айтибдики: — Подшо калитини оламизу қочамиз]<sup>36</sup>.

<sup>36</sup> Шермуҳаммадов Б. Назми ҳаљкини бачагонаи тоҷик, саҳ. 31 (Ўзбекча таржимаси бизнини — O. С.).

Кўринниб турибдик, кичкинтойга ҳар бир бармоқнинг вазифаси ҳақида маълумот берилмоқда: кўрсаткич бармоқ китоб варақлашда фаолигидан «ҳофизи қуръонхон»; бош бармоқ функциясида узоқ ўтмишдаги кўчманчи туркни ҳалқлар турмушининг гаянчли бир манзарасига ишора қилинаётирки, бу факт ўйин-овутмачоқнинг жуда қадимийligидан шаҳодат берилбди.

Шуниси қизиқки, бундай икки босқичли ўйин-овутма-чоқнинг ўзбекча намунаси ҳам мавжуд. Ўнинг ижроси иккала босқичнинг ҳам бош бармоқдан бошланиши билан тожикча намунасидан фарқ қиласди. Биринчи босқичда бош бармоқдан жимжилоққача — барчаси таърифланниб, кичкина эгасига танишириб берилади:

Бош бармоқ,  
Қорамалдоқ,  
Үрта зийрак.  
Ҳожи мирак.  
Кичкина бўбак.

Саноқ жараёнида барча бармоқчалар бир-бир букиб борилади. Иккинчи босқич яна бош бармоқдан бошланиб, барчаси навбатма-навбат тикланиб борилади:

Бош бармоқ айтаркан: — Бозор бораман.  
Қорамалдоқ айтаркан: — Бирга бораман.  
Үрта зийрак айтаркан: — Том тешаман.  
Ҳожи мирак айтаркан: — Худодан қўрқмайсанми?  
Кичкина бўбак айтаркан: — Оламан-да, қочаман.

Муҳими шундаки, бармоқларкинг барчаси, асосан, бир ишни ҳамкорликда бажариш ниятини кўзлашади. Аммо улар орасида ҳожи мирак бир оз художўй, журъатсиз, қўрқоқроқ. Кичкина бўбак эса уннинг акси — чақон ва қўрқмас. *Оламан-да, қочаман* жумласининг енгил, аммо шиддатли оҳангидга шунга ургу қилинган. Ниҳоят, шу оҳанг жозибасини жимжилоқ бармоқни юмшоқ силкитиб қўйиш ҳам кучайтиради, ҳам самимийлаштиради.

Халқ педагогикаси мурғак қалбларга шу зайлда ўз ўғитларини сингдира борди. Бармоқлар саноғи жараёнида рақам иштирок этмаса-да, букиб-очишининг ўзиёқ навбатлашиб, нарсалар жойлашувида ўзига хос тартиб мавжудлигини, шу тартибни ифодалаётган сўзлар ва ҳаракатлар бирлигига жамулжамлик борлигини уқтира бошлиди. Шу маънода бармоқчаларнинг бу тахлитда саналиши — бола маънавий ҳаётидаги янги бир онғли жараён бошлиши билан алоҳида аҳамиятга эга. К. Маркс унинг

моҳиятини характерлаб, шундай ёзган эди: «Маълумки, ҳиссиёт ва тафаккур оралиғида тебраниб турувчи ақл-ид-рокнинг дастлабки изазий фаолияти саноқдир. Саноқ — бу бола ақл-адрокининг биринчи мустақил назарий ҳаракати ҳисобланади...»<sup>37</sup> Ҳавзак-ҳавзак ўйин-овутмачоқлари ўзбек халқ педагогикасида ана шундай назарий-амалий ҳаракатнинг илк самараси сифатида катталар ва болаларнинг ўзаро актив муносабатларининг серзавқ воситаси бўлиб келди. Шу сабабли «ақл-идрокнинг энг ҳалол устози ва ташкилотчиси» (М. Горький) бўлган халқ ўз ижодини ҳамиша замон нафасига йўғириб, та-комиллаштириб борди. Буни Фиждувон районидаги қишлоқларнинг биридан ёзигб олинган бугунги фаровон социалистик турмушимиз руҳини акс эттирувчи мана бу ўйин-овутмачоқ яққол тасдиқлайди:

Фалвир-ғалвир...  
Отаси бозорга кетди.  
Онаси пазанди бўлди.  
Дилором тозалади,  
Чарос еди.  
Рашида кетди.

Бу ўйин-овутмачоқда традицион бошланма ўзгарган, мазмунан анча конкретлашган. Сўнгра ҳар бир ижрочи Дилором, Чарос ва Рашида номларини истаган бошқа номларга алмаштира олади. Бу эса унинг ҳар бир хона-донда ўзгача эркалаш ёки овутиш оҳангига касб этиб, ҳаётийлашганини тасдиқлайди, кичкинтойларга коллек-тивчилик моҳиятини идрок қилишларига кўмаклашади. Бинобарин, овутмачоқларни ҳам, ўйин-овутмачоқларни ҳам тўплаш, чуқур тадқиқ қилиш ва нашр этиш катта эстетик, ижтимоий-тарбиявий қимматга эга бўлиб, халқ педагогикасининг нозик қирраларини кашф этишда муносиб йўл очади.

### Қизиқмачоқлар

Қизиқмачоқлар рус болалар фольклоршунослигига прибаутка атамаси билан ўтган асрнинг биринчи ярми охирларида эътироф этилиб<sup>38</sup>, уларни тўплаш ва нашр этишга киришилган бўлса-да<sup>39</sup>, жанр табиатини аниқлаш-

<sup>37</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Т. 2, с. 31.

<sup>38</sup> А вдеева Е. А. Из воспоминаний.—«Отечественные записки». Т. 63, 1849, № 3, с. 240—246.

<sup>39</sup> В. И. Даль, П. В. Шейн ва бошқаларнинг ишлари назарда тутилади.

га онд тадқиқотлар, асосан, совет даврида бошланди. И. О. Капица қизиқмачоқлар ҳақида илк бор назарпай қарашларини баён этди<sup>40</sup>. У ўзигача бўлган нашрларда қизиқмачоқларнинг гоҳида овутмачоқлар билан, гоҳида санама, ағдармачоқ, тез айтиш ва тегишмачоқлар билан аралаш-қуралаш берилишидан иборат янгишувни тузатишга интилиб, рус болалар фольклорини тасниф қиласкан, қизиқмачоқларнинг ўз қонуниятларнга эга мустақил жанр эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. «Бироқ у ҳам қизиқмачоқлар билан катталарнинг болаларга аталган қўшиқлари орасидаги чегарани аниқ ажрим қила олмади. Ҳар иккаласини ҳам у китобида бир бўлимга бирлаштириди. Бу тасодифий эмас: қизиқмачоқлар ва катталарнинг болаларга аталган қўшиқлари поэтикасида жиддий тафовут йўқ. Ҳаётда улар ўша ягона вазифани ўтайдилар. Шу сабабли В. П. Аникиннинг<sup>41</sup> бу жанрлардаги барча асарларни қизиқмачоқ термини остига бирлаштириши ҳам тўла асослидир», — деб ёзади М. Н. Мельников<sup>42</sup>.

Шуни қайд қилиш лозимки, қизиқмачоқларнинг ўзига хос жанрий хусусиятларини белгилашда, халқ педагогикасидаги ижтимоий-эстетик ҳимматини равшанлаштиришда М. Н. Мельниковнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, энг сўнгги тадқиқот сифатида И. О. Капица ва В. П. Аникинларнинг назарий мулоҳазаларини чуқурлаштиради, айрим ноаниқ нуқталарига аниқлик киритади ва шу асосда мукаммаллаштиради.

Аммо ўзбек болалар фольклоршунослигига на қизиқмачоқ мағҳуми ва на шу мағҳум замирида намоён бўлувчи фольклористик жанр ҳанузгача маълум эмас. Қизиқмачоққа мансуб айрим намуналарни ёзиб олиш ва нашр этиш 30-йилларда бошланган бўлса-да, улар умуман болалар қўшиғи номи билан амалга оширилган. Жумладан, Элбек тўплаб нашр этган «Болалар қўшиғи» тўпламида «Лақашиқилдоқ», «Жон бургам», «Банги-банги» ва «Шодмон ялақи» сингари тўртта қизиқмачоқ тексти мавжуд<sup>43</sup>. Аммо шу тўпламдан кейинги салкам ярим аср давомида ўзбек фольклори намуналари чоп этилган

<sup>40</sup> Капица И. О. Детский фольклор, с. 62—63.

<sup>41</sup> Аникин В. П. Русские пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор, с. 98—102.

<sup>42</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 76—82.

<sup>43</sup> Болалар қўшиғи. Тошкент, 1936, 15—21-бетлар.

бирор китобда ҳам қизиқмачоқ типидаги асар учрамайди. Бизнинг колекциямизда 13 та қизиқмачоқ мавжуд. Уларнинг умумий миқдори 532 сатрни ташкил этади. Шулардан иккитаси «Жон бургам» нинг Бухоро ва Дехқонобод вариантлари бўлиб, жами 57 мисрадан иборат ва Элбек эълон қилган вариантдан фарқ қиласди. Яна бирни 19 сатрли Қосон варианти бўлиб, ҳажман қисқа бўлсада, Бухоро вариантидан фарқ қилмайди. Шундай қилиб, умумий миқдори 92 сатрдан иборат Элбек нашридаги 4 қизиқмачоқ билан бизнинг коллекциямиздагиларни қўшсак, жами 17 тага этади, умумий миқдори эса 624 сатрdir. Ҳали озлигига қарамай, шу материал ҳам ўзбек қизиқмачоқларининг айрим хусусиятларини тасаввур этишига ва шу асосда баъзи мулоҳазаларни изҳор қилишга имкон беради.

Қизиқмачоқлар бола учун бешик даври тугаганидан кейинги маънавий эҳтиёж тақозосига кўра пайдо бўлган. Аллалар, овутмачоқлар функцияси тугаллана бошлагач, ота-оналар ва болалар ўртасидаги маънавий алоқада қизиқмачоқлар етакчи ўринга чиқади. Бу жараён моҳиятини М. Н. Мельников шундай изоҳлайди: «Бешик даври охирларида ўйиннинг аҳамияти тобора оша боради, у овутмачоқларни қисиб қўяди ва бола жисмоний ривожланишини белгилай бошлайди. Овутмачоқлар жонига тегади, боланинг маънавий камолоти янги озиқ талаб қилишга киришади. Бола мияси барча кўрган ва эшитганларини системага сола бошлайди, ўзи учун ҳар қуни янгиллик кашф эта боради. Бола ҳаракатлари ҳали ўзи яшётган уй деворлари ичкарисида кечаетганидан ташқи олам билан муносабати — туғишгаилари ва яқинлари билан муносабати, бола ҳали тенгқурларидан иборат коллективга сингмаганлиги ва ўз «ҳаёти — ўйини» оламини яратмаганлигидан ташқи таассуротлари ғоят чекланган бўлади. Ундаги шу интеллектуал чекланганликни енгишда фантазия кўмакка келади. Ҳалқ жуда қадим замонлардаётқ бой фантазия бола ақлий ўсишининг асосий кўрсаткичи эканлигини илғаган ва болалар фантазиясини ривожлантиришга хизмат қилувчи асарлар — қизиқмачоқларни ижод қила бошлаган. Улар болаларнинг тушунишига қўлай, эҳтиёжларига мос.

Ҳалқ педагогикаси воситаси сифатида қизиқмачоқларни бошқа бирор жанр билан алмаштириб бўлмайди, улар бешик даврининг интиҳо топиши, ёш психологияси ни назарда тутади. Ва гарчи жанр *скоромоҳ* қўшиқлари

ва ўйин нақоратлари текстлари негизида юзага келган бўлса-да, улардан нуқул болаларга яқин ва тушунарли образларнигина олган. Аммо бу образларнинг бутун дунёсини айнан бермай, фантастик асосда ёритган. Гёё тушунча ва тасаввурларнинг қоришувидай кечган»<sup>44</sup>. Бундан кўринадики, қизиқмачоқлар тушунча ва тасаввурларнинг ўзаро қоришуви туфайли ҳосил бўлган фантастик образлилик ва воқеабандлик негизида қурилган. Бу ҳол ундаги образлилик ва воқеабандликка — сюжетга кутилмаганлик руҳини — тасодифийлик хосиятини бахш этган. Тасодифийлик образлар хатти-ҳаракатида қулгили вазиятларни юзага чиқарса, воқеалар оқимига шиддат бағишилаган. Шу зайлда қизиқмачоқларда қизиқарлиликни таъминловчи ҳазил-мутойиба, қувноқ, аммо тагдор юмор бўртиб турувчи хусусиятга айланган. Кулги воситасида қабул қилинган ҳар қандай информацияни бола енгил, тез ва қийналмай идрок қиласди. Бу, ўз навбатида, унинг интелектуал эҳтиёжлари диапазонини тобора кенгайтира борган. Чунончи, ота ёки она ўз боласини эркаламоқчи бўлди, дейлик. Шу ниятда кичкина қизалоги шаънига оғиз жуфтлаган эди, тоғ ёнбағрида яшаётганидан кўзи ўнгиди ўша жой манзаралари аниқ деталларда гавдаланиб қолди: тоғ, боғ, уй, гул. Бола уларни ҳар чоқ кўриб туради. Бинобарин, бола шу тушунчаларни эшитибоқ уларни тасаввур қила олади:

Ана ўша тоғмиди?  
Тоғ ёқаси боғмиди?  
Боғ ёнида уймиди?  
Уй атрофи гулмиди?  
Ўша гуллар ичинда  
Сайёрахон бормиди?

Қоғиявий оҳангдошликни таъминлаб келаётган ҳар бир сўз кейинги сатрни бошлаб бериб, қолипланувчи композицияни юзага келтирган. Натижада мисра тугаган жойда янгиси бошланиб, ўзига хос занжирсимон боғланиш ҳосил бўлган. Энг муҳими, шу занжирни ташкил этувчи ҳар бир ҳалқа тиник ва кўримли: Сайёрахон табиат фарзанди сифатида шу манзарага яна кўрк бағишилаб турибди. Бинобарин, тоғ ҳам, боғ ҳам, уй ҳам, гул ҳам ва шулар бағрида яйраётган Сайёрахон ҳам эъзозланишга муносиб. Бундай эъзозланишда ҳаётпар-

<sup>44</sup> Мельников М. Н. Русский детский фольклор Сибири, с. 77.

варлик кайфияти балқиб турибди. Халқимиз ҳаётга муҳаббат түйғусини шу қадар нафосатга йўғириб мурғак қалбларга эрта сингдира бошлаган ва шу йўсинда фарзандлари эстетик тарбиясини тўғри йўлга қўйган.

Меҳнаткаш халқ қуёшнинг чиқишидан ҳам беҳад шодланиб, ўз жигаргўшаларида гўзалликка, меҳнатга меҳр уйғотишни кўзлаган:

Кун<sup>45</sup> чиқди, кунон чиқди,  
Куннинг кўпаги<sup>46</sup> чиқди.  
Деҳқон бобомнинг қизи  
Хўп ҳайдамога чиқди.  
Хўп ишди-ю, хўп ишди<sup>47</sup>,  
Холамни(нг) оши пишди.  
Бир қошиқ ичай десам,  
Ичига чичқон<sup>48</sup> тушди.

Инқилобдан бурунги замонларда қуёш чиқиши била-ноқ деҳқоннинг машақатли меҳнат куни бошланарди. Қуёшли куннинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билган деҳқон бутун оиласи билан меҳнат қилар, чунончи, қизиқмачоқда тасвирланганидек, ҳўп ҳайдаб донғамлар, бироқ эксплуататорлик тузуми шароитида ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўла олмасди. Золим кучлар сичқон бўлиб, деҳқон «пиширган ошни» ҳаром қилардилар. Қизиқмачоқда ана шу социал иллат бола идрокига мос истеҳзоли кулги воситасида фош этилган. Бунда манзара равшанлигига, кўримлилигига алоҳида эътибор берилган: қуёш чиқиб, заррин нурларининг таралиши (*кўпаги чиқиши*); деҳқонбобо қизининг ҳўп ҳайдашга чиқиши; ҳўпнинг беҳад машақатли эканлиги (бу «Ҳўп ишди-ю, ҳўп идши» такорида бўрттирилиб таъкидланмоқда); холанинг ош пиширгаилиги (бунда кўчма маъно мавжуд: хирмоннинг тайёрлигига ишора); ана шу тайёр таомни өмоқчи бўлганда ичига сичқон тушганилиги (яна кўчма саркастик ишора) — барчаси ҳаракатда намоён бўлувчи ички мантиққа мувофиқ бир-бирига боғланган оддийгина воқеалар. Улар замирида деҳқон турмушига хос ташвишлар жилоланиб турибди. Ҳаёт дегани мана шу. Бироқ бола учун ҳаёт сўзи шунчаки абстракт тушунчадан ўзга нарса эмас.

<sup>45</sup> Қуёш.

<sup>46</sup> Нури. Бу ўринда қуёшнинг заррин тожи маъносида.

<sup>47</sup> Ишдир.

<sup>48</sup> Сичқон.

Мөхнаткаш деҳқон ўз турмушининг ҳар қандай лавҳасидан фарзандига шундай ҳаёт сабоги беришга интилади. Боласини сийган деҳқон унинг тақдири олдида ўз масъулиятини сезганида ногаҳоний бир ўй—ночор турмуш тарзи уни шу ҳақда ҳикоя қилишга, шунинг баҳонасида болани ҳам ҳаётдаги тенгсизликнинг нотекис манзаралари билан кулиб туриб таниширишга ундиidi. Бу кулги оила ҳаёт-мамотида ҳал қилувчи роль ўйновчи ҳўқизнинг муболағали образини яратиш заминида ҳосил қилинган:

Айланайин ўзим, ўзим...  
Бордир маним ҳўқизим.  
Ҳўқизгинам — чамбаражоҳ,  
Оғилга киролмайди.  
Даидонлари<sup>49</sup> фит бўлган<sup>50</sup>,  
Кунжола<sup>51</sup> еёлмайди.  
Захкаш<sup>52</sup> бўйига элтдим  
Ҳам судрабу ҳам мудраб.  
Қурбақасидан қўркиб  
Сувини ичолмади.

Ҳўқизга хос ҳар белги аниқ, бола тасаввурига мос, кўримли: гавдаси салобатли — чамбаршоҳ, аммо тишлиари тўкилган — қариган. Овқатлаюмагани учун оғилга киргудек мадори қолмаган. Шу сабабли сугоришга ҳам судраш керак. Булар етмаганидек, яна қўрқоқ ҳам. Гавдаси шу қадар салобатли бўлганига қарамай, қурбақадан қўркиб, сув ичолмагани, аниқроғи, ҳажм ва характер номутаносиблиги кулги ассоциациясини қўзғаганки, бу бола қалбини қитиқловчи ҳаётбахш юморни юзага келтирган.

«Жон бургам» қизиқмачоғи ҳам ана шундай характерга эга бўлиб, анча қадимиyllиги билан эътиборни тортади. Унда ўтмишда мөхнат аҳлининг оч-юпун, ночор турмуш кечирганлиги муболағали киноявий образларда акс эттирилган.

Ўтмишда деҳқон хонадонида туғилган болаларга талай ҳашаротлар таниш эди. Айниқса, бургаю бит антисанитар турмушнинг даҳшатига айланган эди. Халқ ана шу даҳшатдан кулмоқчи бўлиб, қизиқмачоқ яратган. Аслида ўзбек қизиқчилари ижодига мансуб бўлган бу

<sup>49</sup> Тишилари.

<sup>50</sup> Ейилган; қариганлик маъносида.

<sup>51</sup> Кунжара.

<sup>52</sup> Зовур, коллектор.

қизиқмачоқ замонлар оша такомиллашиб, болалар фантазиясини бойитиб келган, уларни турмуш машақ-қатларидан құрқмаслық руҳида тарбиялаган. Бу ҳол унга болалар құшиги сифатида қарапшы асос бўлган. Шу сабабли М. Алавия ҳам, Ф. Жаҳонгиров ҳам уни болалар құшиги намунаси ёки терма деб эътироф этганлар<sup>53</sup>.

Қизиқмачоқнинг Элбек чоп этган вариантида қурум-соқликдан кулиш етакчи мотивдир. Бурга сўйилган, «олтмиш чорак<sup>54</sup> ёғ, етмиш чорак гўшт» қиласадики, бу муболагада текинхўрлик фош қилинган. Ўтмишда халқ меҳнати самарасини текингина ўзлаштирувчилар ана шундай семириб, ишрат сурадилар. Улар дабдабали турмушларини намойиш этиш учун ўзларини саховатли қилиб кўрсатар, шу ниятда гоҳи-гоҳида қўлига қараганларга садақа улашгандай бўлсалар, кимга муруват кўргазаётганларига эътибор берар эдилар. Қизиқмачоқда бу шундай тасвиранади:

Хотинларни айтиб келдим,  
Егини эритиб олдим.  
Эпчил-элчил хотинлар  
Ўн қадоқ-лаб<sup>55</sup> ёғ олди.  
Шалтоқ-шалтоқ хотинлар  
Ендан қуруқ қолди.  
Хафа бўлманг, Матмуса,  
Калла-почаси сизга.  
Хафа бўлманг, Жўрака,  
Ўлка-қорини сизга.  
Яхши қолинг, Нурака,  
Тери-ичаги сизга.  
Ишонмасангиз келинг,  
Ҳаммаси қолди бизга.

Аслида-чи, бургада на калла-поча, на ўпка-қорин ва на тери-ичак бор. Демак, барчаси яна ўзига қолган. Қурумсоқлик — мана шу. Бола онгига сингдирилмоқчи бўлган фоя ҳам — шу.

Биз Бухоро ва Қосондан ёзиб олган варианtlарда ҳам бурга сўйидирилиб, «олтмиш ботмон<sup>56</sup> ёғи», «етмиш

<sup>53</sup> Қаранг: Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, 99-бет; Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори, 86-бет.

<sup>54</sup> Улчов бирлиги, тахминан 2 килограммга тўғри келади.

<sup>55</sup> Бир қадоқ — тахминан 400 грамм; бу ўринда икки чорак, яъни 4 килограммга тенг. Буни катта чорак ҳам дейилади.

<sup>56</sup> Ўзбекистоннинг ҳар жойида ҳар хил — 2 пуддан 11 пудга ча тебрабаниб турувчи вазн бирлиги. Бир пуд 16 килограмм. Ў ҳолда бир ботмон 11 пуд ҳисобидан 176 килограммга тенг.

ботмон гүшти» олиниб, «ёғи ёғчига, гүшти гүштчига» берилса, териси чармгарга берилиб, бичувчи уни бичгач, чоракор ундан «элликта мардона, қиркта заифона, ўн бешта бачкона»<sup>57</sup> кийим тикиб беради. Дәхқонобод вариянтида<sup>58</sup> эса бурга сўйдирилмайди. Аксинча, тутиладида, устига «етмиш ботмон туз, олтмиш ботмон муз» юкланиб, туз тузчига, муз музчига әлтиб берилади. Шундан сўнггина бургага харидор топилади. Шунча юк кўтарганига қарамай, «тўққиз тангага» сотилади. Қизиқмаочоқнинг барча вариантиларида ҳам воқеабандлик ана шундай муболага негизига қурилган. Аммо бу кинояли муболага бўлиб, унда меҳнат аҳли қонини бургадай сўраётган эксплуататорлардан ҳазар қилиш, жирканиш туйгуси бўртиб туради.

Юқорида байён этилган мулоҳазалардан қизиқмаочоқларнинг икки хусусияти равшанлашади. Биринчиси, бошқа жанрларда бўлганидай, қизиқмаочоқларда ҳам ҳаёт ҳақида маълумот бериш марказий ўринда турса-да, бу маълумот ҳаётий манзаранинг бўлак-бўлакларга тақсимланган конкрет ҳолатларидан иборатdir. Энг муҳими, шу ҳаётий бўлакларнинг биринчисидан иккincinnинг, ундан учинчисининг ўсиб чиқиб, бутун қизиқмаочоқда яхлит кўримли манзара ҳосил қилган ҳолда бола ёши ва савиасини маънавий жиҳатдан тўлдирувчи ёрқин тасаввур образига айланганидир.

Иккincinnиси, ҳар бир ҳаётий бўлак у ёки бу тушунчани идрок қилиш замини функциясини ўтайди. Шу сабабли ўша тушунчани бола тасаввuriда гавдалантирувчи образ ёки воқеа тазод негизида зуҳур топади. Тазод — қарама-қаршилантириш образлар ёки воқеаларда номутаносибликни юзага келтиради. Натижада бола қалбини тўлқинлантирувчи кулги ҳосил қилинади. Чунончи, биринчи қизиқмаочоқда *тоғ* ва *боғ* тушунчалари бир-бирига моҳиятан қарама-қарши бўлиб, товушлар таркибига кўра оҳангдошдир. Бола яна шундай оҳангдошлик замирида ҳаётдаги бир-бирига зид нарса ва ҳодисалар образини қалбан ҳис қиласди, идрокига сингдиради.

Халқ улуғ муаллим сифатида боланинг воқеликка муносабатига хос шу хусусиятни сезигирлик билан илғаб олиб, деярти барча қизиқмаочоқларда қарама-қаршилан-

<sup>57</sup> Болаларга мос.

<sup>58</sup> Дәхқонободнинг Башчорвоқ қишлоғида яшовчи уста Иўлдош Панжневдан (74 ёшда) ёзиб олинган.

тиришни асосий мезонга айлантирган. Энг муҳими, қарама-қаршилантаришнинг муболага фонида кечишини таъминлаб, қизиқмачоқларга ҳаётбахш юмористик руҳ бахш эта билган. Шу сабабли қарама-қаршилантариш қизиқмачоқларда хилма-хил номутаносибликларни юзатга келтириб, кулги чиқаради. Бу кулги гоҳида юмористик якунланмадагина намоён бўлади.

Гоҳида шакл ва ҳажм номутаносиблигига параллель хатти-ҳаракат номутаносиблиги тарзида бутун қизиқмачоқнинг меҳварига (марказий ўқига) айланган ҳолда намоён бўлади. Чунончи, ҳўқиз салобатли катта ҳайвон бўлганига қарамай, кичкина қурбақадан қўрқиб, сув ичолмайди. Аксинча, бурга — миттигина ҳашарот, кўзга аранг кўринади. Бироқ «олтмиш ботмон ёғ, етмиш ботмон гўшт» қилади. Бу ҳам етмаганидек, унга «олтмиш ботмон муз, етмиш ботмон туз» юкланди ва ҳоказо.

Гоҳида эса номутаносиблик бола англаган ҳақиқатларни ноҳақиқатга айлантириш — соҳталашибдириш асосидаги тазодда намоён бўлади. Бунда бола англаётган ҳақиқатларга иисбатан ишонч туғдериш ва шу ишончни мустаҳкамлаш кўзланади. Жумладан, «Ола тоннинг бошида не кўрдинг?» сатри билан бошланувчи қизиқмачоқда ана шундай номутаносиблик воқса оқимида ғалати мантиқсизликни юзага келтиргандай туюлади:

- Ола тоннинг бошида  
не кўрдинг?
- Оқ бешикни мен кўрдим.  
Оқ бешикни ичиди.  
Оқ болани мен кўрдим.  
Оқ болани қўлида  
Оқ пиёла мен кўрдим.  
Оқ пиёла ичиди  
Қизил олма мен кўрдим.  
Қизил олма тишладим,  
Самарқандда қишиладим.  
Қўзивой тогам хотини  
Киздай бўлиб ўтириби.  
Иккى юзи қип-қизил  
Бийдай<sup>59</sup> бўлиб ўтириби

- Бетинг кургур бешқалдоқ<sup>60</sup>  
Бешик йўнин ўтириби.  
Қошинг кургур қашғалдоқ<sup>61</sup>  
Қошиқ йўнин ўтириби.  
Қурбақалар қурғаллаб  
Қуръон ўқиб ўтириби.  
Тошбақалар тариллаб  
Тарик ёзиб ўтириби.  
Катта-катта балиқлар  
Бола босиб ётириби.  
Кичик-кичик балиқлар  
Қиплик кесиб ётириби.  
Зочак<sup>62</sup> деган ер ютгур  
Юпқа<sup>63</sup> ёзиб юриби.

<sup>59</sup> Қабила бошлиги.

<sup>60</sup> Қизилиштон.

<sup>61</sup> Загизхон. Бухорода алашақишақа ва қашғалдоқ ёки олақаш-ғалдоқ деб ҳам юритилади.

<sup>62</sup> Қадимий сугдча сўз, бухороликлар тилида ҳозир ҳам истеъмолда бўлиб, қўғирчоқ, қўрчоқ маъноларини англатади.

<sup>63</sup> Егда қовуриладиган хамир овқат тури.

Ана шу мантиқсизліклар нималарда күрінади? Беш-қалдоқнинг бешік ва қашфалдоқнинг қошиқ йўнишида; курбақаннинг құръон ўқиши-ю, тошбақаннинг тарық ёзишида; катта-катта балиқларнинг киндик кесиб ётишида; ниҳоят, қўғирчоқнинг юпқа ёзаётганида. Аслини олганда, бу хатти-харакатларнинг бирортаси ҳам ҳаёт мантиқига мос келмайди. Буни ҳазиломуз енгил қарғашлар (бетинг қурғур, қошинг қурғур, ер ютгур); бирини иккинчисидан фарқлашга қаратилған овозлар (қурбақаларнинг қуриллаши, тошбақаларнинг тариллаши); ҳажмий номутаносиблик бунёдга келтирған антитета (балиқларнинг катта-катта ва кичик-кичик гуруҳларга бўлиниши) янада ёрқинлаштириб, таъкидлаб турибди. Хилма-хил товушлар аллитерациясидаги товланишлар эса ўша мантиқсизлікларнинг асл моҳиятини — реаллик томонини, ҳаёттй кўринишлапари қандай бўлса, ўша ҳолатдагиларни илғашга, идрок қилишга, аниқроғи, англанган ёки англанаётган ҳақиқатларга ишониш истагини кучайтирувчи воситага айланган. Зотан, аллитерациялаш қ товушидан бошланади. Бунда оқ сўзининг анафористик ҳолати асос қилиб олинади. Чунки оқ рангда инсон боласини эъзозлаш оттенкаси мавжуд. «Оқ ювиб, оқ тараш» иборасининг ҳалқимиз ти哩да тез-тез такрорланишида шундай маъно жамланган. Бинобарин, оқ сўзи бешикка ҳам, болага ҳам, ҳатто пиёлага ҳам ярашиқ әпитет бўла олган. Қ товуши аллитерациясининг бутун қизиқмачоқ давомида етакчи оҳангга айланиши шу мантиққа суюнгани учун мустаҳкам заминга эга бўлган.

Тўғри, аллитерацион оҳанг бир ўринда б товушига ва яна бошқа ўринда т товушига кўчса-да, бунда ҳам ўша воқеалар характерига хос хусусиятларни оҳанг воситасида ажратиб таъкидлаш мантиқи кўзланган, бироқ булар ҳам бош аллитерацион оҳангга омухталаштирилган, уни хилма-хиллаштирган, жозибасини оширган. К. Чуковский шундай деб ёзган эди: «Бундай чалкаларнинг барчасида, моҳиятан, идеал тартиб сақланган. Бундай «мантиқсизлик»да система бор.

Болаларни ана шундай «ағдар-тўнтар қилинган олам»га қизиқтириб қўйиб, биз уларнинг интеллектуал ишига зарар етказмаймиз, балки, аксинча, унга имкониятни кенгайтирамиз, чунки болаларнинг ўзларида реал дунёни бошқараётган қонунларда янада мустаҳкамроқ

қарор топиш учун ана шундай «ағдар-тўнтар қилинган олам» яратиш истаги мавжуд.

Болалар учун бу мантиқсизликлар нарса ва ҳодисаларнинг асл кўринишларини, реал ўзаро муносабатларини бекитганидагина хавфли бўлар эди. Лекин улар буни нафақат яширмайди, аксинча, олдинга суради, бўрттириб кўрсатади, таъкидлайди. Улар болаларда борлиқни сезишини кучайтиради (аммо сусайтирумайди) »<sup>64</sup>.

Болаларнинг «реал дунёни бошқараётган қонунларда» барқарорлашувлари кечадиган ўша ўzlари яратган «ағдар-тўнтар қилинган олам»лари — аслида мантиқли ва мантиқсизликнинг ўзаро қоришуви негизидаги номутаносибликда янада ойдинроқ намоён бўлган. Бу жиҳатдан «Фоз-ғозим бор» сатри билан бошланувчи қизиқмачоқ эътиборли бўлиб, унда мантиқлилик билан мантиқсизлик ўзига хос изчилликда алмашиниб туради, оқибатда болаларда воқеликка социал муносабатни ўй-фотувчи кучга айлана боради:

Фоз-ғозим бор, гоз-гоз,  
Бирни чаман<sup>65</sup>, бирни бўз<sup>66</sup>.  
Миндим бўзнинг белига,  
Тушдим гор-гор йўлига.  
Гор-гор йўли оқ бозор,  
Оқ бозорда ким кезор?  
Битта маймунча кезор.  
Маймунчани ҳуркитдим,  
Қулоқ-бурин тургиздим.  
— Мах-маҳ,— десам келмади,  
Чигит берсам, емади.  
Чигит қозонда қайнар,  
Булбул қафасда сайрап.  
Булбул уйн қамишдан,  
Ўнг бармоги кумушдан.  
Хоғиз оғам уйдами?  
Бедов отда тўйдами?  
Бедов отти минимакка  
Хоғиз оғам ярашар.

Хоғиз оғам қўлига  
Кесар қилич ярашар..  
Кесар қилич кесмоққа  
Немис<sup>\*</sup> калла ярашар.  
Немис калла кўммакка  
Суюқ чага ярашар.  
Суюқ чага устига  
Кўрпа<sup>67</sup> ўтлар ярашар.  
Кўрина ўтлар емакка  
Улоқ-қўзи ярашар.  
Улоқ-қўзи соғмоққа  
Оқча келин ярашар.  
Оқча келин қўлига  
Чинни коса ярашар.  
Чинни коса иичга  
Ёғли патир ярашар  
Ёғли патир емакка  
Лўппи бола ярашар.

Фозлар табиатда қатъий жуфтлик қонунига амал қилган ҳолда яшаши маълум. Ўзбекларда ана шу жуфтликни ифодалаш мақсадида *Foz-foz* редупликацияси

<sup>64</sup> К. Чуковский. От двух до пяти, с. 305.

<sup>65</sup> Ялқов, танбал.

<sup>66</sup> Ҷўлоқ, оқсоқ.

\* Фашистларни назарда тутган.

<sup>67</sup> Беданинг қарич торттан, лекин ҳали ўримга келмаган ҳолати.

истеъмолда бўлиб, унда ғознинг эркаги ва мокиёнининг жуфтлиги назарда тутилади. Қизиқмачоқнинг бошланувчи — биринчи сатрида *ғоз-ғоз* сўзи икки марта — ҳам сатр бошида, ҳам сатр сўнгиди ишлатилган ва ўзига хос қолипловчилик функциясини ўтаган. Сатр бошида жуфтлик маъносини англатса-да, сатр сўнгиди энди тамоман бошқача: *бира чаман* — ялқов, танбал ва яна *бира бўз* — ланг, оқсоқ маъноларини ташийди.

Лирик қаҳрамон шулардан бирига — бўзи — оқсоқига миниб мақсад сари йўналмоқчи. Ўз-ўзидан равшани, ғозга миниш — бу учишга чоғланиш демак. Сатр охиридаги *ғоз-ғоз* жуфт сўзида шундай учишга шайлик ҳолатига ишора маъноси бордай, учишга чоғланиб кўксини ғоз кўтарган ва қанотларини ғоз ёйган ҳолат ифодаланган.

Халқимизда ҳар бир сўзниңг ўттиз икки маъноси бор, деган ҳикмат беҳудага айтилмайди. У фарзандларига ўзи бунёдкори бўлган тилдан шу зайлда сабоқ берган: ҳар бир сўзниңг ўттиз икки маъносини англаб етишини кўзлаган, сўз сезгисини қўзғаб, она тилининг назокатини ҳис қилишга имкон яратган; сўзни севдириб, шу сўзни яратган халқа муҳаббат руҳида тарбиялаган. Тилниңг сўз бойлигидан ифтихор туйгусини жунбишга келтирган. Ана шу олижаноб мақсад *ғоз-ғоз* редупликациясидаги аллитерацион оҳангга мутаносиб тушувчи *ғор-ғор* редупликациясинн тақозо этган. Натижада асли таносиблик оҳангдошлиқ заминида кечса-да, унинг замирида ниҳоят даражада сезиш қийин бўлган тазод бунёдга келган: Ғоз-ғознинг учishi юксаклиқда кечган бўлса, *ғор-ғор* ернинг тубида — пастликдадир. Юксаклик ва пастлик номутаносибликни юзага келтирган. Вожеа ана шундай кулгили вазиятда ғайритабиий бошланиди. Бу ғайритабиийлик тобора чуқурлашгани сайин кулги авжи ҳам ҳаволай боради. Оқсоқ ғозни минган қаҳрамон *ғор-ғор* йўлидаги бозорда маймунчани кўради. Қаҳрамон ҳолати сингари маймунча ҳолати ҳам кулгили. У саросимада. Бу ҳам етмаганидек, яна маймунча ҳуркитилиб, кулги парвози кучайтирилади.

Табиийки, ҳуркитилиб қулоқ-бурни тиккайган маймунча энди бошқа ҳар қанча илтифотга ишонмайди. Чигит берилса ҳам қарамайди. Одатда, чигит қозонда сақланарди, бу чигит ҳам қозонда. Чигит ва қозон таносиблиги ишончни кучайтирса-да, маймунчага берила-

әтган чигит — қозонда қайнатилган чигит бўлганидан бир қадар ғайритабинийроқ. Худди шу ўрингача воқеалар болалар «ағдар-тўйнтар қилган олам»га хос мантиқ-сизликлардай кечади. Бу билан болаларни воқеаларнинг кейинги оқимига қизиқтириш, энг муҳими, уларнинг бутун диққатини инсонийлик моҳиятини идрок қилишга жалб этиш кўзланади. Бу воқеага бехосдан булбул аралашади.

Чигит қозонда қайнар,  
Булбул қафасда сайрап .

*Чигит — қозонда, булбул — қафасда* иборалари ҳолат мутаносиблигини ифодалайди. Бундай мутаносиблик қофиядаги оҳанaldoшлик билан янада мустаҳкамланади. Натижада ногаҳоний тарзда воқеага булбулнинг аралашгани сезилмай қолади. Шу нуқтада «ағдар-тўйнтар қилинган олам» мантиқсизликлари ҳам тугаб, воқеалар мантиқлилик силсиласига кўчади ва қайтариқлар асосида ягона ўзанда оқа бошлайди.

Булбулнинг ҳам воқеани воқеага улаши таносиб санъати асосида кечади: булбул бор жойда — ҳофиз бўлади. Аммо бу Ҳофиз — гапирувчи ном, икки маъноли: ҳам ҳушхон хонанда, ҳам қўлига *кесар қилич ярашадиган* марднинг номи. Ҳушхон бўлган учун ўнг бармоғи *кумушидан*, мард баҳодир бўлгани учун тагида *бедов от*, қўлида *кесар қилич*. Унинг инсоний моҳияти — ана шундай жонбозлигига. Шу сабабли у билан фахрланса арзиди. Ахир у *кесар қиличда немис каллани* кесгани туфайли эркин ҳаёт тантана қилди-ку. Утлар кўрпаланди, улоқ-қўзилар яйраяпти, хуллас, ҳамма ёқда фаровонлик ҳукм сураяпти. *Оқча келиннинг гулгул яшнаши* важи шунда эмасми? Унинг чинни *косани ёғли патирга тўлдириб лўппи болага тутиши* бирам ярашиқки...

Шундай қилиб, қизиқмачоқнинг ниҳояга етганини сезмай қоласиз. Болаларга баҳтли турмушдан мамнунлик туйғуси ана шуидай сингдирилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу қизиқмачоқ аслида анча илгари яратилган бўлиб, Улуғ Ватан уруши таъсирда контоминацияга учраган кўринади. Буни шу қизиқмачоққа бир қадар яқин бўлган «Ҳапиз оғам» номида туркманларда маълум варианти<sup>68</sup> ҳам яққол тасдиқлайди. Туркманчада умуман *душман калла* тўғрисида

<sup>68</sup> *Хапиз ага*. Ашгабат, 1975, 17—18-бетлар.

мулоҳаза юритилади, бу қачонлардир ўзбекча варианти ҳам шундай умумийликка эга бўлган, деган фикри туғдиради. Ўшанда у ҳалқ ва ватан эрки учун кураш фаровон ҳаёт гарови, деган муқаддас ғояни мурғак қалбларга сингдириши кўзлаганингига ажабланмаса ҳам бўлади.

Хуллас, фактлар туркӣ ҳалқлар, жумладан, ўзбек болалари фольклорида қизиқмачоқлар мустақил жанр сифатида қадим замонлардан бери яшаб келаётганини тасдиқлайди. Аммо уларнинг мустақил жанр сифатида қачон шакллана бошлаганини ҳозирча аниқ айтиш анча қийин. Шунга қарамай, қизиқмачоқларнинг бунёдга келишида ҳалқ қизиқчилиги репертуари муҳим роль ўйнаганлигини ҳисобга олсак, бу тарихнинг узоқ ўтмиш билан алоқадорлигини эътироф этиш мумкин.

Аллалар, эркаламалар, овутмачоқларда катталар фаоллиги етакчилик қиласди. Бола уларнинг оҳангидан, уларга даҳлдор ҳаракатдан таъсиранади. Мазкур жанрлардаги сўз бола учун тушунча сифатида қиммат қасб этмайди. Алланинг оҳангиги, эркалама завқи, овутмачоқнинг ҳаракатга уйғун майин навозиши болага ором бағишлайди, эркалатади, овутади. Қизиқмачоқларда иkkala томон баб-баравар фаоллик кўрсатишади: катталар топқир ижодкор ва моҳир ижрочи сифатида; болалар шунчаки тингловчи бўлибгина эмас, балки тинглаганларини англашга, тасаввур ва идрок қилишга, шулар асосида ҳаёт ва ўйиндан иборат ўз оламларини яратишга, тушунчалар замиридаги ҳаёт мазмунини уқишига, улардан завқланишга интиљувчи сифатида активлик кўрсата бошлайдилар. Бу ҳол болаларда психик фаолиятни активлаштира боради, пировард оқибатда онгнинг уйғонишига, дунёқарашнинг куртак ёза бошлагиша ўйл очади. Шу туфайли қизиқмачоқлар ўзбек ҳалқ педагогикасида беқиёс қимматга эга. Бинобарин, уларни тўплаш, ўрганиш ва нашр этиш илмий-эстетик ҳамда амалий-тарбиявий жиҳатдан ҳам зарурдир.

## МУНДАРИЖА

Мұқаддима . . . . .	3
I бөб. Бешик құшиқлари . . . . .	5
Алалар . . . . .	5
Айтим-олқишлар . . . . .	33
II бөб. Сүйиш құшиқлари . . . . .	50
Эркalamалар . . . . .	50
Овутмачоқлар . . . . .	64
Қиәнқмачоқлар . . . . .	74

Ахунджан Сафаров

## ЎЗБЕКСКАЯ ДЕТСКАЯ УСТНАЯ ПОЭЗИЯ

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*С. Оржоникидзе номидагы Ҳурмат белгиси орденли  
Бухоро Давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон ССР  
Маориф министрлигининг илмий советлари томонидан  
нашрга тасдиқланган.*

Мұхаррир *О. Абдуллаев*  
Рассом *А. Алижанов*  
Техмухаррир *Л. Тюрина*  
Корректор *С. Зокирова*

ИБ № 2283

Теришга берилди 10.02.83. Босишга рұхсат этилди 9.03.83. Р05539. Формат  
 $84 \times 108^{1/32}$ . Босмахона қоғозы № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартлы  
босма л. 4,62. Ҳисоб-нашриёт л. 4,9. Тиражи 1500. Заказ 48. Бағосы 75 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь күчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.